

65  
май 98

# ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

3. АКБАРОВА

## ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар  
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан  
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари  
талабалари учун ўқув қўлланма  
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,  
Тошкент 2004.

THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL  
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

Z. AKBAROVA

## **STATISTICS OF GOODS AND SERVICES MARKET**

This manual is recommended by the group of “regulating the activities of scientific organizations of higher education” of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy

207201

З. Ақбарова Товар ва хизматлар бозори статистикаси -  
(Үқув құлланма) – Т.: ТДИУ, 2004 – 144 бет.

Товар ва хизматлар бозори статистикаси үқув құлланма, мамлакатимизга бозор муносабатларини киритиш билан бөглиқ ҳолда, ижобий ұзғаришларни эътиборга олиб, миллий ҳисоблар тизимиға мувофиқ тузилған.

Хозирги даврда товар ва хизматлар бозори статистикаси мөхияти күрилиб, унда фаннинг предмети, усули ва бутунги кунда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар кўрилади. Товар ва хизматлар бозорида бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни статистик ўрганиш, бозор ҳолати мөхиятини, конъюнктурасини ўрганмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Бозор жараёнлари ривожланиши стихиялигини чеклаш мақсадида маркетинг назариясидан фойдаланиш қўл келади. Бозор жараёнларини асосий категориялари: баҳо, товар ҳаракати, товар захираси статистик ўрганиш усуллари ёритилиб, бозор жараёнларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги ва уни ёритищда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими ёритилған.

Үқув құлланма талабалар, мутахассислар, ўз савиясини шу йўналишда кенгайтиришга қаратғанлар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф. Ш.Р.Холмұминов

Тақризчилар: проф. Э. Акрамов,

доц. А. Аюбжонов,

и.ф.н., доц. М. Эркабоев,

и.ф.н., доц. М.А. Абдурахмонов

А. Набиҳұжаев

Z. Akbarova. "Statistics of goods and services market" – (manual) – TSEU, 2004 – 144 pages.

The statistics of goods and services market is based on national accounting system by taking into account our country's changes in market relations.

The manual is about essence, subject, methodology and the tasks of the "Statistics of goods and services market" course. Also it studies statistics process of goods and services market, the essence of market condition and competition process. The main categories of market: price, goods movement, learning methods of the statistics of goods reserves, social-economical efficiency of market process and indicators are explained.

The manual is designed for students, specialists of this area.

**Responsible editor:** doctor of economic science,  
prof. SH.R.Holmuminov

**Reference:** doctor of economic science, prof. E. Akromov;  
Candidate of economic science A. Ayubjonov;  
candidate of economic science M. Erkaboev;  
candidate of economic science M.A. Abdurakhmonov;  
A. Nabikhujaev

## КИРИШ

Ўтган асрнинг 80-йиллар охири ва 90-йиллари бошларида Ўзбекистон иқтисодиётида бозор механизмини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар бошланди. Бу жараён мураккаб, зиддиятли ва етарли даражада оғрикли бутун жамият манфаатларига таъсир этувчи кучга айланди. У бозор иқтисодиётига ўтишдек ҳаётий зарурат туфайли юзага келган қудратли куч эди. Бозор иқтисодиётига ўтиш, ишлаб чиқариш соҳаси ҳамда муомала соҳасида марказлаштирилган режалаштириш тамойилларига асосланган маъмурӣ-бошқарув тизимининг бузуб ташлашини ва ислоҳ қилиниши «Статистика» фани ва амалиёти олдига янги вазифаларни қўйди. Улар статистик ахборотларни йиғиш тизимини қайтадан ташкил этиш ва бозор жараёнларини таҳлил қилиш услубиятини ҳисоб ва статистиканинг жаҳон амалиётида қабул қиинган тизимиға ўтишнинг давлат дастурiga мувофиқ такомиллаштириш зарурияти юзага келтирган жиддий муаммолар билан боғлиқ вазифалар эди.

Марказлаштирилган ҳисобот кўрсаткичларининг доираси қисқартирилди, чунки бозор механизми ҳаракати давлатнинг олдисотди жараёнларини бевосита бошқаруви бўйича фаолиятини торайтиради, аммо уларни воситали бошқариш учун белгилangan эркинликни беради. Бунда бизнес, менежмент ва маркетингнинг статистик таъминланиш эҳтиёжлари доирасида анча кенгаяди, статистиканинг мустақил йўналиши – бизнес-статистика вужудга келади. Товар муомаласи тармоқларининг (шу жумладан, хизматлар соҳасининг ҳам) фаолият юритиши миллий ҳисобчилик тизимида акс эттирилиши керак. Бу ҳам макродаражадаги мажмуавий ҳалқ хўжалиги таҳлили учун, ҳам биз ҳамкорлик қилувчи ҳалқаро статистик ва иқтисодий ташкилотларни ахборотлар билан таъминлаш учун зарур.

Муомала соҳасида ислоҳотлар содир бўлмоқда, улар пирвардида товар (маҳсулот ва хизмат)ларнинг тўлақонли бозори, ҳақиқий бозор механизми шаклланишига олиб келиши керак. Бунга савдо-сотиқ ва хизматлар тизимларининг давлат тасаруфидан чиқарилиши, уларнинг якка хукмронлигига барҳам берилиши, хусусийлаштирилиши ва ҳиссадорлаштирилиши, ҳақиқий рақобат муносабатларининг пайдо бўлиши ёрдам бериши керак. Бозор ишлаб чиқариш соҳасини истеъмол соҳаси билан боғлашга, улар ўртасидаги мувофиқ мутаносибликни таъминлашга, ишлаб чиқариш истеъмолчилар заруриятларини қано-

атлантиришга мүлжалланишига қаратилған. Товар-пул алмашувини тартибга солувчи бозор механизмнинг бутунлай вужудга келиши, ишлаб чиқариш ва тақсимот истеъмол талабини қаноатлантиришга қаратилишига имкон берувчи маркетинг шаклланиши лозим. Бу жараённинг ахборотли-таҳлилий таъминланишида муҳим роль статистикага тегишлидир.

Товар муомаласи соҳасида ҳали режавий иқтисодиёт шароитларидаёқ бозор муносабатларининг баъзи элементлари ва қўринишлари мавжуд бўлган.

Товар (маҳсулот ва хизмат)лар бозори белгиланган иерархияга, ўз тармоқлари ўртасидаги мустаҳкам ўзаро алоқалар ва мутаносибликларга эга ягона тизимдан иборат бўлади. Статистиканинг ягона мақсади бозорнинг барча секторлари учун амалдаги умумий иқтисодий қонунлар, унинг умумийлиги мавжуд бўлган асосий категориялари, маркетингнинг ўхшащ усулларидан фойдаланадиган бозор ҳолати ва ривожланишини баҳолаш ҳамда таҳлил қилишдан иборат. Ушбу мақсад йўналишида барча секторлар учун тадқиқотнинг бир хил усуллари кўлланилади.

Яна шуни назарда тутиш керакки, товар (маҳсулот ва хизмат)лар бозорининг ўзи яна қимматли қофозлар, инвестициялар, ишчи кучи бозорлари ва бошқа турдаги бозорларни қамраб олевчи бозорнинг яхлит таркибий қисми бўлади.

Бозор статистикаси бозорни ўрганувчи илмий ва амалий фанларнинг умумий тизимиға ҳам киради. Уларга «Иқтисодий назария», «Маркетинг тадқиқотлари назарияси», «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Тижорат фаолиятининг статистикаси»ни киритиш мумкин. Бозор статистикасининг мустақил бўлими сифатида биржа статистикасини кўриб чиқиш мумкин, чунки товар биржалари бозорнинг мустақил секторидан, биржа фаолияти эса бозор механизми ҳаракатининг элементидан иборат.

Ҳар бир иқтисодчи, статистик, маркетолог, бозор иқтисодиёти билан шуғулланувчи ҳар бир мутахассис товар (маҳсулот ва хизмат)лар бозори статистикаси томонидан ишлаб чиқилган қўрсаткичлар тизими, ҳисоб ва таҳлил услубиятидан фойдаланишни билиши керак, у товарлар ва хизматларни сотиш билан шуғулланувчи тижоратчи ва менежерга, биржалар, савдо тармоқлари ходимлари учун фойдалидир.

Бозор ва тижорат тушунчалари бир – бири билан узвий боғлиқдир. Тижорат фаолияти, яъни товарларни сотиш ва фойда олишга йўналтирилган ҳар қандай фаолият бозорни ҳаракат-

лантирувчи кучдир. Тижорат фаолиятининг статистикаси – шахсий фанига, шахсий вазифалари ва статистик кўрсаткичларнинг тизимига эга мустақил курс бозор статистикасини тўлдиради ва ривожлантиради.

## «ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ» ФАНИНИГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТИЗИМИ

### 1.1. «Товар ва хизматлар бозори статистикаси» фаниниг предмети

Бозор - талаб-таклиф қонунига бўйсунувчи кўп қиррали ва кўп таркибли ҳодисадир. Бозор механизмининг ҳаракати бозорнинг ҳолати, унинг ривожланиш суръатлари ва асосий нисбатларини белгиловчи ҳаракат жараёнларида намоён бўлади.

Товар (маҳсулот ва хизмат)лар бозори - иқтисодий эркян сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги олди-сотди муносабатлари тизимиdir.

Бозорда ҳамма вақт ҳам ўзининг бозор жараёнларига таъсирини намоён қиласкермайдиган ўзаро чатишиб кетган ва ўзаро ҳамкорлик қилувчи қўплаб ички ва ташқи кучлар ҳаракатда бўлади. Ҳеч ким бозор жараёнларининг стихиялилиги ва ўз-ўзини тартибга солишга қодирлигини инкор қилмайди, аммо ҳар хил даражалардаги маркетинг бошқарувининг салоҳиятли имкониятлар далили ҳақида баҳслашини керак эмас. Тижоратчи ё бозор омилларининг таъсирига (йўқотишларни камайтиришни мўлжаллаб) мослашиши ёки мувофиқ ёхуд каттароқ натижага эришиш учун маркетинг усуллари ёрдамида қаршилик қилиш керак. Фақат мол-мулқдан ажраш мүқобил бўлиши мумкин. Аммо шуни аниқ тушуниш зарурки, бозор шароитларига мослашиши ва бозор жараёнини тартибга солишни факат бу жараёнлар ўрганилганда, яъни уларнинг қонуниятлари ва тенденциялари аниқланганда, бошқача қилиб айтганда, бозор статистик тадқиқотларининг предмети бўлгандагина иложи бордир.

Айнан илмий жиҳатдан чуқур ва шу билан бирга етарлича оператив тадқиқотнинг тегишли аппаратига эга статистика бозор ҳолатини акс эттириш, унинг тузилиши ва динамикасини таърифлаш, ўзгаришларини баҳолаш, бозор омиллари мажмуси таъсирини аниқлаш ва моделлаштириш имконига эга ва ниҳоят, унинг янада ривожланиши баҳоратларини қуришга имкон беради. У маркетинг тадқиқотлари билан яқиндан бирлашади ва белгиланган маънода чатишиб кетади. Масалан, бозор ҳолатини статистик ўрганиш ҳам бозор статистикасининг бир бўлими, ҳам маркетинг тадқиқотларининг таркибий қисми бўлади.

Бозор статистикаси ўз олдига бозорни тўғридан-тўғри ва воситали тартибга солиш, унинг ривожланиш параметрлари ус-

тидан назорат қилиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва ҳётга татбиқ этиш мақсадларини қўювчи давлат тузилмаларининг ахборотли-таҳлилий эҳтиёжларини қанонитлантиради. Ўяна маркетинг хизматлари ва маркетинг тадқиқотларининг услубият ва таҳлилий эҳтиёжларини таъминлайди. Улар, ўз навбатида, менежментта мувофиқ бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тавсиялар берадилар. Бундан ташқари, бозор статистикаси иқтисодий назарияни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашади, чунки у нафақат унинг дефинициясини ахборотли намойиш этади, балки илгари сурилган гипотезалар ва қоидаларни тасдиқлаб ёки инкор этиб, юнги қонунлар ва тенденцияларни аниқлайди. Ниҳоят, бозор статистикаси жамоатчиликни бозор ривожланишининг характеристери ҳақида, умуман, жамият ёки уни алоҳида қатламлари жуда ҳам қизиқкан у ёки бу бозор жараёнлари ҳақида (масалан, инфляцион жараёнлар ҳақида, истеъмол бозорининг тўлдирилганини ёки тақчиллиги ҳақида) хабардор қилувчи хизматини ўтайди.

Статистика бозорни, товарларни иқтисодий ва географик худудда ҳаракатланишини, уларни бозор механизмининг таъсирiga кўра вужудга қелувчи нархлар бўйича пулга алмашишини, бу жараёнларнинг моддий-техник ва иқтисодий таъминланишини, уни фаолият юритишнинг ижтимоий-иқтисодий натижаларини ўрганади.

Статистика миқдорий акс эттирилиши мумкин бўлган оммавий ҳодисалар ва жараёнларни ўрганиши ўзига хос машҳур хусусиятга эга. Бозор механизмининг таъсири эҳтимолли, стохастик жараёнларда намоён бўлади, бу бозорни ўрганиш мақсадларида бир қатор математик-статистик усуллардан фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

Бозор статистикасининг предмети - миқдорий баҳоланиши мумкин бўлган оммавий бозор ҳодисалари ва жараёнлариридир.

Бозор ўзининг ички тузилишига, айрим элементларининг иерархиясига ва ўзаро боғлиқликларга эга тизимдан иборат бўлгани учун, бозорни статистик ўрганиш асосига тизимли ёндашиш қўйилиши керак. Товар (маҳсулот ва хизмат)лар бозори бир-бирлари билан боғлиқ бўлсада, қуйидаги мустақил бозорлардан вужудга келади:

- ишлаб чиқариш воситалари, ундан табиий хомашё, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат маҳсулотлари (шу жумладан, ярим фабрикатлар) суббозорлари ажратилади;
- истеъмол моллари, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва ношилаб чиқариш товарлари;
- хизматлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш характеристидаги

хизматлар ва истеъмол хизматлари.

Ўз навбатида, бу бозорларнинг ҳар бири маҳаллий бозорларга, бошқачасига - айрим товарлар бозорларига ажраладилар.

Бозор фаолият юритаётган географик ўрни, яъни у ўз ҳаракатлари билан қамраб олувчи ҳудуд муҳим тизимиий аломат бўлади. Минтақавий бозор ва унинг тизимчалари - шаҳар ва қишлоқ бозорлари белгиланган ҳудудий иқтисодий ва маъмурӣ - географик тузилмалар билан чекланганлар. Минтақавий бўлининш маълум даражада шартлидир, чунки бозорнинг чегаралари ҳамма вақт ҳам маъмурӣ ёки табиий-географик жиҳатларга мос келавермайди. Қўпинча ўзаро рақобат қилсаларда, минтақавий бозорлар бир-бирлари билан кўпроқ боғлиқдирлар.

Битим-товар пулга алмашувининг юридик расмийлаштирилган ҳаракати бозордаги олди-сотдининг шакли бўлади, унда товарга мулкӣ эгалик хуқуқи бир эгадан бошқасига ўтади (товар ва пул олди-сотдининг бевосита қўлдан - қўлга ўтувчи якка тартибдаги ҳаракати ҳамда ўз моҳиятига кўра, сотувчи ва харидор ўртасидаги битим бўлади, у юридик ҳимоялангандир).

Бартер-бозорнинг алоҳида шаклидир. Унда товар товарга пул воситасиз алмаштирилади. Товар алмашувининг ушбу шаклини фақат баъзи бир даражадаги шарт билан товар-пул муносабатлари соҳасига киритиш мумкин, чунки товарлар эквивалентли нархлар бўйича алмаштирилади, пул ҳисоб-китоблари эса ўзаро қопланадилар.

Сотувчи ва харидор бир-бирларига ва умуман, жамиятга нисбатан белгиланган хуқуқлар ва мажбуриятларга эга бозор шерикларидир. Улар бир-бирлари билан ҳар хил шакл бўйича муносабатга киришадилар, сотувчи учун мақсад - товарни сотиш ва фойда олиш, харидор учун эса товарни харид қилиш ва тегишли эҳтиёжни қондиришидир. Сотувчининг каттароқ фойда олиш истаги ва харидорнинг якка хуқмонликка эга бўлмаган бозор шароитларида товарни арzonроқ сотиб олиш истаги талаб ва таклиф қонунига мувофиқ тенглашади. Рақобат остида бозорда товар олди-сотисида бир-бирлари билан рақобат қилувчи кўп сонли мустақил харидорлар ва сотувчилар мавжудлиги тушунилади.

Ҳақикий бозор муносабатлари фақат тижорат асосида қурилиб тижорат орқали фойда олишга қаратилган фаолият тушунилади.

Баъзи мутахассислар тижоратни савдонинг синоними деб тушунадилар. Товарлар ва хизматларни олиш-сотиш йўли билан фойда олишнинг шакллари кўпгина шартларга, хусусан, бозорнинг турига, рақибларнинг мавжудлигига, якка хуқмон-

ликнинг даражасига, конунчилик ва бошқаларга боғлиқдир.

Статистика, бозор алоқалари ва муносабатларини ўргана туриб, бозор шерикларининг типологиясини таърифлаши ва уларнинг таснифини бериши керак.

## 1.2. Бозор иштирокчилари таснифи

А. Сотувчилар: а) ишлаб чиқарувчилар (саноат, қишлоқ хўжалиги, якка тартибдаги ишлаб чиқарувчилар); б) савдо воситачилари (дистрибуторлар); в) давлат муассасалари; г) жамоа муассасалари ва ассоциациялар; д) аҳоли.

Б. Харидорлар: а) ишлаб чиқарувчи истеъмолчилар, шу жумладан, товарни бошқа маҳсулотга қайта ишлаб чиқувчилар; б) савдо воситачилари (мулкчилик хукуқини ўзига олувчи дистрибуторлар); в) товарнинг якуний оммавий истеъмолчилари (ижтимоий-маиший муассасалар ва маданият муассасалари, жамоа муассасалари ва ассоциациялар, давлат муассасалари); г) якуний якка тартибдаги истеъмолчилар (аҳоли).

Айтиб ўтилганларга якун ясад туриб, «Бозорнинг вазифалари қандай?», деган савонни қўямиз. Буни бозор статистикаси вазифаларини шакллантириш учун билиш зарур. Биринчидан, у сотувчи ва харидор топади; иккинчидан, бозор сотувчи ва харидорлар ўртасида битимлар тузилишида, савдо, товарнинг пулга алмашуви содир бўлишида ўзини намоён қиласди; учинчидан, бозорда талаб ва тақлифнинг ҳақиқий мутаносиблиги ўрнатиласди, бозор уларни ривожланишини рағбатлантиради ёки чеклайди; тўртингчидан, бозор механизми талаб ва тақлифлар нисбатларининг ўзгариши ва шунга кўра нархларнинг ўзгариши орқали мувозанатли нархларга олиб келади ва вақтнинг ҳар бир лаҳзаси учун нархлар даражасини белгилайди, айрим товарлар нархлари ўртасидаги мутаносибликни белгилайди, бешинчидан, бозор талаб ва тақлиф нисбатларининг минтақавий ўзгаришларига мутаносиб равишда товар массасини минтақалар бўйича тақсимланишини таъминлайди; олтинчидан, бозор ҳаётий бойликларни тақсимлаш механизмидан иборат бўлади, бозорда аҳоли ҳар хил ижтимоий гурӯҳларининг маҳсулотлар ва хизматлар хариди умумий ҳажмидаги улушлари аниқланади.

## 1.3. Бозор статистикасининг вазифалари

Бозор статистикаси умумий интеграл вазифаси бозор ривожланишининг қонунларини ўрганиш, унинг ички ва ташқи ўзаро алоқаларини аниқлаш ва моделлаштириш, шу асосда унинг янада ривожланишини башорат қилишдан иборатdir.

Бозор статистикасининг функционал вазифаларини қуй-

идаги тартибда тақдим этиш мүмкін:

- статистик ахборотни йиғиш ва ишлаб чиқыш;
- бозор ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилиш;
- бозор тузилишини таърифлаш;
- бозорнинг ривожланишини баҳолаш ва таҳлил қилиш;
- бозорнинг миңтақавий таҳлили;
- бозор ривожланиши ижтимоий ва иқтисодий оқибатларининг таърифи.

Бу вазифалар умуман, бозорнинг ва ишлаб чиқариш во-ситалари, истеъмол моллари ва хизматларнинг аниқ бозорлари-ни статистик тадқиқ қилишнинг боришида амалга оширилади. Бунда улгуржи ва истеъмол бозорлари ажратилади. Статистика тадқиқот маҳсулотларини бозорнинг айрим иқтисодий катего-риялари ва кўрсаткичлар блоклари тизими томонидан аks этти-риладиган бозор жараёнларининг ўзига хослигига мувофиқ та-бақалаштирилади:

- талаб ва таклиф, уларнинг тенденциялари ва нисбатлари тадқиқоти;
- нархлар ва нархларни ташкил қилишнинг таърифи;
- товар ҳаракати, товар айланиси (хизматларнинг соти-лиши);
- товар захиралари ва товарнинг айланана олиш жараёнла-рини ўрганиш;
- ижтимоий-иқтисодий натижалар ва бозорда фаолият юритишининг натижавийлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш.

Кўйилган вазифаларнинг амалга оширилиши асосий бозор жараёнлари ва ҳодисаларини ҳар томонлама аks эттириш ва таҳлил қилиб чиқишига, иқтисодий-ижтимоий самарадорлик-дан келиб чиқсан ҳолда унинг ривожланиши учун истиқболли ўйналишларни аниқлаш ва башорат қилишга имкон беради.

#### 1.4. МХТдаги бозор статистикасининг кўрсаткичлари

Бозор муносабатлари ривожланиши фаолиятнинг барча турларини баҳолаш услугиятини қайта кўриб чиқиши талаб килади. Бу мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ ҳисоб ва статистиканинг ҳалқаро амалиётда қабул қилинган тизимиға ўтиши бўйича Давлат дастурида ўз аксини топган. Ҳалқаро услугият фаолиятнинг барча турларини қам-раб олувчи ва миллий ҳисобларни қуришига қаратилган миллий ҳисобчилик-бухгалтерия ҳисоби ва статистиканинг ягона мил-лий тизимиға асосланади.

Миллий ҳисоблар тизими (МХТ) - жаҳонда энг кенг тар-

қалган ва иқтисодиёт ҳамда унинг натижаларини балансли макроиктисодий моделлар қуриш асосида ўрганишнинг мукаммал усууларидан биридир. Миллий ҳисоблар бухгалтерия ҳисобида қабул қилингандек, ҳар бир кўрсаткични икки томонлама ёзиш тамойили бўйича қурилади: битта счёtnинг «Ресурслар» бўлимида ва бошқа счёtnинг «Фойдаланиш» бўлимида акс эттирилиши. Миллий счёtlар моддий бойликлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, уларнинг муомаласи ва улардан фойдаланиш бўйича фаолиятнинг барча турлари натижаларини ҳамда барча даромадлар, уларни шакллантириш манбалари, тақсимлаш йўналишилари, қайта тақсимлаш, иқтисодиётнинг соҳалари ва секторлари кесмасида яқуний фойдаланиш ва жамлашни ҳисобга олувчи кўrсаткичларни акс эттирувчи ўзаро боғлиқ макроиктисодий кўrсаткичлар тизимиға эга.

Миллий счёtlар - счёtlар ва жадвалларнинг белгиланган мажмуаси қўринишида қурилган ўзаро боғлиқ статистик кўrсаткичлар тизимиdir. Унинг мақсади бутун мамлакат қўламида иқтисодий фаолиятнинг у ёки бу даврдаги тўлиқ қўринишини, ҳар бир соҳа ва ҳар бир юридик шахснинг унинг яқуний натижасига улуши акс эттирилишини олишdir.

Миллий ҳисоблар тизимида фаолиятнинг барча турлари иқтисодиётнинг соҳалари ва секторлари бўйича гурухларда на-моён қилинганд. Мамлакатимиз амалиётида амалда бўлган соҳалар таснифига мувофиқ товарлар ва хизматлар бозори улгуржи ва чакана бозорга (истеъмол моллари билан), оммавий (ёки ижтимоий) овқатланишга, моддий-техник таъминотга (ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдо), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш, тайёрлаш (харид қилиш)га хизмат кўrсатади. Иқтисодиётни секторлар бўйича гурухлаш - мамлакатимиз статистикаси учун янги, аммо халқаро амалиётда кенг фойдаланиладиган услубиятдир. У даромадлар ва харажатлар, молиявий активлар ва пассивлар оқимларини тадқиқ қилиш мақсадида амалга оширилади. Кейинчалик институцион бирлик иқтисодий хулқининг турларига мувофиқ шаклланади.

Шундай хўжалик юритувчи субъект институцион бирлик деб ҳисобланадики, агар у бухгалтерия ҳисобларининг тўлиқ мажмуасини олиб борса ва юридик шахс бўлса, яъни қарорларни мустақил қабул қилса, ўз моддий ва молиявий ресурсларига эгалик қиласа.

МХТда қўйидаги секторлар ажратилади:

- номолиявий корхоналар;
- молиявий давлат муассасалари;
- уй хўжаликларига хизмат кўrсатувчи жамоа ташкилотлари;

- ташқи иқтисодий алоқалар ёки «ташқи дунё». Товар мұомаласи соҳаси тармоқлари ички иқтисодиётнинг «номолиявий корхоналари» секторига киради; ташқи савдо «ташқи иқтисодий алоқалар» («колган дунё») секторига киради.

Асосий счёtlар товар мұомаласи соҳасининг тармоқлари ҳақидаги қуидаги ахборотларга эга!

Ишлаб чиқариш счёti товар мұомаласи соҳаларида яратыладиган ялпи ишлаб чиқариш, оралиқ истеъмол ва ялпи қўшимча қийматни аниқлашга имкон беради.

Даромадларни ташкил қилиш счёti товар мұомаласи соҳасида яратыладиган ялпи қўшимча қийматнинг тақсимланишини ҳамда бу соҳалар томонидан белгиланган даромадлар (бу соҳаларда банд бўлган ходимлар иш ҳаки, соҳалар томонидан тўланадиган солиқлар, ялпи фойда ва даромадлар) ни шакллантиришга олинадиган ҳар хил ёрдам пулларини таърифлайди.

Даромадларни тақсимлаш счёti товар мұомаласи соҳаларининг ялпи даромадини, шу жумладан, хориждан олинадиган даромадларни тақсимланишини, ҳамда ёрдам пуллари ва хориждаги ҳар хил тўловларни тўлашни акс эттиради. Товар мұомаласи соҳалари «ялпи эгалик қилинувчи даромади» ушбу счёtnинг балансловчи кўрсаткичи бўлади, у барча мажбурий тўловлардан кейин ташкилотлар ва корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағларнинг умумий суммасини таърифлайди.

Даромадлардан фойдаланиш счёti ялпи эгалик қилинадиган даромаддан якуний истеъмолга фойдаланишини ва ялпи жамғарышни таърифлайди. Бунда ялпи жамғармалар товар мұомаласи соҳаларининг корхоналарининг ялпи эгалик қилинувчи даромад ва якуний истеъмол ҳажми ўртасидаги фарқни намоён қилувчи счёtnи балансловчи моддаси бўлади.

Капитал ҳаражатлар счёti товар мұомаласи соҳаси корхоналари ( фирмалари ) нинг капитал заруриятларга, уларнинг моддий ва номоддий активларини кўпайтиришга мўлжалланган даромадларидан фойдаланишини акс эттиради. Бунга қуидагилар киради: асосий капитални ялпи ташкил қилиш ( асосий фонdlарнинг ўсиши ), моддий айланма маблағлар захиралари ( шу жумладан, товар захиралари ) нинг ўсиши, номоддий активлар, савдо ва хизматлар корхоналари учун ерларни соф ҳарид қилишлар ҳамда хориждаги капитал киритмаларнинг маблағ билан таъминланиши. Соф кредитлар (+) ёки соф қарзлар (-) бу счёtnинг балансловчи кўрсаткичи ( моддаси ) бўлади. Соф кредитлар капитал заруриятларга мўлжалланган маблағларнинг барчасидан ҳам товар мұомаласи соҳаларида фойдаланилмаганлигидан дарак беради. Уларнинг миқдори савдо ва хизмат-

лар соҳасининг иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ва секторлари капитал харажатларини маблағ билан таъминлашга қодирлиги ёки қодир эмаслигидан дарак беради. Соғ қарзларниң мавжудлиги, аксинча, бу соҳалар корхоналари ва бирлашмаларига капитал киритмалар учун шахсий маблағлар етишмаслигини ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ва секторларидан жалб қилишга түғри келганлиги ҳакида дарак беради.

Ташқи иқтисодий алоқалар (ташқи дунё) счёти ташқи савдо фаолиятининг молиявий томонини акс эттиради.

Хулосада шуни таъкидлаймизки, статистик таҳлилда иккита босқич ёки палла мавжуддир (айниқса, бу бозор каби муреккаб ҳодисага тегишилдири); биринчиси - далилларни санаб ўтиш; унда тадқиқотчи ушибу ҳодиса қандай ривожланганлиги, унинг ҳажми, даражаси, тузилиши, айланиши, тенденциялари ва ҳ.к. қандай, деган саволга жавоб беради.; иккинчиси - далилларни талқин қилиш; уларни изоҳлаш, сабабий-натижавий алоқаларни аниқлаш, бунда тадқиқотчи нима учун ҳодиса бундай даражага эришганлиги, бундай суръатларда ривожланганлиги, қандай омиллар вужудга келган тенденцияларниң сабаби бўлганлиги ҳақидаги саволларга жавоб беради. Фақат таҳлилнинг иккинчи палласи асосида амалий аҳамиятли хулосаларни қилиш ва асосланган хулосалар кейинги ривожланишнинг илмий башоратини амалга ошириши, маркетингли менежмент ва бозор жараёнларини тартибга солиш учун асос яратиши мумкин.

## Қисқача хуросалар

Бозор ишлаб чиқарувчи ва пировард истеъмолчи орасидаги боғловчилик ролининг воситаси ҳисобланади. Бу воситалик натижасида оли—сотди амалга оширилади. Бу жараённи акс этириш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш талаб этилади. Буларга олди—сотди шартномалари бозор конъюнктураси, бозор сегментлаштириши, баҳо сиёсати каби кўрсаткичлар тизими киради.

Товар ва хизматлар бозори ўз предметига эга ва ўрганиш специфик усусларидан фойдаланади. Бозор муносабатида иштирок этувчи субъектлар сотувчи ва харидор ҳисобланади. Турли хил институционал бирликлар, сотувчи ва харидор бўлиши мумкин, шунинг учун улар таснифланади.

Бозор статистикасининг асосий воситаси – бозор ҳажми, даражаси, таркибини баҳолаб, унинг динамикасини ўрганишdir. Шу мақсадда қўйидаги кўрсаткичлар тизими бўлимларидан фойдаланилади:

- талаб ва таклиф кўрсаткичлари тизими;
- товар массаси ҳаракати;
- товар ҳаракати ва товарайланмаси;
- товар айланиши ва товар захираси;
- баҳо ҳолати ва ўзгариши;
- инфратузилмаси ҳолати ва ривожланиши;
- бозор фаолиятининг самара ва самарадорлиги.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Товар ва хизматлар бозори статистикиаси фанини таърифланг.
2. Бозорнинг моҳияти нимада?
3. Бозор таркибий қисмларини таснифланг.
4. Товар ва хизматлар бозори статистикасининг вазифалари нималардан иборат?
5. Миллий ҳисоблар тизимиға кирувчи асосий бозор кўрсаткичларини таърифланг.
6. Бозор муносабатини ўрганишда танланма кузатиш қандай аҳамиятга эга?
7. «Товар ва хизматлар бозори статистикаси» қўллайдиган асосий усулларга қайси усуллар киради?
8. Бозорда иштирок этувчиларни асосий таснифи.

### Асосий адабиётлар

1. Боканов М.И. Анализ хозяйственной деятельности в торговле, Учебник. -М.: Экономика, 1990.
2. Под. ред. И.Х.Белявского. Статистика рынка товаров и услуг. -М.: Финансы и статистика, 1995.
3. Голубков Е.П. Маркетинг. Словарь. - М.: Экономика, Дело, МТД., 1994.
4. Коттер П. Основы маркетинга. Пер с анг. – М.: Прогресс, 1991.
5. Моршова К., Симчero В. О развитии статистики раночной конъюнктуры. Вестник статистики, 1991, №5.
6. Тихомиров Н. Методы анализа и прогнозирования рынка. Соц. Труд. 1990, №11.

## БОЗОР ҲОЛАТИНИНГ СТАТИСТИКАСИ

### 2.1. Бозор ҳолати тушунчаси ва унинг моҳияти

Бозор статистикаси ҳал қилиши керак бўлган энг муҳим вазифаларга бозор ҳолатини ўрганиш киради. Бунинг устига бу муаммо ҳам макро, ҳам микродаражада муҳим. Товарларнинг олди-сотдиси билан шугулланувчи, йирик ёки кичик ҳеч бир фирма бозордаги ҳолатни баҳоламасдан муваффақиятли фаолият юрита олмайди. Ҳар қандай узоқ муддатли ёки онератив маркетинг қарори конъюнктур баҳолар асосида қабул қилинади.

Конъюнктура (бозор ҳолати) атамаси лотинча бирлаштираман, боғлайман, маъносини англатади.

Бозор ҳолати ёки бозор конъюнктураси – бозорда ушбу иайтда ёки вақтнинг чекланган лаҳзасида вужудга келадиган аниқ иқтисодий вазият. Бозор вазияти тушунчаси ўз ичига қўйидагиларни олади:

- бозорнинг мувофиқлашганлик даражаси (талаф ва таклифнинг мутаносиблиги);
- бозор ривожланишининг шаклланган, мўлжалланган ва ўзгарган тенденциялари;
- бозор асосий параметрларининг барқарорлик ёки ўзгарувчанлик даражаси;
- бозор операцияларининг кўлами ва ишга доир фаоллининг даражаси;
- тижорат (бозор) хавф-хатарининг даражаси;
- рақобат курашининг кучи ва ёйилганлиги;
- бозорнинг иқтисодий ва мавсумий даврнинг белгиланган нуқтасидаги ҳолати.

Шу билан бир вақтда бозор ҳолатининг бошқа тушунчаси ҳам мавжуд.

Бозор ҳолати – бозор вазиятини белгиловчи шароитларнинг мажмуаси.

Ифодаланган иккала фикр ўртасида жиддий зиддиятлар йўқ; албатта, бу ҳолат – аниқ вазиятнинг ўзи, аммо у тегишли шароитлар ва омиллар таъсири натижасида вужудга келган. Шуидай қилиб, иккинчи таърифни аниқловчи, бозор ҳолатидаги сабаб-натижага алоқаларини аниқлашга йўналтирилган аниқловчи сифатида кўриб чиқиши мумкин.

Савдо ҳолати тушунчасидан баъзида бозор ҳолатига синоним сифатида фойдаланилади, чунки бозор фаолиятининг асо-

сида товарлар ва хизматлар савдоси ётади. Аммо торроқ тушунишда савдо ҳолати ёки савдо воситалари бозоридаги вазият бозор ҳолатининг таркибий қисми бўлади.

Бозор ҳолатининг баҳоси, таҳлил тижорат фаолияти ва бошқарувнинг барча босқичларида маркетингнинг зарурый шарти ҳамда ижтимоий-иктисодий ва солиқ таъсири ёрдамидан бозорни тартибга солиш, тегишли қонунларни ишлаб чиқишида давлат сиёсатини шакллантиришнинг талабидан иборат. Статистик тадқиқотларнинг бу йўналиши маркетинг тадқиқотлари вазифасига узвий равишда қўшилади ва маркетингнинг стратегияси ва тактикасини шакллантиришда керакли шарт-шароитлар бўлади.

Бозор ҳолатини ўрганишнинг асосий мақсади – бозор мувофиқлашувининг характеристи ва даражасини, аввало талаб ва таклифнинг нисбатини белгилашдир. Бозор механизми ҳаракатининг моҳияти талаб ва таклифни мувозанатга ҳаракатланишида намоён бўлади. Аммо стохастик характеристерга эга бу жараён кўпгина зиддиятли омилларнинг доимий таъсири остида кечади, бу доимий ўзгаришлар ва бозор ривожланишининг асосий тенденцияларидан четга чиқишилар мавжудлигини исботлаб беради. Талаб ва таклифнинг эҳтимол бўлган номутаносиблиги таҳлили бозор вазиятининг ўзгариши ҳақида огоҳлантиради. Бозор ҳолатининг баҳолари «аниқ» деган белгидан «довул» деган белгигача турланишга қодир ҳамда тадбирлар, ҳам давлат бошқаруви идоралари учун (улардан ҳар бири учун бошқарувнинг ўз даражасида ва ўз манфаатлари, хукуқ доиралари қула-миди) ахборотли-огоҳлантирувчи характеристерга эга.

Конъюнктура – мураккаб ва тез ўзгарувчан ҳодиса. У ривожланиши эҳтимоллар қонунларига бўйсунадиган кўпгина якка элементлар ва ходисалардан вужудга келади. У ўлчаш ва баҳолаш мумкин бўлган сифатий ва миқдорий алломатларнинг белгиланган давраси билан ўлчанади. Конъюнктуранинг бу хусусиятлари бозорнинг ҳолати ҳақидаги ахборотларни йиғиши ва таҳлил қилишнинг статистик усуllibаридан фойдаланишини на-тижавий қиласи.

Бозор конъюнктурасининг статистикаси (ёки уни яна конъюнктурали статистика деб ҳам атайдилар) бозорда ижтимоий-иктисодий, демографик, табиий, ташкилий, ижтимоий-сиёсий ҳамда тасодифий омиллар мажмуасининг таъсири остида вужудга келадиган вазиятни ўрганувчи бозор статистикасининг бўлимидан иборат бўлади.

Бозор конъюнктураси (ҳолати) статистикасининг предмети – аниқ бозор вазиятини белгиловчи, миқдорий ва сифатий

баҳоланадиган оммавий жараёнлар ва ҳодисалардир.

Конъюнктурали статистика оперативлиги, сифатий, аломатли ва муқобил баҳолар баён қилувчи характердаги обзорлардан кенг фойдаланиш, мұлжалга йұналтирувчи тарифлар ва воситали ҳисоб-китоблар, мантиқий хulosаларнинг құлланиши, дастлабки ва бапиоратли ахбороттар, эксперт баҳолари, ривожланишининг сиснарияларидан фойдаланиш билан ажралиб туради. Уларнинг барчаси миқдорий статистик ҳисоб-китоблар ва моделлар билан жуда яхши бирикадилар. Конъюнктурали статистиканинг хulosалари ва баҳолари жорий маркетинг бошқаруви ва режалаштириш, контроллинг, йүл қўйилган хатоларни оператив тузатиш, вазиятнинг ўзгаришига жавоб қайтариш, янирин резервларни қидириб топиш билан боғланади. Худди шунинг учун яхши йўлга қўйилган конъюнктурали статистика ракобат курашининг ҳақиқий қуроли ҳисобланади. Конъюнктура бўлинмалари, қоидага кўра, тижорат фирмалари ва давлат иқтисодий муассасалари статистик ва маркетинг хизматларининг таркибиға киритилади.

Бозор конъюнктураси (ҳолати) тубдан ажралиб турувчи учта аломатга эга: вариабеллик, даврийлик, динамиклик. Бозор ўзининг моҳияти бўйича стихияликка мойилдир, демак, тасодифий ҳамда доимий намоён бўлувчи: даврий ва мавсумий ўзгаришларга дучор бўлади, ўзининг ривожланишида жудаям эгилувчан, кўтигина ижтимоий-иқтисодий таъсиirlарга аниқ жавоб қайтаради, бундан ташқари сиёсий ва руҳий таъсиirlарга, шовшувлар, саросималарга боғлиқдир. Шунинг учун ўзгарувчаникнинг башоратлари, ривожланиш даврасининг таърифлари, бозор ҳолатининг градация қилиниши маркетинг фаолияти, тижорат қарорини қабул қилишнинг зарурий шарти бўлади. Градация қилиш остида биз бозор ҳолати миқдорий ва сифатий (аломатли) баҳоларининг шкаласидан фойдаланишини тушунамиз, у статистик таърифлар асосида ишлаб чиқилиши керак.

Бозор – динамик, ўзгарувчандир (кўпинча «инжиқ» деб атайдилар), унинг чегаралари кенгаяди ва тораяди, турли хилдаги таркибий силжишлар содир бўлади ва энг асосийси, бозорда сотиладиган ва харид қилинадиган товар массасининг нархлари ва ҳажми ўзгариди. Вақтнинг ушбу лаҳзасида бозорнинг ҳолати ҳамма вақт ҳам вақт бир қисмидан олдин келувчи вазият билан боғлиқдир. Бундан шундай хulosа чиқариш мумкинки, бозор ҳолатининг тадқиқотида бозор жараёнлари динамик тенденцияларини аниқлаш ва таҳлил қилиши энг мухим ўринлардан бирини эгаллайди.

Шундай кенг тарқалган нұқтаи назар мавжудки, бозор

ҳолатининг түғри таърифида, айниқса, унинг ўзгаришида, аниқ миқдорий баҳолар билан бир қаторда интуиция катта роль ўйнайди. Бунда зиддият йўқ: тадқиқотчи (эксперт)нинг тажрибаси ва маҳоратига асосланган таҳлилнинг статистик усуллари ва онгли интуиция биримаси қўпинча бозор ҳолатини ва унинг ривожланиш истиқболларини түғри баҳолашга олиб келади.

Бозор ҳолатини ўрганиш умуман интеграцияланган, маҳаллий бозорлар бўйича табақаланинг булиши мумкин. Бутун мамлакат ва алоҳида минтақалар кўламларидаги товарлар ва хизматлар бозорининг ҳолати, бутун товар массаси (хизматлар массаси) ва ҳар бир товар бозори (айрим товарлар бозори)-нинг бозор ҳолати ўрганилади. Маҳаллий бозорларнинг конъюнктуравий ўзаро алоқаларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Тижоратли бозор тузијмалари (уларнинг маркетинг бўлинмалари), давлат идоралари (шу жумладан, статистик), жамоат ташкилотлари, илмий муассасалар бозор ҳолатини ўрганишининг субъектлари булишлари мумкин.

Товарлар ва хизматлар бозорининг ҳолати иқтисодий конъюнктурунинг таркибий элементи бўлади. У инвестициялар, қимматбахо қоғозлар, меҳнат бозорларининг ҳолати ва ривожланиши билан яқиндан боғлиқdir. Товарлар ва хизматлар бозоридаги вазият умуман иқтисодий конъюнктурунинг омилидир. Ўз навбатида, бошқа бозорларда вужудга келадиган вазият товарлар ва хизматлар бозори ҳолатига белгиланган таъсирни қўрсатади.

## 2.2. Бозор ҳолати статистикасининг вазифалари

Бозор статистикасининг умумий концепциясидан келиб чиқувчи конъюнктурали таҳлилнинг статистик мақсадлари бозор механизми ҳаракатлари қонунларини аниқлаш ва моделлаштиришни талаб қиласди. Бу бозорнинг ривожланишини олдиндан айта олишни таъминлаш ва бозор жараёнларини тартибга солишининг ижтимоий-иқтисодий дастакларини асослаш учун зарур. Вужудга келган вазиятни баҳолаш ва таҳлил қилишнинг оператив вазифалари маркетингли менежментнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган. Бу стратегик ва оператив мақсадларнинг бирлашуви, бозор вазиятининг турли хил томонлари ва элементларини ёритувчи қўйидаги вазифаларни ажратишга имкон берган:

- конъюнктуравий аҳборотларни йиғиш ва ишлаб чиқиш;
- бозор ҳолатининг интеграл ва табақалаштирилган баҳолари, бозор вазиятининг типологияси, бозор ҳолатининг сифатли ва аломатли градация қилиниши;

- бозор кўлами (ҳажми)нинг таърифи;
- бозорниң асосий мутаносибилик баҳолари ва таҳлили;
- бозорни ривожланиши тенденциялари ва унинг динамик барқарорлигини аниқлаш, таҳлил қилиш ва башоратлаш;
- бозор ривожланишининг ўзгарувчанлиги, мавсумийлиги, даврийлиги баҳолари ва таҳлили;
- бозорниң минтақавий фарқлар баҳолари ва таҳлили;
- ишга доир фаолликнинг баҳолари ва таҳлили;
- тижорат (бозор) хавф-хатарининг баҳолари;
- бозорниң якка ҳукмронлиги ва рақобат интенсивлиги дараҷаларининг таърифи.

Қўйилган вазифалар умуман бозорниң ва унинг айрим ғэлементлари ва таркибий қисмлари кесмасидаги ҳолатининг ҳар тарафлама, ўзаро боғланган таърифига қаратилган.

Бу вазифаларни амалга оширишнинг иккита босқичи ёки дараҷасини ажратиш мумкин. Биринчидан, бозорниң кўламлари ва типологфирма бозор асосий мутаносибликлари, асосий параметрлар ўзгаришининг вектори ва тезлиги, ривожланиши барқарорлик дараҷасини таърифлаши керак бўлган бозор ҳолатини баҳоловчи таҳлили амалга оширилади. Иккинчи, таҳлилнинг юқорироқ дараҷаси, бозор вазиятини, шунинг асосида бозор ҳолати ва фирмалар маркетинги нуқтаи назаридан бозор ривожланишининг истиқболлари ҳақидаги хulosалар башоратини аниқловчи сабаб-натижә алоқалари, шартларини аниқлаш мақсадига эга.

### 2.3. Бозор ҳолати кўрсаткичларининг тизими

Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун аввал қўриб чиқилган товар (маҳсулот ва хизмат)лар бозори статистикаси кўрсаткичлари тизими биринчи блокига кирувчи кўрсаткичларнинг тегисли тизими қурилади. Бу ерда биринчи блок кўрсаткичлари аникроқ ва табақалаштирилганроқдир. Ушбу блок 9 та субблокни ўз ичига олади, улар, ўз навбатида, бозор ҳолатининг у ёки бу томонларини ва қўринишларини таърифловчи айрим сондаги аниқ кўрсаткичларни бирлантиради.

1. Товар (маҳсулот ва хизмат)ларнинг тақлифи: умуман ва айрим товарлар, сотувчилар (ишлаб чиқарувчилар, савдо во-ситачилари ва бозор жараёгининг бошқа иштирокчилари), мин-тақалар бўйича тақсимланишдаги кўрсаткичлари:

- тақлифнинг ҳажми, тузилиши ва динамикаси;
- тақлифнинг ишлаб чиқариш ва хомашёвий салоҳияти;
- тақлифнинг эгилувчан.

2. Товар (маҳсулот ва хизмат)ларга истеъмол талаби: умуман ва айрим тушумлар, харидорлар (оммавий ва шахсий истеъмолчилар) минтақалар бўйича тақсимлашдаги кўрсаткичлари:

- қўйидаги аломатлар бўйича табақалашувдаги талаб: қаноатланганлик даражаси, ўзгаришлар вектори, ташкил қилиш шакллари, харидорлик ниятлари, бозор ҳолати ва харид жойи бўйича;

- истеъмол салоҳияти (умуман ва айрим товарлар ва хизматлар бўйича): ишлаб чиқариш воситалари бозорининг ҳажми, истеъмол моллари бозорининг ҳажми ва хизматлар бозорининг ҳажми;

- талабнинг эгилувчан.

3. Бозорнинг муносаблиги кўрсаткичлари:

- талаб ва таклифнинг нисбати;

- ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол моллари ва хизматлар бозорларининг нисбати;

- товар айланиши (сотувлар, хизматлар)нинг товар тузилиши;

- ишлаб чиқарувчилар, улгуржи ва чакана сотувчилар ўртасидаги бозор бўлими (улуши);

- мулкчилик шакллари бўйича сотувчиларнинг тузилиши;

- харидорларнинг тузилиши (улгуржиларнинг — мулкчилик шакллари бўйича, чаканааларнинг — ижтимоий демографик ва бошқа истеъмол аломатлари бўйича);

- бозорнинг минтақавий тузилиши;

4. Бозор ривожланишининг тенденцияси кўрсаткичлари:

- ўсиш суръатлари, сотувчилар, нархлар ва товар захиралари, инвестициялар ва фойдалар трендларининг векторлари ва параметрлари.

5.Бозорнинг ўзгарувчанлиги, барқарорлиги ва даврийлиги кўрсаткичлари:

- вақтдаги ва кенглиқдаги (иктисодий ва географик) сотувлар, нархлар ва товар захиралари вариацияларининг коэффициентлари;

- бозорнинг ривожланиш мавсумийлиги ва ривожланиш даврийлиги моделларининг параметрлари.

6. Бозор ҳолати ва ривожланишининг минтақавий фарқлари кўрсаткичлари:

- талаб ва таклифнинг нисбати ва бозорнинг бошқа мутоносабликлари минтақавий вариацияси;

- талаб даражасининг (аҳоли жон бошига ҳисоблаганда) минтақавий вариацияси;

- бозор ривожланиши асосий параметрлари динамикаси суръатларининг миңтақавий вариацияси.

7. Йиғга доир фаоллик кўрсаткичлари:

- буюртмалар портфели, унинг таркиби, тўлдирилганлиги ва динамикаси;

- битимларнинг сони, ўлчами, частотаси ва динамикаси;

- ишлаб чиқариш (савдо) қувватларининг иш билан таъминланганлик даражаси.

8. Тижорат (бозор) хавф-хатари кўрсаткичлари:

- инвестицион хавф-хатар;

- маркетинг қарорларини қабул қилишнинг хавф-хатари;

- тасодифий бозор ўзгаришларининг хавф-хатари.

9. Бозорнинг кўлами (ўлчами), якка хукмронлик ва рақобат даражаси кўрсаткичлари:

- ҳар бир товар бозорига кирувчи фирмаларнинг сони, уларнинг мулкчилик шакллари, ташкилий шакллари, ихтинослашуви бўйича тақсимланиши;

- бозорда товар (маҳсулот ва хизматлар) сотилишининг умумий ҳажми ва фирмалар (сотишлар ҳажми) бўйича тақсимланиши;

- хусусийлаштиришнинг даражаси: хусусийлаштирилган корхоналар-нинг сони ва улуши, уларнинг ташкилий шакллари, бозорнинг умумий ҳажмидаги улуши;

- бозорнинг бўлими (фирмаларни сотув умумий ҳажмидаги улушлари бўйича гурухларга ажратиш);

- кичик, ўрта ва йирик фирмаларнинг бозор умумий ҳажмидаги улуши.

Кўрсаткичларнинг бу тизими ўз ичига нафақат конъюнктуранинг ўзига хос кўрсаткичларини, балки бозор статистикасининг бошқа блокларидан бир қатор кўрсаткичларни ҳам олади. Конъюнктура кўрсаткичларининг маркетинг тадқиқотлари таърифлари билан алоқаларини ва ёзишмаларини яна бир марта таъкидлашни истардик. Улардан бозорнинг тенденциялари ва даврийлигини акс эттирувчи статистик моделлар параметрлари сифатида фойдаланиш конъюнктура кўрсаткичларининг хусусияти бўлади.

Яна шу ҳолат ўзига эътиборни қаратадики, товарлар ва хизматлар бозори статистикасининг бошқа блок кўрсаткичларидан фарқлироқ, конъюнктура блокида кўпгина муҳим кўрсаткичлар турган ҳодисани эмас, балки динамик ёки вариацион жараённи акс эттиради, бошқалари - ҳодисаларнинг тузилиши нисбати ва уларнинг силжишларини таърифлайди. Баъзи бир конъюнктура таърифлари, хусусан, тенденциялар ва уларнинг барқарор-

лиги фақат трендли моделларни тегишли ишлаб чиқиш натижасида олиниши мумкин. Асосий ҳажмий қўрсаткичлардан бири – талаб, миқдорни бевосита ўлчайдиган ҳақиқий эмас, балки имкониятдан иборат бўлади ва шу сабабли ҳисобланимайди, фақат воситали баҳоланиши мумкин. Бошқа ҳажмий қўрсаткич – бозор қўламининг таърифи бошқа блоклар қўрсаткичлари: сотувлар ҳажми, битимлар сони, сотувчилар ва харидорлар сони мажмуасидан иборат бўлади. Конъюнктура ўзаро алоқалар ва таъсирларнинг мураккаб мажмуаси бўлганлиги учун қўрсткичлар тизимида тегишли бозор қонунлари ҳаракатини акс эттирувчи эластик талаб ва таклиф қўрсаткичларига бериладиган муҳим ўринни ўзини оқладиган деб ҳисоблаш керак.

Бозор ҳолати асосий қўрсаткичларнинг ҳисоб-китоблари ҳамда уни ундан ёки бундай намоён бўлишини белгиловчи асосий детерминантлари ва омилларининг моҳияти ҳамда хусусиятларини қўриб чицамиз.

Таклиф – бозорнинг энг муҳим категорияси ва шунга кўра, бозор ҳолатининг биринчи, дастлабки қўрсаткичи.

Таклиф – бозорда қандайдир давр давомида белгиланган нарх бўйича сотишга мўлжалланган ва харидорларга таклиф қилинадиган товар (маҳсулот ва хизмат)ларнинг ҳажми.

Оператив конъюнктурали таҳлилда фирманинг қисқа муддатли таклифи қўрсаткичларидан, яъни фирма соғ рақобат шароитларида қисқа муддатли давр давомида ҳар хил нархлар бўйича сотишга таклиф киласидиган товарлар миқдоридан фойдаланилади. Товарлар тақчиллиги даражасини баҳолаш бозорнинг (хусусан, сотувчилар бозорининг) мустақил таърифи бўлади. Яна ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол моллари ва хизматлари таклифининг ўзига хос хусусияти мавжуд. Ултуржи ва истеъмол бозорларида таклифнинг ўзига хос шакллари қабул қилинади, бу айниқса, унинг қўламларида намоён бўлади, аммо бунда унинг қонунлари ва кўринишлари умумий аломатлар ва хусусиятларга эга бўлади.

Нарх-наво омиллари, хусусан, ушбу товар ёки хизматнинг нархи, ҳамда бошқа товарлар ва хизматларга нархлар, хомашё, ресурсларнинг нархлари, сотувчилар ва харидорларнинг инфляцион кутишлари бозорда таклифнинг детерминантлари сифатида бўлади. Уларга хомашё ва тайёр маҳсулотларга дотациялар, бозордаги рақибларнинг сони, айниқса, технологиялар ва илмий техник тараққиёт кўринишлари кирадилар.

Талаб ва таклиф ўртасида белгиланган вазиятларда алоқа мавжуд: талаб таклифни тугдирали, аммо таклиф ҳам қанадайдир тарзда талабга таъсир қиласиди хусусан, сотувчининг бозори-

да талаб таклифнинг чекланган имкониятига тенг келади, харидорнинг бозорида эса таклиф талабга қаратилади. Замонавий маркетингнинг бу аксиомаси конъюнктуравий таҳдил жараёнида ҳисобга олиниши керак. Аммо бошқа нуқтаи назар ҳам адолатлидир. Унга кўра, белгиланган вазиятларда таклиф, ўз навбатида, талаб туғдиради, хусусан, янги ўзига жалб қилувчи товарнинг ўзи янги талабни туғдириб, бозорни эгаллайди.

Ишлаб чиқариш ва хомашё салоҳияти (ишлаб чиқариш имкониятларининг даражаси, яъни ишлаб чиқаришнинг таклифнинг тегишли ҳажми ва тузилишини таъминлаш қобилияти таклифнинг қўрсаткичларидан бири ва шу билан бир вақтнинг ўзида унинг детерминанти бўлади).

Таклифнинг субқўрсаткичларига талабнинг эгилувчанигини, яъни баъзи бир шароитлар, хусусан, ресурслар ва яқуний маҳсулотларга нархларнинг ўзгаришига боғлиқлиги ва ўзгарувчанигини киритиш мумкин. Бу таклифнинг бозор конуни ҳракатида намоён бўлади. Одатда, ишлаб чиқарувчининг таъсирчанлиги, уни нархий қўзратувчига жавоби баъзи бир лаг билан кўринади ва иафақат таклифнинг ўз ҳажми ўзгаришида, балки ресурсларни қимматлироқ ёки аксинча, арzonроқ ресурсларга қайта тақсимланишида акс эттирилади.

Талаб ёки аниқроғи, истеъмол талаби бозорнинг кейинги энг муҳим категорияси ва бозор ҳолатининг иккинчи қўрсаткичи бўлади.

Истеъмол талаби – пуллар билан таъминланган бозорда тақдим этилган эҳтиёж ҳисобланади.

Эҳтиёж остида ҳаётнинг ўзини тақрор ишлаб чиқариши (ишлаб чиқариш соҳасида – ишлаб чиқариш даврасини таъминлаш) ва турмушнинг белгиланган даражасини ушлаб туриш учун зарур ушбу маҳсулот (хизмат)га эгалик қилиш (фойдаланиш) истаги ёки зарурияти тушунилади.

Истакни вужудга келишидан бошлаб релаксация (хиссиётли қаноатланишига)га бўлган талабнинг шаклланиши ва қаноатланиш жараёни схематик равиида ўзгаришларининг қуйидаги занжири балан намойиш этиш мумкин. Унинг ҳар бир босқичида статистик ва маркетинг тадқиқотининг предмети бўлиши керак.

Истак → Эҳтиёж → Пул → Талаб → Нархлар → Таклиф → Харид →  
→ Қаноатланиши  
(квадратлардаги категориялар – эҳтиёжни талабга, харидни эса талабга айланнишини таъминловин воситачилар қўрсатилган)

Талаб инказланини ва қаноатланишининг схемаси

Баъзида харид, истеъмол, тўловга қобилиятли талаб ажратилади. Бу градацияланини аниқ деб хисоблаш мумкин эмас. Чунки талаб ҳамма вақт ҳам салоҳиятли харидор ва бўлғуси истеъмолчи томонидан намоён қилинади, шунинг учун ҳам барча ҳолларда харидорники деб аташ керак. Тўлов ҳамма вақт тўлов қобилиятига эга, акс ҳолда у талаб бўлмайди. Шунинг учун ушбу қойдани қўллаш умуман ортиқчадир. Талаб нимага: ишлаб чиқариш воситалари таъсирида, истеъмол моллари, хизматлар, уларнинг аниқ истеъмол (чакана)га, аниқланиши, бу бошқа гап. Кўпинча унинг иккита категорияси ажратилади: макроталаб, яъни барча товарлар ёки уларнинг катта йигинди-сига талаб; микроталаб, яъни аниқ товар ёки унинг турли туманлигига талаб. Талаб, таклиф каби улгуржи ва истеъмол бозорларида намоён бўлади ва тегишли тарзда табақалашади, у ички бирликка эга бўлса ва бутун бозор учун умумий иқтисодий қопун бўйича вужудга келса ҳам.

Статистик тадқиқотда талабнинг табақалашуви бозор ҳолатини эпчилроқ баҳолаш ва талабнинг ушбу турини башпорат қилишда олимларнинг тегишли мажмуасидан фойдаланиш имкониятини беради. Масалан, ўзининг ташкил бўлиш шакллари бўйича талаб куйидагича фарқланади: салоҳиятли (ёниқ), у товарларни бозорга чиқаришга тайёрлаш босқичида, баъзида ҳали янги товарни ишлаб чиқиши ва лойихалаш даврида вужудга келади; шакллантирувчи талаб - янги товар бозорга чиқишининг бошланғич босқичида, харидорлар унинг хусусиятлари билан энди танишаётган пайтда вужудга келади; вужудга келган - товарнинг бозордаги ишончли, тан олинган ҳолатига мос келувчи; мавсумий - ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг мавсумий характеристига ҳамда иқлимиш шароитлар ва рекреацион сонлар ва даврларга мувофиқ ўзгарувчи. Талабнинг бу турлари товарнинг мавжуд бўлиш даври билан боғлиқdir. Бу товарнинг туғилиши, ўсиши ва қариши жараёни талабни унинг тенденциялари аломати бўйича табақалашуvida акс эттирилади, бунда у ўсуви ва интенсивга бўлинади, унинг ривожланиши вектори ва тезлиги ўсиш суръати билан акс эттирилади:  $T>1$ ; барқарорлаувчи:  $T=1$ ; сўниб борувчи ёки қисқарувчи (пасайиш)  $T<1$ .

Маркетинг амалиёти учун талабни харидорларнинг ниятлари бўйича табақалаштириш мухим аҳамиятга эга: қатъий шаклланган (қаттиқ) талаб: харидор товарнинг белгиланган турини талаб қиласи ва уни алмаштиришга рози бўлмайди; мұқобил (юмшоқ, битишувлери) талаб: харидор товарнинг бир турини бошқаси билан алмаштиришга рози, ўзига товарнинг тури зарурлиги хақидаги аниқ тасаввурга эга эмас; слонтан (импуль-

сив) талаб: харидорнинг ўзи учун тасодифан, кўпинча у дўконнинг пештахтасида ёки витринасида ўз хусусиятлари билан уни мафтун қиласиган товарни тасодифан тапиб олган вақтда намоён бўлади. Товарнинг кризисли шароитлар, инфляцион вазиятлар, фавқулодда ҳодисалар, ёппасига тақчил учун хос бўлган алоҳида турли-туманлиги ажратилади: ваҳимали (ажиотаж) талаб, ҳақиқий эҳтиёждан қатъи назар ҳар қандай товар унинг обьекти бўлади. Бундай талабга сабаб инфляциядан ҳимояланиш (пуллардан қочиш) ёки ўзини товарни сотувдан тасодифий йўқ бўлиши ҳолидан ҳимоялаш истагидир.

Бизнес – статистика учун талабни бозорнинг ҳолати бўйича табақалащуви мухим аҳамиятга эга, хусусан, қуйидагилар ажратилади: салбий талаб, бунда харидорлар томонидан товарга адоватли муносабат, унга қарши нотуғри тушунча ёки товар харидорнинг жонига тегиши учрайди; талабни бутунлай мавжуд бўлмаслиги, бунда товар харидор томонидан бутунлай тан олинмаган, уни қандайдир сабаб бўйича харид қилмайдилар; яширин талаб, бунда белгиланган эҳтиёж мавжуд, аммо тегишли хусусиятларга эга товар ишлаб чиқарилмайди; тўлақонли талаб, бунда сотувчи ўзининг товар айланиши (тушуми)дан бутунлай қаноатланади. Баъзида ҳаддан ташқари талаб ажратилади, ишлаб чиқаришнинг эҳтимол бўлган даражаси харидорларнинг барча талабларини қаноатлантириши мумкин эмас. Талабнинг бу турларини аниқлаш фирмага ўзининг бозор (маркетинг) стратегиясини тегишли тартибда қуришга имкон беради.

Узоқ фойдаланиладиган қимматбаҳо товарлар бозорида кўпинча кейинга суриладиган (жамланма) талаб учрайди. Унда бундай товарни харид қилиш учун қандайдир вақтда пулни йиғишига тўғри келади. Бундай талабнинг ўлчамини билиш товарларни ишлаб чиқишини режалаштириш ёки кредитга сотишини ташкил қилиш учун фойдаланиладиган қимматбаҳо талабнинг ўсиши қўринишида намоён бўлади.

Минтақавий таҳлилда мамлакатнинг бутун ҳудудини қамраб оловчи талаб глобал деб аталади. Ундан шаҳар ва қишлоқ талаби ажратилади. Қандайдир минтақа доирасида тақдим қилинадиган талаб минтақавий талаб деб аталади. Минтақавий талабнинг таҳлилида маҳаллий аҳолининг талаби стационар (базавий) ва доимий яшаш жойидан ташқарида тақдим этиладиган мобил (миграцион) талаб ажратилади. Туризм ва яшаш жойидан ташқарида дам олиш билан боғлиқ рекреацион талаб турли туманлигигидир. Талабнинг ҳудди шу турларини ўрганишнинг роли айниқса, маркетингли режалаштиришда товар ресурсларини таҳлил қилиш ва баҳолашда каттадир.

Конъюнктурали таҳлилда қаноатлантирилган талабнинг субқўрсатқичи ажратилади. У шартлиликнинг маълум даражасида сотиш ҳажмига тенглаштирилади (бунга шартли қаноатлантирилган талаб, яъни мажбурий харид қилинган товарлар ҳам киради, улар бир қатор хусусиятлари бўйича истеъмолчилярнинг бозор шаклларига мос келмайди). Қатъий қилиб айтганда, қаноатлантирилган ёки амалга оширилган талаб, энди худди шундай бўлмайди. Пулни товарга алмаштиришда талаб ва тақлиф категориялари янги категория товар айлинишини туғдириб, ўзаро ғойиб бўладилар. Шунинг учун конъюнктурали таҳлилда ушбу атамадан фойдаланиш фақат бозорда талабни қаноатлантириш жараёни таърифининг ўзинигина билдиради. Бошқа субқўрсатқич - қаноатлантирилмаган талабнинг моҳияти керакли товарлар ва хизматларни харид қилишни имкони йўқлигига намоён бўлади. Статистик кўрсатқич сифатида у истеъмолчилар харид қилишни истаган, бунинг учун пул маблағларига эга бўлган, аммо бир қатор сабабларга кўра харид қилолмаган товарлар ва хизматларнинг ҳажмига ёки истеъмолчига керакли товарларни харид қилишга сарфланмаган пуллар суммасига мос келади. Статистикада яна тақчиллик даражасининг, яъни мунтазам сотовуда мавжуд бўлмаган товарлар саломгининг кўрсатқичи қўлланилади; 100% га яқинлашганда у, ялпи тақчилнинг кўрсатқичи деб номланади.

Талаб, юқорида таъкидланганидек, ғоятда әгилувчан ҳодиса, у ҳар хил таъсиirlарга аниқ жавоб беради. Талабнинг детерминантларига биринчи навбатда нарх-наво омиллари, шу жумладан, истеъмолчиларнинг инфляцион кутишлари ҳамда уларнинг нархий афзалликлари киради. «Экономикс» назарияси гиперболик эгрига мос келувчи график модель деб акс эттирувчи талаб қонуни талаб (бошқа тенг шароитларда) нархнинг ўзгаришига боғлиқлигини баён қиласиди. Агар нарх ўсса, унда талаб камроқ микдордаги талабларга тақдим этилади. Сомуэльсон, масалан, бу боғлиқликни «аста-секин сўниб борувчи талаб қонуни», деб атайди. Аммо, талабга истеъмолчилар даромадлари (харид қобилияти) омили, демак, (воситали) солиқлар ва солиқ ставкалари кўпроқ куч билан таъсиrl киласиди. Талаб бозорнинг тўлдирилганлиги, харидорларда аввал харид қилинган ва қандайдир вақт давомида фойдаланиладиган товарларнинг мавжудлиги билан чекланадиган айрим чегараларга эга. Аҳоли эҳтиёжларининг бир қисмини новатар манбалар, масалан, шахсий хўжалиги ҳисобидан қоплайди. Товарнинг микдори ва безалиши (дизайни) танлаш имкониятини белгиловчи товар навларининг кенглиги, уй хўжалигига фойдаланилаётган товарларнинг жисмоний ва маънавий эскириши талабнинг омилларидан бўлади.

Истеъмол бозоридаги талаб омилларнинг бутун мажмуасига боғлиқдир. Уларга демографик (аҳолининг сони ва ўсиши, жинси ёши, ҳудудий жойлашуви, баъзи бир миграцион жараёнлар, оиласининг ўлган аъзолари ва таркиби, урбанизация, маданий даража), ижтимоий-иқтисодий (бандлик, ишсизлик даражаси, иш ҳаки, бандларнинг касбий таркиби, аҳолининг даромад даражаси бўйича тақсимланиши ва бошқалар), географик ва иқлимий омиллар, миллий хусусиятлар, сиёсий шароитлар, руҳий омиллар ҳамда тасодифий таъсирлар киради. Биз яна бир марта талабнинг маркетинглиги, уни тартибга солиш қуроли сифатидаги омиллари ҳақидаги масалага қайтамиз.

Мутаносиб кўрсаткичлар, айниқса, улардан биринчиси – талаб ва таклифнинг нисбати ва унинг динамик силжишлари бозор ҳолатининг фавқулотда муҳим таърифларига киради. Аммо конъюнктурали таҳлилда талаб ва тақлиф ҳажмларини бевосита таққослашга камдан-кам эришилади. Бундай имкониятни талаб ва таклифнинг баланси беради, аммо у фақат товар ва хизматларнинг бутун мажмуаси бўйича қурилади. Товар биржасида товар ва таклифнинг нисбати сотишга ва харид қилишга буюртмаларнинг ҳажми бўйича балгиланилади. Алоҳида товар бозори мутаносибликларини баҳолашда статистика талаб ва таклифнинг нисбатини конъюнктурали индикаторлар ёрдамида воситали баҳолашга суннади. Уларга аввал таъкидланганидек, нархлар ва товар захиралари, аниқроғи, уларнинг динамикадаги ўзгаришлари киради. Образли қилиб айтганда, бу индикаторларни тарозининг ўқига ўхшатиш мумкин, унинг битта палласида талаб ва бошқасида эса тақлиф туради. Агар улар мувофиқланган бўлсалар, унда индикаторлар барқарорлар, мутаносиблизилар эса индикаторларнинг ўзгаришлари билан таъкидланади. Соғ ёки якка ҳукмронлик рақобати бозоридаги, энг қамида оғигополистик бозордаги нарх мувозанатли даражага қараб ҳаракатланади ҳамда талаб ва тақлиф мутаносиблигининг ўсишига аниқ жавоб қайтаради. Товар захиралари яна да ишончлироқ индикатор қиладилар. Улар тақлиф ўзининг ривожланишида талабдан ўзib кетганда ўсади, агар талаб тақлифдан ўзib кетсан қисқаради.

Бозор мутаносиблигининг бошқа кўрсаткичлари бозор вазияти таърифларини кенгайтиради, бозорнинг турини аниқлашга ва ривожланишининг баъзи бир таркибий қонунларини аниқлашга имкон беради. Бозорнинг мутаносиблиги балансли усул, тузилма ва координациянинг нисбий микдорлари (нисбатларнинг коэффициентлари, салмоқлар, улушлар), ўсишларнинг компоратив суръатлари (индекслар), таркибий силжишларнинг ин-

декслари, ўртача квадратли ёки чизиқли четга чиқишилар ёрда-  
мида таърифланади. Белгиланган даражада мутаносибликлар  
эластиклик коэффициентлари билан акс эттирилади. Улар омил-  
ли алматнинг бир фоизга қўпайишида натижавий қўрсаткич  
(бозор параметрларидан бири) ўзгаришини қўрсатадилар.

Бозор – динамик ҳодиса, динамика қўрсаткичларининг  
тизими унинг муайян вақтдаги ривожланишини акс эттиради.  
Уларга динамик қаторларнинг қўрсаткичлари ва уларнинг таҳ-  
лили киради. Трендли моделлар бозор ривожланиши тенденци-  
яларини аниқлашнинг асосий усулидир, график усуллар, хусу-  
сан, чартов усулидан (одатда, биржা таҳлилида қўлланилди)  
фойдаланиш мумкин бўлса ҳам.

Хатто маркетинг имкониятлари томонидан йўл қўйилади-  
ган доираларда тартибга солинадиган бозор ҳам стихияли қўри-  
нишлардан тўлиқ озод бўла олмайди. Бу ҳодиса бозор механиз-  
ми ҳаракатининг ажралмас хусусиятидир, унинг талаб ва так-  
лиф мувозанатига ҳаракатидир, унга ҳар хил интенсивликда  
доимо вужудга келадиган мутаносиблизиларни баратараф  
қилиш йўли билан эришилади. Бозор ривожланишининг сти-  
хиялиги билан боғлиқ бу хусусияти бозорнинг ҳар хил па-  
метрларининг ўзгариши орқали намоён бўлади. У статистик  
равишда сотишлар, нархлар, товар захиралари вариациясининг  
ҳар хил қўрсаткичларини таърифлайди. Бозорнинг муайян вақ-  
тда ривожланишининг барқарорлик даражаси ҳақиқий даражаларнинг  
асосий тенденциядан, яъни тренддан четга чиқишини  
таърифлайди, бу ўртача даражага фоизларда акс эттирилади-  
ган аппросимация коэффициенти билан улчанади.

Бозорнинг ривожланишига, қоидага кўра, тақрорлашиши,  
яъни даврийлик ҳосдир. Бу давралар ҳар хил масофа ва изчиликка эга. Бир йил доирасида, одатда, мавсумий ўзгариш, интен-  
сивлик қузатилади, у вариация коэффициентлари билан баҳо-  
ланади. Мавсумий давраларнинг характеристири ва кучи айрим то-  
варлар ва хизматлар учун фарқланади ва ҳар хил иқлимий ва  
иқтисодий минтақаларда турлича намоён бўлади. Мавсумий-  
лик, одатда, З- ва юқорироқ тартибдаги параболалар ҳамда Фурье  
гармониклари билан моделлаштирилади.

Бозор динамикаси ва ўзгаришлари қўрсаткичлари билан  
хавф-хатар қўрсаткичлари узлуксиз боғлиқдир. Шу нарса рав-  
шанки, бозор ривожланишининг характеристири, вектори ва тезлиги,  
унинг барқарорлик даражаси, вужудга келган мутаносиблиги  
қўпроқ даражада тижоратчининг хавф-хатарини белгилайди.  
Хавф-хатар остида тижоратнинг муваффақиятсизликка учраш  
эҳтимоли тушунилади. Бозорда хавф-хатарнинг ҳар хил турла-

ри, хусусан, инқироғигү учраш ҳавғи, инвестицияларни тұлиқ ёки қисман Ыүқотин, режаланытирилған фойдани олмаслық, сиқиб чиқарышлик әхтимоллари билан боелиқ хатарлар бор.

Микро ва макродаражадаги бозор вазияти ишга доир ға-  
блык күрсаткичлари билан етарлича күргазмали акс эттирила-  
ди, улар бозор ҳолатини градация қилишга имкон берадилар.  
Инга доир фаоллық түшунчаси кенгроқ даражада ўз ичига то-  
варлар ва хизматлар бозори статистикаси күрсаткичлари тизи-  
ми 2- ва 3-блоклари барча күрсаткичларини ҳамда қимматбаҳо  
қоғозлар, инвестициялар, меҳнат бозорлари күрсаткичларини ва  
иқтисодиёттинг батъзи бир макрокүрсаткичларини олади. Ишга  
доир фаолликнинг бундай күрсаткичлари индексларидан уму-  
ман бозор иқтисодиётини таҳжил қилиш мақсадида фойдалани-  
лади. Улар иқтисодий барометр номини олган бозорнинг мурак-  
қаб бащоратли моделига киради. Торроқ түшүнишда бозор ҳо-  
лати күрсаткичларининг ушбу субблоки ўз ичига буюртмалар  
портфелини, яъни ҳарид қилишга ва сотишга тузилған шартно-  
малар (битимлар, шартномалар, буюртмалар)нинг сони ва ҳаж-  
мини олади. Ишга доир фаолликнинг күрсаткичларига амалга  
оширилған битимларнинг таърифлари: уларнинг сони ва ўлчам-  
и, динамикаси, частотаси киради. Буюртмаларнинг күрсаткич-  
лари фирмаларнинг салоҳиятли имкониятлари (масалан, унинг  
ишлаб чиқарыш ва савдо қувваты) билан белгиланади. Ҳар бир  
буюртма ва буюртмалар бутун йиғиндинсинг фойда келтири-  
ши (фойдалилиги) күрсаткичидан фойдаланилади. Бу әхтимол  
бўлган фойданинг ўзига хос бащоратидир.

Киммабаҳо қоғозлар бозорида вужудга келувчи вазиятни  
товар бозори ҳолатининг воситали таърифи ҳисоблаш зарур. То-  
варлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи у ёки бу компания акци-  
яларига талаб, шунга кўра унинг акциялари курси маълум дара-  
жада фирманинг бозордаги ҳолатига боғлиқдир. Шунинг учун  
акцияларнинг бозор индексларини товарлар бозори ҳолатининг  
мустақил индикаторлари сифатида кўриб чиқиши мумкин.

Якка ҳукмронлик ва рақобат даражасини баҳолаш бозор  
ҳолати күрсаткичлари тизимининг муҳим таржибий қисми бўла-  
ди. Уларга корхоналар ва фирманинг сони ва ўлчами, уларнинг  
бозорда эгаллаган улушлари, уларни бу аломатлар бўйича тақ-  
симланиши күрсаткичлари киради. Бу бозор турини аниқлаш,  
бозор типологиясининг тегишли матрицасини қуриш, бозор бў-  
лими (сегментлари) жараёнига тариф беришга имкон беради,  
бу маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши шартига киради.  
Мамлакатимизнинг ҳозирги бозори учун хусусийлаштириш жа-  
раёнларининг Ўзбекистон иқтисодиётини якка ҳукмронликдан

озод қишлиш ва давлат тасарруфидан чиқариш қуролларидан бири сифатидаги таърифи катта аҳамиятга эгадир.

## 2.4. Бозор вазиятининг конъюнктурали баҳолари

Асосан, бозор вазиятининг сифатли ва аломатли баҳоларига асосланувчи конъюнктурали таҳлилнинг ўзига хос усуллари мавжуд. Амалда уларнинг барчаси эксперт усулида олингандар категориясига киради. Кўпинча конъюнктурали обзорлардан фойдаланилади, унда тузувчининг тажрибаси ва кузатишлари асосида вазиятининг мантиқий баёни келтирилади, далиллар (шу жумладан, конъюнктурали индикаторлардан фойдаланиш билан) қайд қилиниши берилади, ҳар хил мутахассисларнинг фикрларига сеилкалар қилинади. Якунида хуносалар шакллантирилади, уларда вазиятнинг аломатли баҳоси, бозор ҳолати ва турининг сифатий градацияси берилади. Масалан, қулай (юкори) конъюнктура (аломатлари: мувофиқлаштирилган бозор, сотувнинг барқарор ёки ўсувчи ҳажми, мувозанатли нархлар ва ҳ.к.) ёки аксинча, ноқулай (паст) конъюнктура (аломатлари: бозорнинг номутаносиблиги, талабнинг йўқлиги ёки ноқулай ўзгаришлари, нархларнинг кескин ўзгариши, сотишнинг кризиси, товарларнинг тақчили, захираларнинг асосланмаган ўсими ва ҳ.к.). Аммо сифатий баҳоларнинг биринчи асосида асосий бозор жараёнларининг миқдорий таърифлари ётади. Сифатий баҳоларга, одатда, ҳам экспертлри моделлаштириш, ҳам раками материялнинг кўзда кўринадиган баҳолари киритилади. Шунинг учун сифатий ва аломатли баҳолар статистика фани тушунчасига қўшилади. Шуни эътиборга олиш керакки, бу турдаги баҳолар кўпинча баъзи бир ноаниқликдан жабр кўради ва ювилиб кетган чегараларга эга. Уларнинг асосий фазилати шундан иборатки, улар оперативдирлар ва ахборотларни йиғиши бўйича қимматбаҳоли тадбирларни ва муракқаб ҳисоб-китобларни талаоб қилмайди.

Бозор ҳолатининг ниятлари ва баҳоларининг қуроллари сифатида конъюнктурали индикаторлардан фойдаланиши мумкин. Бозор ҳолатининг статистикасида нархлар, товар захиралари, ишга доир фаолликнинг кўрсаткичлари ҳамда мутахассисларнинг тажрибаси ва фикрларига асосланувчи ўзига хос сифатий ва аломатли конъюнктурали баҳолар шундай индикаторлар бўлиши мумкин. Конъюнктуранинг индикаторлари ролида бўлган кўрсаткичлар таҳлилнинг қўйилган мақсадлари ҳамда бозор ривожланишининг хусусиятларига кўра, мутлақ ва нисбий миқдорларда бўлиши мумкин.

Бозорни ҳар хил комбинациялардаги бир-бирлари билан таққосланадиган ишга доир фаоллик индекслари мажмуаси бўйича баҳоланади. Масалан, сотиш ҳажмини кўпайтирмасдан битимлар сонининг ўсиши бозор жонланишидан дарак бермайди, балки фақат бозор жараёнига жалб қилинган кичик операциялар билан шуғулланувчи фирмаларни кўрсатади. Инфляция ва тугалланмаган тақчил шароитида захираларнинг ўсиши нархлар ўсишининг таъсири остида талаб қисқариши натижасида сотувнинг бостириб келаётган кризиси хақида дарак беради. Одатда, бозор ҳолатининг қўйидаги градация қилинган сифатий баҳолари берилади: жонланган бозор, ривожланаётган, барқарор, мустаҳкам, суст, ривожланишдан орқага кетувчи, қисқараётган ва ҳ.к. Бу қоидалар ўртасида аниқ чегара мавжуд эмас. Кўпинча белгиловчи аломатлар комбинацияси томонидан таърифланувчи бозорнинг оралиқ ҳолати учрайди. Ўзбекистоннинг истеъмол бозорида ўтган асрнинг 90-йиллари биринчи ярмида вужудга келган мураккаб вазият: талаб ва талифнинг аниқ акс эттирилган номутаносиблиги, ўсиб бораётган инфляцияда ишлаб чиқаришнинг пасайиши, бир қатор товарлар тақчили мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай ҳолатни баъзида стагфляция, стагнациянинг комбинацияси (сотишнинг кризиси, ишлаб чиқариш ва товарлар сотилишининг пасайиши) ва инфляция, деб атайдилар.

Конъюнктурали баҳолар тизимида бозорлар кўламлари ва турларининг таърифи киради. Бозорнинг ўлчами товар (маҳсулот ва хизмат)ларни сотиш ҳажми ҳамда бозорда ҳам бирламчи (ишлаб чиқарувчи) ҳамда савдо воситачиси қаби сотувчилар сифатида ҳаракатланувчи фирмалар ва уларнинг миқдори билан белгиланади. Бунда фирмаларнинг вазифали ихтисослашиш: сотиш, улгуржи-воситачилик савдоси, чакана савдо, хизматлар таърифланади. Бу таҳдил ўз ичига хусусийлаштириш ва хиссадорлаштириш жараёнининг олди-сотдининг шакли сифатидаги таърифини олади. Фирмаларнинг мулқчилик шакллари бўйича ва бозорда улар эгаллаган улуш бўйича гурухлари тузилади. Маҳсус тадқиқотлар ёрдамида ташкил қилинмаган ва қора бозорлар кўламининг мўлжалланган (воситали) баҳолари берилади. Бир номдати ва ўзаро бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар савдоси билан шуғулланувчи фирмалар сони ва ўлчамининг баҳолари ва уларнинг товар айланиши умумий ҳажмида эгаллаган улуси бўйича тақсимланиши рақобат тарқалганлигининг кўламлари ва даражаси акс эттиради.

Юқорида кўрсатилганидек, хавф-хатар бозордаги тижорат фаолиятининг ажralмас таркибий қисми бўлади, у кўпроқ

даражада рақобат қураши билан асосланади. Хавф-хатар йўқотишлар қўриш ёки мўлжалланган мақсадларга эришмаслик, бозордаги ўз мавқенини йўқотиш хавфидан иборат бўлади. Хавф-хатар мураккаб, бозор жараёнлари, умумий иқтисодий ҳолат, иқтисодий-сиёсий шароит ва ҳатто бозордаги шерикларнинг руҳияти билан узвий боғлиқ ҳодисадир. Хавф-хатар эҳтимолли, бевосита ўлчаб балмайдиган категориядир. Уни фақат воситали баҳолаш мумкин. Бу хавф-хатарнинг объектив статистик таърифи учун жиҳдий қийинчиликлар туғдиради.

Бозордаги хавф-хатар олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳаракатлар ва акс ҳаракатлардан кўпчилигининг оқибати сифатида натижага эришиш ноаниклиги билан асосланади. Ҳамма вақт ҳам олдиндан айтиб бўлмайдиган омилларнинг катта миқдори ҳаракат қиласи ва кўпгина ҳолларда уларга таъсир қилиб бўлмайди. Ундан ҳамма вақт ҳам қочиб бўлмайди, аммо уни кўпинча олдиндан сезиши, башорат қилиш мумкин. Тижоратчидан танлов бўлиши керак: таваккал қилмаслик, камроқ фойдадан қаноатланиш ёки катта фойда олиш мақсадида таваккал қилиш, фақат хавф-хатарнинг йўл қўйиладиган даражасини, рақобат қурашида ютқазиш эҳтимолини билиш мухимдир. Шу муносабат билан конъюнктурали таҳлилда, одатда, иккита аломатли градациялар кўпинча (интуицияга асосланган) ажратилади: йўл қўйиладиган, қочиб бўлмайдиган хавф-хатар ва ғоятда катта йўл қўйиб бўлмайдиган хавф-хатар. Бунда ҳамма вақт ҳам йўқотишларнинг эҳтимолли миқдори хисобга олиназеффицен-тикли, улар қанчалик чекланган бўлсалар, тадбиркор ўзига шунчалик кучлироқ таваккал қилишга рұксат беради.

Хавф-хатарларнинг ҳар хил турлари мавжуд. Сотувчининг хавф-хатари ва харидорнинг хавф-хатари бор. Сармоядорнинг хавф-хатари олди-сотди битимини тузувчи савдо тижоратчисининг хавф-хатаридан фарқланади. Янги товарни ишлаб чиқаришга тайёрланаётган тадбиркорнинг хавф-хатари биржа чайқовчисининг хавф-хатарига ўхшамайди. Хавф-хатарлар ўзининг хавфлилик даражаси билан ҳам фарқланадилар: киритилган маблағларни қисман ёки тўлиқ йўқотиш хавф-хатари; банкрот бўлиш, рақиб томонидан бозордан сиқиб чиқарилиш хавф-хатари; янги товарни истеъмолчи томонидан тан олинмаслиги хавф-хатари; кредитни йўқотиш хавф-хатари; инфляция хавф-хатари, иш ташлашлар хавф-хатари ва ҳ.к. Шуни таъкидлаш керакки, кўпгина хавф-хатарлар бир-бирлари билан боғланган ва ўзаро асослангандирлар; бу ерда қўчки та-мойили ҳаракат қиласи: битта хатар орқасидан бопиқасини олиб келади. Хавф-хатар даражасини уларни суғурта қилиш билан

пасайтириш мүмкін, бу иш билан күпгина банклар ва сұғурта корхоналари шуғулланадилар. Аммо сұтуртага ва хавф-хатар әхтимолига харажатларни солишириб күриш керак (моддий бойликларнинг сұфуртаси әмас, балки фақат тијорат фаолиятининг хавф-хатари назарда тутилади).

Хавф-хатарни баҳолашнинг учта усули маълум: юқорида гапирилган турдаги экспертли аломатли баҳолар (онгли равиши даги ортиқча бозор хатари асосида хавф-хатарга йўл қўйиладиган интуитив баҳолар); хавф-хатар омиллари ва мезонларининг экспертли балли баҳолари (конъюнктурали таҳлил маълумотларидан фойдаланиш ва қейинчалик хавф-хатарнинг ўртача интеграцияланган кўрсаткичларини статистик ишлаб чиқиш ва киритиш билан); статистик, шу жумладан, бозор назарияси га асосланган моделлар ёрдами билан хавф-хатар әхтимолини баҳолаш (статистик қарорлар назарияси). Ушбу қўлланманинг З-бобида хавф-хатар даражасини маркетингнинг стратегик матрицалар ёрдамида баҳолаш усули кўрсатилган.

Бозор ҳолатининг баҳоларидан келиб чиқувчи хавф-хатар мезонларига қўйидагилар киради:

- бозорнинг барқарорлик (ўзгарувчанлик) даражаси;
- бозор ривожланишининг тенденциялари, тезлиги ва вектори;
- рақобат интенсивлигининг баҳоси (рақобат бозорининг тури, рақобат қилувчи фирмаларнинг сони ва қуввати, рақиблар томонидан назорат килинадиган бозор улуши);
- бозор ҳолати даврасининг баҳоси;
- олдинги тажрибадан, худди шундай моделлардан олинган хавф-хатарнинг әхтимоли (муваффақиятга асослар).
- сиёсий вазиятнинг барқарорлиги ва тадбиркорликни институцион ҳимояланганлиги даражаси.

Аввал таъкидланганидек, фирма томонидан кутилаётган хавфнинг даражасини чеклаш бўйича, шунинг билан хавф-хатар даражасини пасайтиришга кўмаклашувчи баъзи бир тадбирлар кўрилиши мүмкін. Улар әхтимол бўлган хавф-хатарлар даражасининг ҳисобланган баҳоларига асосланадилар. Бундай тадбирларга қўйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш ва савдо айланмаси диверсификациялаш, навларни янгилаш ва кенгайтириш, товарларнинг янги турларига ўтиш, товар ҳаракатининг илфорроқ усулларидан фойдаланиш, инвестицияларни Хикснинг: «барча тухумларни биттага саватга қўймаслик» тамойили бўйича бўлиб-бўлиб жойлаштириш;
- инвестициялар ва натижаларни сұфурталаш (биржада ишида хеджиралаш);

- бозор ҳолати ҳақидаги тұлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлаш;

- шахсий имкониятларни обьектив баҳолаш;

- режалаштирилаётган фойдалилыкни құпайтириш (барча әхтимол бүлгап натижалар фойдалилыгидан үртаса арифметик миқдор сифатида ҳисоблаб чықлади, унда натижаларнинг әхтимоллиги тарози ролидан бүләди).

Экспертли хавф-хатарни баҳолаш баҳолашнинг эңг осон ва кенг тарқалған усулидир. Хавф-хатарнинг миқдорий баҳоси конъюнктураны таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Бозорни асосий параметрлари үзгарувчанлиги ва барқарорлиги, унинг ривожланиш тенденциялари таърифи хавф-хатарнинг үлчевлари сифатида бүләди. Вариация қанчалик интенсив бүлса, бошқа тенг шароитларда хавф-хатар шунчалик күчлироқ. Бозорнинг сиғими қанчалик, тенденциялар қанчалик қулайроқ бүлса, хавф-хатар шунчалик кам. Ушбу ва бошқа маълумотлар асосида эксперталар томонидан баллар қўйилади.

Ҳар бир хавф-хатар ( $R$ )  $i$ -х омиллари (хавф-хатар мезонларининг белгиланған сони ( $n$ ) билан баён қилинади, одатда улар 10 дан күп әмас. Улардан ҳар бирининг миқдори әхтимолли хавф-хатар даражаси бўйича оранжировка қилинади ва мөъёрлаштирилади, яъни ҳар бирига (1 дан 10 гача белгиланған балл берилади. Бунда хавф-хатар сиғими даражасини ҳисобга олиш билан ҳар бир шундай омилга (эксперт йўли билан) үзининг салмоғи ( $W_i$ ) берилади, у хавф-хатарнинг умумий улущидаги омил таъсирининг улушкини акс эттириши керак. Салмоқларнинг суммаси 1 га тенглаштирилади. Қандайдир омилнинг йўқлиги нолли баҳо билан баҳоланади. Омилнинг бали тегишли салмоққа құпайтирилади, натижаларнинг суммаси эга ушбу хавф-хатарнинг миқдорини белгилайди

$$R = \sum_i^n (B_i W_i)$$

$R$  1 га қанчалик яқин бўлса, хавф-хатар шунчалик кам, у 10 га қанчалик яқин бўлса, хавф-хатар шунчалик күп. Хавф-хатарнинг минтақалари (соҳалари) тушунчаси мавжуд. Хавф-хатарнинг минтақаси – бу, хавф-хатар белгиланған миқдордан ошмайдиган чегаралардир. Хавф-хатарнинг чегаралари хавф-хатарнинг үртаса даражаси миқдори ( $R$ ) билан акс эттирилади. Қўйида хавф-хатар минтақалари чегараларининг шкаласи берилмоқда (1-жадвал).

## Хавф-хатар чегаралари шкаласи

Хавф-хатар минтиқалари чегаралари	0	0,1-2,5	2,5-5,0	5,1-7,5	7,5-10,0
Хавф-хатар минтиқалары	Хавф-хатареси	Кам	Онирлган	Жоған	Пүл күйиб бўлмайдиган

Хавф-хатарнинг эҳтимоли ҳам ўхшашларнинг таҳлили асосидаги экспертилди йўл билан, ҳам хавф-хатар назарияси (статистик қарорлар назарияси) нинг хуносаларига асосланувчи услубиёт ёрдамида аниқланади. Бу услубиёт мукъобил вариантлардан ноаниқлик шароитларида статистик қузатишлар натижаларни бўйича мувофиқ бозорникини ташлашига имкон беради. Масалан, талаб пасайганда ё маҳсулот ишлаб чиқариши тұхтатиши ва бозордан кетипп ёки товарни замонавийлаштириши ва унга жалб қилувчи нархларни белгилаш ёрдамида сўниб бораётган талабни жонлантириш мумкин. Қарорларни ташлаш қўйидаги стратегияларга асосланади:

- кўпроқ йўқотишлар даражасини камайтириш (мини-макси қоидалар);
- энг катта хавф-хатарни камайтириш;
- хавф-хатарни кўнайтириш: қизиқиб кетиш стратегияси;
- келишувчанлик: энг кичик ва энг катта йўқотишларнинг ўртасаси;
- фойдали самаранинг энг катта (баъзида ўртача) миқдори;
- энг катта кутишлар.

Маркетинг қарорларининг таҳлилида қарорлар дарахти номини олган график усулдан фойдаланиш мумкин.

Бу таҳлил бозор ҳолатини таърифловчи бир қатор миқдорларнинг ноаниқлигидан келиб чиқади. У ҳар бир миқдорнинг эҳтимоллигини баҳолашга мажбур қиласи. Уларнинг гурӯҳлари тенг эҳтимолли холдинг кризиси, босқичи деб аталади. Афзалликлар ёки фойдаларнинг эгриси қурилади. Унда ординатининг ўқи бўйича фойдалилик даражаси, абциссанинг ўқи бўйича эса оқибат (масалан, харажатларнинг ўзгариши) ажратиб қўйилади. Эгри қандай қилиб таваккал қилишни истамаётган тижоратчи харажатларнинг ўсишига ёки камроқ фойдага рози бўлишини кўрсатади.

### 2.5. Талаб ва таклиф эластиклиги аниқлаш статистик усуллари

Талаб ва таклифининг эластиклиги – бозорга хос, бозор қонуни ҳаракатининг намоён бўлиши билан асосланган ҳодисадир.

Талаб эластиклигининг моҳияти унинг фоятда эгилувчанлиги ва ўзгарувчанлиги, турли-туман ижтимоий-иқтисодий омиллар, биринчи навбатда, нарх ва пул даромадига боғлиқлигидан иборатдир. Товар таклифи ҳам худди шундай хусусиятга эга. У бозор шароитларида нархларнинг ўзгаришига аниқ жавоб қайтаради.

Талаб ва таклифнинг ташқи омиллар таъсирига сезгирлиги (баъзида хушёрлик деб атайдилар) феноменига иқтисодчилар XIX асрнинг бошидаёқ эътибор қаратганлар. Француз иқтисодчиси О. Курно талаб белгиланган маънода нархнинг вазифасидир, деган фикрни билдирган. Бу фояни инглиз тадқиқотчиси А. Маршал ривожлантирган ва уни қуйидаги формулада акс эттирган:

$$D = f(p)$$

Бу ерда:  $D$  – талаб;  $p$  – нарх.

Аммо тадқиқотчилар дарҳол шу нарсага эътибор қаратганларки, ҳар бир товарга талаб нафақат ушбу товарнинг нархига, балки бошқа товарларнинг нархларига ҳам боғлиқдир. XIX асрнинг 80-йилларида Лозан мактабининг вакили ҳисобланган швейцар тадқиқотчиси Л. Вальра Курнонинг дастлабки тенгламаси асосида талаб эластиклигининг ўзининг вариантини таклиф қилган ва уни қуйидагича акс эттирган:

$$D_x = f(p_x, p_1, p_2, p_3, \dots, p_n).$$

Бу ерда:  $D_x$  –  $x$  товарга талаб;

$p_x$  –  $x$  товарнинг нархи;

$p_1, \dots, p_n$  - қолган товарларга нархлар.

Шуни таъкидлаш керакки, чоррахавий эгилувчанлик назарияси ушбу фояга асосланади. Уни кейинроқ қўриб чиқамиз. Курно – Маршалнинг қарашлари кейинчалик бошқа тадқиқотчилар (хусуссан, В. Парето, Е. Сулцкий, Д. Хикс ва бошқалар) томонидан ривожлантирилган. Улар эластиклик тушунчасида даромад омилини киритганлар. Талабнинг эгилувчанлиги нарх ва даромад омилларидан эканлиги ҳакида К. Маркс ҳам „Капитал“ ида ёзган. „Экономикс“ назариясининг машхур яратувчиси П. Самуэльсон талабнинг нархдан эластиклигини товарларнинг ҳарид қилинаётган миқдорининг бозор нархлари ўзгаришига жавоби сифатида қўриб чиқди.

Талаб ва таклифнинг эгилувчанлиги – уларнинг бозордаги ижтимоий-иқтисодий шароитлар ўзгаришига жавоб қайтарishi.

Эластиклик ўтчовини, уни миқдорий қўрсаткич – эластиклик коэффициенти сифатида акс эттириб, „Статистика“ фани белгилаган.

Эластиклик коэффициенти – битта (натижавий) аломатни бошқа (омилли) аломатнинг бир фоизга ошишидаги фоизли ўзгаришидир.

А.Маршалл қуйидаги нисбатлар кўринишидаги эластикликининг эмпирик коэффициентини киритди:

$$\mathcal{E} = \frac{\Delta_y}{\Delta_x} \cdot \frac{x}{y}$$

Бу ерда:  $\Delta_y$  – талабнинг ўсиши („дельта“ белгиси билан, одатда, ўсишлар белгиланилади);

$\Delta_x$  – омилли аломатнинг ўсиши;

$y$  – талабнинг базавий кўрсаткичи;

$x$  – омилли миқдорнинг базавий миқдори.

Баъзида бу формула нисбатларни ишлаб чиқиш кўринишида, баъзида фоизли ўзгаришлар кўринишида акс эттирилади:

$$\mathcal{E} = \frac{\Delta_y}{\Delta_x} : \frac{y}{x}, \quad \mathcal{E} = \frac{\Delta_y}{y} : \frac{\Delta_x}{x}$$

$\mathcal{E} < 1$  да инфраэластиклик ҳодисаси намоён бўлади, товар камэластилик ёки эластилик эмас ҳисобланади;  $\mathcal{E} > 1$  да ультра эластиклик ҳодисаси таъкидланади, товар эластилик ёки кучли эластилик бўлади.  $\mathcal{E} = 1$  да товар кучсиз эластилик (унитар талаб) бўлади, бу ҳолда, қоидага кўра, нархларнинг пасайиши тижорат самараси (пул тушумларининг ўсишига) олиб келмайди. Эластилик коэффициентининг ижобий миқдори омилли аломатни қўпайишида товарни ўсишини билдиради, яъни алоқа тўғри (одатда бундай эластиклик даромаддан намоён бўлади); салбий миқдор – омилли аломатни қўпайишида талаб қисқаради, яъни алоқа тесқари, талабнинг бундай боғлиқлиги нархларнинг таъсирига хосдир.

Фақат шуни назарда тутиш керакки, нархлар ва даромаднинг ўзгаришига бошқача жавоб қайтарувчи товарлар мавжуддир. Масалан, даромаднинг ўсиши юқори бўлмаган истеъмол қийматидаги товарларга талабни пасайишига олиб келади.

Амалий ҳисоб-китобларда эластиклик коэффициенти динамик ва статик ҳисобланиши мумкин, яъни ё товарнинг вақтдаги ўзгаришини, ёки мажмуанинг қандайдир бошқа бирлигига нисбатан ўзгаришини (масалан, ҳар хил истеъмол гурухлар, ҳар хил минтақалар ва х.к.) акс эттиради. Биринчи ҳолда формула қўйидигачи ўзгартирилади:

$$\mathcal{E} = \frac{y_i - y_0}{x_i - x_0} : \frac{y_0}{x_0}$$

Бу ерда:  $y_n$  ва  $y_{n-1}$  – базисли ва жорий даврларнинг талаби;  $x_n$  ва  $x_{n-1}$  – базисли ва жорий даврларнинг омилли аломати.

Мисол. Нархлар ошгунга қадар ўртача кунига 100 бирликдаги товар сотилган, 14 минг сүм бирликдан нархлар 16 гача оширилгандан кейин сотиш кунига 75 бирликкача қисқарган. Сотишнинг ўсиши (қисқариши) -25 бирликни, нархларни ўсиши 2 минг сүм бирликни ташкил қылган. Бу вақтда эластиклик коэффициенти қуйидагига теңг бўлган:

$$\mathcal{E} = \frac{-25}{2} : \frac{100}{14} = -1,8$$

яъни нархлар 1% га ўсганда, талаб 1,8% га қисқаради. Бу шуни билдиради, товар ультра эластик ва унинг талаби нарх омилиниңг ўзгаришига жавоб қайтаради.

Статистикада (одатда гурухлаш маълумотлари бўйича) бу формула қуйидагича кўринади (ҳар бир  $i$  – гурухи бўйича):

$$\mathcal{E}_i = \frac{y_i - y_{i-1}}{x_i - x_{i-1}} : \frac{\bar{y}}{\bar{x}}$$

Бу ерда:  $y_i$  – таърифланадиган  $i$  – гурухидаги талаб;  $y_{i-1}$  – олдинги гурухдаги талаб;

( $y$  – талабнинг ўртача даражаси;

$x_i$ ,  $x_{i-1}$ , ( $x$  -  $i$ - гурухи, олдинги  $i-1$  гурухи ва барча гурухлар бўйича ўртача омилли аломатлар.

Нисбатда базавий миқдор сифатида ўртача эмас, балки олдинги гурухнинг кўрсаткичларидан фойдаланилганда ҳисобкитобда бошқа вариант қўлланилади:

$$\mathcal{E} = \frac{y_n - y_{n-1}}{x_n - x_{n-1}} : \frac{y_{n-1}}{x_{n-1}}$$

Барча гурухлар бўйича эластикликнинг умумий коэффициенти гурухли коэффициентлардан ўртача арифметик ўлчангандан сифатида ҳисобланади. Салмоқлар сифатида ҳар бир гурух бўйича тақрорланиши тезлиги ёки тез-тезлигидан фойдаланилади:

$$\overline{\mathcal{E}} = \frac{\sum_i^m \mathcal{E}_i W_i}{\sum_i^m W_i}$$

Бу ерда:  $\mathcal{E}$  – эластикликнинг ўртача коэффициенти;

$E$  – эластикликнинг гурухли коэффициенти;

$W$  – ҳар бир  $i$  – гурухининг салмоғи;

$m$  – гурухлар сони (биринчиси).

Эластикликнинг гурухли (минтақавий) коэффициентларини хисоблаш жуда катта аҳамиятга эга. Истеъмолчиларнинг ҳар хил ижтимоий-иктисодий гурухлари биргина омилга турли-ча қарайдилар. Масалан, даромаднинг паст даражасига эга истеъмолчилар учун нархларни 1% га ўсиши талабни анча пасай-ишини келтириб чиқаради, даромаднинг юқори даражасига эга истеъмолчиларнинг талаби бу нархли «қитиқловчи»ни сезмас-лиги мумкин. Ёки бошқа мисол. Битта даромад гурухидан бош-касига ўтгани сари баъзи бир товарларга талаб муносаб эмас, балки ушбу товар қаноатлантирадиган эҳтиёжнинг иерархия-сига кўра белгиланган жадаллик билан ўсиши, ёки секинлашиши мумкин. Талаб эластиклигининг бу қонуниятидан марке-тингда бозорларни сегментларга бўлиш ва талабни тартибга солишда фойдаланиш мумкин.

XIX асрнинг 80-йилларидағи машҳур немис иқтисодичи-си ва социологи Э.Энгель унинг номини олган қонунни шакллантирган: оила даромади ўсиши билан унинг овқатланиш ха-ражатлари мутлақ ўсади, аммо нисбатан камаяди. Уй-жойга харажатларнинг эластиклиги билан боғлиқ худди щундай қонунни XIX асрнинг иккинчи ярмида немис статистиги А.Швобе шакллантирган: оила даромадлари ўсиши билан уй-жойга харажатлар мутлақ ўсади, аммо нисбатан камаяди. Яна шу ҳолатга эъти-бор қаратиш керак, талабнинг эластиклиги нафақат унинг ҳажми ўзгариши шаклида, балки унинг мутаносиблигида, тузилишининг силжишларида намоён бўлади.

Талаб ва таклиф эластиклигининг намоён бўлиши бир қатор хусусиятларга эгадир. Агар истеъмол бозоридаги талаб нархлар ва даромад ўзгаришига амалда бир зумда жавоб қайтарса, бунинг устига бу ўзгаришларнинг характеристики, ўртача ёки тенденция каби намоён бўлса, унда улгуржи бозорда-ги талаб қўпинча белгиланган лаг билан таъсир қиласи, чунки улгуржи тижоратчиларнинг талабни рағбатлантирувчи ҳар хил усуслардан фойдаланувчи у ёки бу стратегиясига асосланган йўналтирилган фаолияти қандайдир даражада детерминация-лаштирилган. Худди шу нарсанинг эластиклиги етказиб берув-чилар ва улгуржи харидорларнинг контракт (шартнома) ало-қаларининг ташкилий шаклларида намоён бўладиган таклиф ҳақида ҳам айтиш мумкин. Бу ерда улгуржи сотувчи нархларнинг ўзгаришига мослаша оладиган вақт давоми эластиклик-

нинг муҳим элементи бўлади. Албатта, нархларнинг ўзгаришига жавоб қайтариш вақти бир қатор шартларга, хусусан ахборотлар тизимларининг ўзгаришларига боғлиқдир.

Нархларнинг талабга таъсирининг вектори даромадлар таъсири векторига нисбатан тескари бўлади. Аммо, бу қоидада баъзи бир истиснолар бор. Биринчидан, эластиклика товарнинг фойдалилиги даражаси (яъни, унинг эҳтиёжлар иерархиясидаги ўрни) таъсир қиласи. Товар истеъмол учун қанчалик муҳим бўлса, у одатда шунчалик эластиқдир.

Аммо Джиффен парадокси деб номланган ҳодиса мавжуд: нон қанчалик қиммат бўлса, уни шунчалик кўп харид қиласи. Нархларнинг ўсиши эҳтиёжлар шкаласида биринчи ўринда гавдаланмайдиган, юқори сифатли, аммо қимматбаҳо товарларнинг талабини пасайтиради. Нархлар ўсиши шароитларида уларнинг эластиклик талаблари талаоб қиласидан камроқ харид қиласи. Унинг ўрнига биринчи эҳтиёж товарларини харид қиласи. Бу талаб битта товарни бошқаси билан алмаштирилишини билдиради. Алмашувлик самараси нархларнинг пасайиши уни кўпроқ, нархларни ўсиши камроқ рақобатбардош қилишини билдиради. Бу шунга олиб қеладики, биринчи ҳолда у бошқа товарни сиқиб чиқаради (унинг ўринбосари, суботатути бўлади), иккинчидан – ўзи арzonроқ товар томонидан сиқиб чиқарилади. Масалан, нархларни эркинлантириш ва ундан кейинги чакана савдо айланмасидаги сакраб чопаётган инфляциядан кейин ноозик-овқат товарларининг улуши талаб тузилишида озиқ-овқат маҳсулотлари билан сиқиб чиқарилганини учун кескин қискарган.

Бошқа томондан Вебелен парадокси деб номланган характеристикамоён бўлади. У шундан иборатки, зебу зийнат предметларини уларнинг истеъмол хусусиятлари учун эмас, балки уларнинг ижтимоий аҳамияти, хусусан, обру, мода учун харид қиласи. Машхур американлик иқтисодчи ва социолог А.Маслоунинг эҳтиёжлар иерархиясида эҳтиёж ўз-ўзини қарор топтириш ва ўз-ўзини акс эттиришда у томонидан таклиф этилган эҳтиёжлар мотивациялар пирамидаси назариясининг чўққисида туради. Буни мамлакатимиз амалиёти ҳам тасдиқлайди. Машхур иқтисодчи Р.Бодуэннинг фикрига кўшилиш керақ, унинг кўрсатишича, Джиффен самараси қашшоқлик томонидан, Вебелен самараси бойлик томонидан вужудга келтирилган.

Талаб эластиклиги коэффициентини хисоблашнинг варианти таклиф қилинган, у баъзи бир даражада инфляция даврида кучаядиган зиддиятларни силлиқлашга имкон беради, бу вақтда нархларни ўсиши билан келиб чиқсан талабнинг ўсиши

қандайдир даражада даромад қўпайиши билан ўрни қопланади. Шу нарса равшанки, талабни тартибга солиш учун ҳар бир омилнинг ва иккала бир-бирлари билан узлуксиз боғланган омилларнинг биргалиқдаги ролини баҳолаш зарур. Кўп омилли регрессив моделдан фойдаланиш мумкин эмас, чунки бу шароитларда нарх ва даромаднинг омиллари коллинеардирлар. Комбинацияланган гурухларни қўллаш жудаям адабли эмас. Биринчидан, вақт омилини тўлиқлигича чиқариб ташлаш, демак, нархни ўзгармаслигини қайд қилиш мумкин эмас. Иккинчидан, ўртача гурухли нархда ҳар хил сифатдаги товарларни ҳарид қилиш нархларининг омили намоён бўлади.

Инфляция шароитларида талабнинг эластиклигини ўртacha даромад орқали акс эттирилган нархларнинг нисбий даражасидан моделлаштириш ишончлироқ кўринади:

$$D = f\left(\frac{P}{R}\right)$$

Бу ерда: D – талаб;  
P – нарх;

R – истеъмолчиларнинг ўртача даромади.

Нарх омилининг таъсири остида бир товарнинг бошқаси томонидан сиқиб чиқарилган талаб тузилишининг эластиклиги чорраҳавий эластиклик деган номга эга. Уни аниқлашнинг ҳар хил усуллари мавжуд. Чорраҳавий эластиклик А.Маридаги эмпирик коэффициенти энг кенг тарқалгандир:

$$\mathcal{E}_{x,y} = \frac{\Delta q_x}{\Delta q_y} \cdot \frac{p_x}{p_y}$$

Э талабнинг чорраҳавий эластиклиги коэффициенти;

$\Delta q_x$  – x товарга талабни ўсиши;

$\Delta q_y$  – y товарга талабни ўсиши;

$p_y$  – y товарнинг нархи;

$p_x$  – x товарнинг нархи.

Эластикликнинг эмпирик эластиклиги ўзининг ташқи содалиги ва оддийлигига битта муҳим камчиликка эга: шартли равишда ҳисобланадики, амалиётда талабга бир вақтда кўпгина омиллар таъсир қиласа ҳам, талабнинг барча ўзгаришлари битта омилли алломатнинг ўзгариши билан асосланади. Бунинг устига талаб ва барча бозор омилларининг алоқаси, қоидага кўра, вазифавий эмас, балки эҳтимолли корреляциондир. Эластиклик кўрсаткичларининг ҳисоб-китоблари регрессиянинг жуфт ва кўп омилли тенгламалари ёрдамида ўзаро алоқаларни модел-

лаштириш билан яқындан боғлиқдир. Бу ҳолда Маршалл эластиклиги эмпирик коэффициентининг формуласи Аллен-Боулонг эластиклиги назарий коэффициентининг формуласига ўзгартирилади. Бу математик равища қуйидагича асосланади: оммавий маълумотларнинг алоқасини тадқикот қилишда эластиклик коэффициенти қуйидаги кўринишни олади:

$$\mathcal{E} = \lim_{\frac{\Delta_y}{\Delta_x} \rightarrow 0} \frac{\frac{\Delta_y}{\Delta_x} \cdot \frac{x}{y}}{\frac{D_y}{D_x}} = \frac{d'_y}{d'_x} = \rightarrow (x)$$

яъни  $x(y')$  бўйича у биринчи ҳосила бўлганлиги учун, эластикликнинг назарий коэффициенти қуйидаги кўринишни олади:

$$\mathcal{E} = Y' \cdot \frac{x}{y}$$

Бу ерда:  $Y_x$  – натижавий аломатнинг тенглаштирилган миқдори, яъни аks эттирилган боғлиқлик:

$$Y = f(x)$$

У - тегишли вазифанинг биринчи ҳосиласи.

Ушбу формула эгрининг ҳар бир нуқтаси учун эластикликни аниқлашга имкон беради. Унинг иқтисодий ўзгариши, хусусан, истеъмолчиларнинг айрим контингентлари (гурухлари) талаби эластиклиги таърифидан иборатдир. Агар натижавий ва омилли аломатларнинг ўртача миқдори олинса, унда ўртача эластиклик аниқданади. Бунда амалиётда, одатда, тенглаштирилган натижавий аломатнинг ўртача миқдори ( $\bar{y}_x$ ) ни натижавий аломат эмпирик миқдорининг ўртача миқдори ( $\bar{y}$ ) билан алмаштирилади, чунки  $\bar{y}_x$  ва ў миқдорларининг суммаси мос келиши керак (факат миқдорларни йириклиштириш билан қичик фарқ келиб чиқиши мумкин). Бунда эластикликнинг ўртача коэффициенти формуласи қуйидаги кўринишни олади:

$$\mathcal{E} = y' \cdot (\bar{x} / \bar{y})$$

Яна шуни ҳам қўшиши керакки, биринчи ҳосиланинг ўзи ҳам иқтисодий ўзгартирилиши мумкин: у натижавий аломатларнинг ўзгаришини, аммо энди фоизларда эмас, балки омилли аломат кўпайишининг таъсири остида номланган сонларда ҳамда битта бирликка номланган сонларда аks эттирилади.

## Қичқача хulosалар

Бозор ҳодиса ва жараёнларига умумлаштирувчи таъриф, бозор конъюнктураси, яъни турли хил шароит ва омиллар таъсири остидаги конкрет бозор ҳолатини англатади. Бозор конъюнктурасини ўрганиш, корхона даражасида, тадбиркорлик, хулосалар қилиш, рақобатдош иш олиб бориш, маркентинг стратегиясини қабул этиш учун керак. Макродаражада эса, бозор конъюнктурасини ўрганиш, давлат ижтимоий-иктисодий сиёсатини олиб бориш, инқизотга қарши чора-тадбирлар кўриш ва ҳоказолар учун зурур.

Бозор конъюнктурасини ўрганишда статистиканинг тутган ўрни бениҳоядир. Бозор конъюнктурасида статистиканинг вазифаси - бозор ҳолатини баҳолаш, ривожланиш қонуниятларини аниқлаш, истиқлолни башорат этиш.

Бозор конъюнктурасининг асосий кўрсаткичи – талаб, таклиф ва унинг эластиклиги, баҳо ўзгариши, захиралар ва ҳ.к.лардир. Конъюнктуравий статистикада ҳодисаларнинг миқдорий таърифидан сифат аниқлигига атрибутив кўрсаткичлар ёрдамида кенг фойдаланилади.

Бозор конъюнктурасини ўрганишнинг асоси - бозорнинг ривожланиш тезлиги таърифи, статистикада бозор асосий параметрларининг тебранувчанлигидир. Улар вариация кўрсаткичлари ёрдамида ўрганилади.

## Назорат ва мұхқама учун саволлар

1. Бозор конъюнктурасини таърифланг.
2. Нима сабабли бозор конъюнктураси статистиканинг ўрганиши предмети ҳисобланади?
3. Бозор конъюнктураси статистикасининг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Бозор конъюнктураси қандай қилиб эксперт баҳолаш ёрдамида ўрганилади?
5. Қандай статистик күрсаткычлар бозорни таърифлайди?
6. Талаб ва таклифни таърифланг.
7. Таваккалчилик даражаси қандай аниқланади?
8. Талаб ва таклиф эластиклигини таърифланг.

## Асосий адабиётлар

1. Баканов М.И. Анализ хозяйственной деятельности в торговле. -М.: Экономика, 1990.
2. Под.ред. И.К.Беляевского. Статистика рынка товаров и услуг. -М.: Финансы статистика, 1995.
3. Бешелов С.Д., Гурвич Ф.Г. Экспертные оценки. -М.: Наука, 1973.
4. Котлер П. Основы маркетинга Пер.с анг. -М.: Прогресс, 1991.
5. Маршава К., Симчера В.О. О развитии статистики рыночной конъюнктуры. Вестник статистики, 1991. №5.

## МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИҢ СТАТИСТИК УСУЛ-ЛАРИ

### 3.1 Маркетинг ва маркетинг тадқиқотлари түшүнчәсі ва уларнинг моҳияти

Бозор үз моҳияти бүйича ривожланишнинг стихиялигига ва олдиндан айтиб бўлмасликка интилади. Бозор механизми-нинг харакат эҳтимоли, стохастик жараёнларда, бозорнинг асосий параметрлари доимий ўзгаришларида намоён бўлади. Бозорда аввал бошдан бир-бирлари билан қийинчилик ила муроса килувчи иккита тенденция курашади: бир томондан, сармояларни танлашга интилиш ва бунинг натижасида якка хўқмронликка қараб ҳаракатланиш, бошқа томондан, стагнацияга қарши асосий восита сифатида тўхтатиб бўлмас рақобатни кенгайтиришга интилиш. Бозорнинг стихиялиги ва унинг ривожланишини олдиндан айтиб бўлмаслик жамиятга кучли ижтимоий-иқтисодий изтироблар билан хавф соглан. Худди шуниңг учун XIX асрнинг охирларида ёқ АҚШда якка хўқмронликка қарши йўналтирилган ва ракобат курашини тартибга солувчи қонунлар пайдо бўлган, XX асрнинг 10-20-йилларида эса, барибир американлик иқтисодчи олимлар бозорнинг стихиялигини анча чеклаш мақсадига эга ва товар муомаласининг асосий жараёнларини бошқариладиган ва тартибга солинувчи назарияларни ишлаб чикиш билан шуғулланганлар. Бу назария кейинчалик маркетинг номини олган ва жуда тез - аввалига АҚШда, кейинчалик бутун дунёда бозор муносабатлари амалиётига кирган.

Маркетинг назарияси ва амалиётига киритилган марказий ғоя маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлашни истеъмолчилар манфаатларига бўйсундириш зарурлигидан иборатдир. XVIII асрда ёқ Адам Смит ишлаб чиқаришнинг ягона якуний мақсади истеъмол эканлигини тасдиқлаган. Уни XX асрда ривожланган бозор қонунларини тадқиқ этган иқтисодчилар ҳам қабул қилганлар ва ривожлантирганлар. Маркетингнинг замонавий концепцияси истеъмолчи манфаатларининг устуворлигидан келиб чиқади ва бу ғояни товарни ишлаб чиқариш ва тақсимлашга бўйсундиради.

АҚШда маркетинг бўйича биринчи нашрларнинг пайдо бўлиши ва улар бир вақтнинг ўзида олий мақтабда ўқитилиши XX асрнинг 10-йилларига тўғри келади. 20-30-йилларда маркетинг назарияси товар ҳаракатланишини бошқариш услубия-

ти билан түлдирилган; маркетинг қарорларини қабул қилиш назарияси ишлаб чиқилган.

Бозор жараёнларини бошқариш бүйича биринчи ғояларни Гарвард бизнес мактабининг профессори А.Шоу айтган; бу ғоя П. Черингтон ва Д. Уэлдинг асарларида давом эттирилган. Маркетинг назариясини ишлаб чиқишга Р. Конс, У. Элдерсон, Т. Левиттлар катта ҳисса күшганд. Ф. Котлер маркетинг назариясида тан олинган обрұта әга. Шунингдек, Р.Д. Базец, Б. Барман, Ф.Букерель, У.Вой, А.Дайан, С.Маджаро, Г.Моррис, П.Дракинер, Д.Эванс, Х.Якобссен ва бошқа күпгина хорижий маркетологларнинг асарлари машхурдир.

Бизнинг мамлакатимизда маркетинг элементлари үтган асрнинг 60 – йилларидан ишлаб чиқилиб, амалиётта киритила бошланды. Улар талабни мажмуавий үрганиш ва башоратлашнинг давлат тизими номи остида машхур бўлганлар. Ҳалқ истеъмоли товарларига талабни ва савдо конъюнктурасини үрганиш бүйича бутун иттифоқ илмий-текшириш институти талабни үрганишнинг услубияти ва шу билан бир вақтда ташкилий марказ бўлган, ҳозирги вақтда у истеъмол бозори ва маркетинг илмий-текшириш бозоридир. Қишлоқ савдосида худди шундай вазифани қишлоқ аҳолисининг талабини үрганиш бүйича марказий илмий-текшириш лабораторияси бажарган, у кейинчалик истеъмол кооперациясининг илмий-текшириш институтига ўзгарилилган. Ташқи савдода маркетинг савдо –саноат палатаси ва ташқи савдо ташкилотларининг кучи билан татбиқ этилган.

Маркетинг – алмашув воситасида эҳтиёжларни қаноатлантиришга йўналтирилган фаолият туридир. Бу ҳозирги замон маркетологлари орасида кенг тарқалган нуқтаи назардир. Барча турли-туманликларда маркетинг таърифларининг катта қисмida умумий ғояларни топиш мумкин. Биринчидан, маркетинг ўзининг иерархияси, биргалиқда бўйсундирилиши, устуворликлари билан ҳаракатлар, тадбирлар, ўзаро муносабатларнинг яхлит тизимидан иборат. Иккинчидан, у товарларни сотишининг энг самарали усулини таъминлашга йўналтирилган. Учинчидан, ишлаб чиқариш ва савдонинг истеъмолчилар манфаатларига бўйсуниши, яъни истеъмол талабини тўликроқ қаноатлантириш ва бунинг ҳисобига эҳтимол бўлган энг катта фойдани олиш унинг тамойилидир. Тўртинчидан, маркетингда ўзаро боғланган учта вазифавий элементларни ажратиш мумкин:

- товарлар ва хизматларни сотиш бүйича фаолиятни бошқариш (*marketing management*);
- объектив бозор шароитларига мослашиши ва талаб так-

лифга таъсир қилувчи қуроллар сифатида омилларнинг белгиланган мажмуасидан фойдаланиб энг катта тижорат самарасини таъминлаш учун ижтимоий-иктисодий дастаклар ёрдамида бозор жараёнларини маркетингли тартибга солиш;

– бозор холати ва ривожланишини ўрганиш ва башорат қилиш, маркетингли менежментнинг ахборотли – таҳлилий таъминлаш ва маркетингни тартибга солиш.

Маркетингнинг қўйидаги вазифавий таърифини бериш мумкин: Маркетинг – бозорни бошқариш, тартибга солиш, ўрганиш тизими.

Шуни тушуниш қийин эмаски, маркетингнинг охирги элементи биринчи иккитасига нисбатан хизматчи ролини бажаради, чунки ҳеч қандай бошқарувни ахборотли таъминланишсиз тасаввур қилиш мумкин эмас, тартибга солиш ёрдамида эса бозорга таъсир қилиш мумкин бўлган сабаб – натижа алоқалари ва омилларини олдиндан аниқлаб олишни кўзда тутади. Бу учинчи элемент ёки маркетингнинг таркибий қисми маркетинг тадқиқотлари (marketing research) номига эга. Маркетинг тадқиқотлари маркетингнинг базавий талабларидан бири: бозорнинг ривожланишини олдиндан айтиб берадиган қилиш вазифасини бажаради.

Кенг маънода маркетинг тадқиқоти «бозорни ўрганиш» тушунчаси билан бир хилдир, яъни унинг ҳолати баҳоси тенденциялари таърифи ва ривожланиши қонунларини англатади, бозор фаолияти натижаларининг таҳлилини амалга оширади. Бу тушунча макро даражани, яъни умуман товарлар ва хизматлар, бозорини, аниқ маҳсулотлар ва хизматлар маҳаллий ва минтақавий бозорларни қамраб олади. Айрим фирмаларнинг микро даражаси ва маркетинг тадқиқотлари тушунчаси оддийроқ мазмун: белгиланган маркетинг тадбирлари учун зарур ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилишни ифодалайди.

Маркетинг тадқиқоти – маркетингнинг эҳтиёжини таъминловчи ҳар қандай тадқиқот фаолияти, яъни аниқ маркетинг фаолиятининг унинг ҳар қандай даражасида зарур бўлган маълумотларни йиғиш, ишлаб чиқиш, сводка қилиш, таҳлил қилиш, башорат қилиш тизими.

Маркетингда фирманинг бозордаги фаолиятига таъсир қилувчи субъектлар ва қучларнинг мажмуаси сифатида фирманинг маркетинг муҳити тушунчаси мавжуд. Ундан қўйидагилар ажратилади: ички (эндогенли) муҳит, яъни фирманинг ташкилий тузилмаси, унинг салоҳияти, фаолиятининг географик чегаралари, менежменти ва маркетинги билан боғлиқ қучлар ва ташки (эндогенли) муҳит, фирма қандайдир тарзда ўзаро ҳам-

корлик құлувчи қучлар сифатида. Эндогенли гурух, үз навбатида, икки гурухга ажратиласы. Биринчи гурух макромухитни үз ичита олади. Үнга фирманинг фаолияти билан бевосита боғлиқ қучлар кирадилар: етказиб берувчилар, савдо воситачилари, мижозлар, рақиблар фирманинг алоқавий аудитория остида фирма томонидан құйилған мақсадларга эришишга қаршилик құлувчи ёки құмаклашувчи ҳамда фирмадан ахборотларни үзаро алмашиш тизими билан боғланған юридик ва жисмоний шахсларнинг гурухлари ёки доиралари тушунилади.

Иккінчидан гурух макромухит номига зәг. Үнга фирманинг ҳаракатларидан мустақил равишда мавжуд бўлган ва ҳаракат қиладиган, аммо унинг фаолиятига белгиланган таъсирни қўрсатувчи ташқи қучлар ва омиллар киради. Фирма макромухитнинг қучлари ва омилларини назорат қила олмайди ва фақат уларга мослашиши, ташқи ҳаракатларни ишлаб чиқишида уларнинг таъсирини ҳисобга олиши мумкин. Уларнинг намоён бўлишларида батьзи бир бозор жараёнларини тартибга солиш учун қуроллар ва дастаклар сифатида фойдаланиш шундай мослашишининг шаклларидан биридир. Макромухит таркибиға қуидагилар киради: демографик омиллар, аҳоли ҳаётининг ижтимоий шароитлари, иқтисодиётнинг ҳолати, табиий – экологик ҳолат, географик хусусиятлар, миллий омиллар, илмий-техник ютуқлар, молиявий тизим ҳолати, таълим ва маданиятнинг даражаси, сиёсий ҳолат ва бошқалар.

Маркетинг тадқиқоти – рақобат кураши шаклларидан биридир. Үзи ва рақиби ҳақидаги объектив ахборотни таъминлаб, таққослашни амалга ошириб, бозордаги вазиятни тўғри баҳолаб ва унинг ривожланишини бацюрат қилиб, фирма айрим рақобат афзаллигини олади ва шу билан тижорат хавф – хатарининг даражасини пасайтиради, үзи учун бозорнинг тегишли сегменти ёки бозор уячасини топиши, диверсификациянинг тўғри йўналишини танлаш, мувофиқ даражани үрнатиши имкониятини олади.

Маркетинг тадқиқотининг предмети бўлган қўпгина оммавий жараёнлар стохастик характерга зәг. Бу уларни ҳисоби ва таҳлили учун статистик аппаратдан фойдаланиш имкониятини беради.

Маркетинг тадқиқоти мувофиқ қарорларни қидириш ва танлашни ахборотли - таҳлилий таъминлаш, сотиш ва савдони замонавийлаштириш ва диверсификациялашнинг дастурларини амалга ошириш, товар ҳаракатини такомиллаштириш, истеъмолчиларга хизмат қўрсатиши шаклларини такомиллаштиришига қаратилган.

Фирманинг ўлчами ва тури, товар (маҳсулот ва хизматлар) нинг хусусиятларига кўра, маркетинг тадқиқотининг аниқ

вазифалари илгари сурилади. Улар турли-туманликлари билан фарқланадилар. Шу билан бир вақтда маркетинг фаолиятининг барча субъектлари учун баъзи бир умумий йўналишларни ажратиш мумкин. Маркетинг тадқиқоти вазифаларининг рўйхатига қўйидагилар кирадилар:

- ахборотларни йиғиши, ишлаб чиқиши ва сводка қилиши;
- бозор ҳолатини сводка қилиши;
- бозор ҳолатини (бозор уячасини) баҳолаш ва таҳлил қилиш;
- фирманинг шахсий имкониятлари: ишлаб чиқариш, кредит — молия, савдо — сотик ва меҳнат салоҳияти, унинг рақобатбардошлигини баҳолаш, таҳлил қилиш ва башоратлаш;
- рақибларнинг имкониятлари ва фаолликларини баҳолаш ва таҳлил қилиш;
- аниқ товар бозорининг асосий параметрларини мунтазам равишда ўлчаб бориши, унинг сифимини аниқлаш;
- талабни башорат қилиш, унинг эластилигини баҳолаш;
- тижорат хавф — хатарини аниқлаш ва баҳолаш;
- маркетингли стратегия ва маркетинг режаларини матрицали моделлаштиришни ахборотли - таҳлилий асослаш;
- ушбу товарнинг мавжуд бўлиш даври ҳар бир босқичидаги мувозанатли нархларнинг башоратлари, нархни ташкил қилишининг маркетинг стратегиясини ахборотли — таҳлилий таъминлаш;
- истеъмолчиларнинг фикрлари ва афзалликларини, уларнинг ҳар хил бозор вазиятларидаги ҳулқларини аниқлаш ва молиялаштириш;
- товарнинг сифатини тестдан ўтказиш ва таърифлаш, унинг рақобатбардошлигини баҳолаш;
- рекламалар ва товарларни илгари сурининг бошқа шакллари самарадорлигини баҳолаш;
- дистрибуциялаш ва товар ҳаракатининг самарадорлигини таҳлил қилиш;
- савдо — сотик логистикаси моделларини ахборотли - таҳлилий таъминлаш;
- сервиснинг даражасини ва талабга таъсирини баҳолаш;
- маркетинг қарорлари бажарилишининг бориши устидан доимий назорат ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш, бюджет ифодаси таҳлили, маркетинг режаси ва дастури.

Кўйилган вазифаларнинг бажарилиши ахборотларни йиғиши, таҳлил қилиш ва башоратлашнинг тегисили усулларидан фойдаланишни тақозо қиласди. Бу ҳақида кейинги мавзуларда фикр юритилади.

### 3.2. Маркетинг тадқиқоти услубиятининг асослари

Маркетинг тадқиқотларининг назарияси – билимларнинг синтетик соҳасидир. У ўз ичига бозорни ўрганувчи хар хил фанларнинг услубиятини уларни қайта ишлаб ва маркетинг мақсадларига бўйсундириб олади. Баъзида маркетингни ҳам фан, ҳам санъат деб атайдилар. Агар маркетингли бошқарув белгиланган даражада илмий асосланган бошқарув усуллари ва ақл билан қабул қилинган қарорларнинг бирикмасидан иборат бўлса, аниқ қарорларни танлашда юқори даражадаги эркинликка йўл қўйса, маркетинг тадқиқоти назарияси ва амалиётининг асосида қатъян ёндашиш ётади. Кўйидагилар маркетинг тадқиқотини ташкил қилишнинг тамойиллари бўлади:

- илмийлик, яъни ўрганилаётган ҳодисалар ва жараёнларни илмий асосланган ва синовдан ўтказилган илмий услубият асосида баён қилиш, тушунтириш ва олдиндан айтиб бериш;

- тизимлилик, яъни унга босқичлар ва харакатларнинг мантикий изчиллиги, элементлар ва қўрсатқичларнинг белгиланган тузилмаси ва иерархиясини тадқиқ этиш хосдир;

- мажмуавийлик – бозор ривожланишининг нуқтai на зарлари ва қонуниятларини уларнинг ўзаро боғлиқликлари ва ўзаро асосланганликларида ўрганиш;

- оперативлик, эгилувчанлик ва истиқболлилик – маркетинг тадқиқотлари барча маркетинг операцияларидан олдин келади, улар билан бирга бўлади ва уларни якунлайди, қисқа муддатли ва узоқ муддатли башоратларни бирлаштиради;

- самарадорлик – маркетинг тадқиқотига харажатлар ўзларини қоплашлари ва самара беришлари керак (воситали – маркетинг операцияларининг муваффақиятлари шаклида, тўғридан-тўғри маркетинг тадқиқоти бюджети харажатининг 1 сўмига фойданинг ўсиши қўринишида).

Маркетинг тадқиқотида ахборотли -таҳлилий фаолиятнинг мураккаблиги ва изчиллиги даражаси бўйича бир неча босқичларни ажратиш мумкин:

- дастлабки ёки разведкали тадқиқот, у энг биринчи босқичда амалга оширилади ва ахборотли – таҳлилий муаммоларни аниқлаш ва қўйиш учун зарур ахборотларни бирламчи йиғиш, қўрсатқичларнинг доирасини шакллантиришдан иборат бўлади;

- баён қилувчи (дескриптив) тадқиқот у ҳақиқий далиллар, ҳодисалар, ўзгаришларга асосланиб, вужудга келган вазиятларни талқин этиш ва баён қилишдан иборатdir;

- казуал тадқиқот, бозор соҳасидаги илгари сурилган гипотезалар ривожланишининг қонуниятлари, ўзаро алоқалар таърифини текшириш мақсадига асосланади.

Маркетинг тадқиқоти учун тадқиқот жараёнини юқори даражада формалаштириш, математик аппарат, статистик моделлаштириш усуллари билан үрганилаётгап ҳодисалар ва жараёнларни формалаштирилмаган, баён қуловчи таърифи, сифатий баҳолари, ўзига хос бозор диагностикасини бирлаштириш хосдир.

Маркетинг тадқиқотида оммавий міндорий маълумотларнн йиғиш, ишлаб чиқиши ва таҳлил қилишнинг статистик усуллари фавқулодда катта роль ўйнайды. Шу билан бирга статистик аппаратдан ташқари маркетинг тадқиқоти бошқа фанларнинг услубиятидан ҳам фойдаланади. Маркетинг тадқиқотини статистика, эконометрика, социометрия, квалиметрия, бихевиоризм ва ўзига хос норасмий маркетинг услубарининг мураккаб қатнашмаси деб аташ ҳам мумкин. Аввало маркетинг ахборотларини йиғишининг бутун тизими статистик қузатиш назариясига ва охирги навбатда танлаш назариясига асосланди. Маълумотларни сводқа қилиш ва таҳлил қилишда гурухларга ажратиш назарияси мұхимдир. Гурухларга ажратиш назарияси ҳам асосланади. Статистик усуллардан бозор вазиятларининг таҳлилида кенг фойдаланилади. Маркетинг тадқиқотида турли-туман ўзаро алоқаларни аниқлаш ва моделлаштиришнинг статистик усуллари мұхим ўрин әгалайды. Маркетингнинг статистик моделлари (маркетинг матрицалари) ни ишлаб чиқиши асосида бозорнинг ҳолати ва фирма ҳолатини статистик баҳолаш, нисбий ва ўртача баҳолар, күп ўлчовли ўртачалар ётади. Бозорни сегментларга ажратиш, мөхияти бўйича, истеъмолчиларни ижтимоий - демографик, иқтисодий ва бошқа алоқаларнинг мажмуаси бўйича статистик гурухлаш жараёнидан иборатdir. Харидорларнинг хулики ва афзаллигини маркетингли үрганиш моделлаштиришнинг статистик усулларини социометрия<sup>1</sup>, квалиметрия<sup>2</sup> ва бихевиоризм<sup>3</sup> нинг ўзига хос усуллари билан синтезлаштиради. Маркетинг тадқиқотида харидорларнинг ҳар хил гурухлари гурухий ҳусусиятлари ҳам ҳисобга олинади.

### 3.3. Маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш ва маркетинг ахборотларининг манбаалари

Маркетинг тадқиқоти ҳам маркетингнинг узоқ муддатли стратегик дастури, ҳам маркетинг ҳаракатларининг эпчил опе-

<sup>1</sup> Социометрия – айрим киппилник гурухларининг тизилини ва фаолият юритинида міндорий маълумотларни олни ва таҳлил қилини усуллари

<sup>2</sup> Квалиметрия – маҳсулотлар сифатини міндорий баҳолани методологияси.

<sup>3</sup> Бихевиоризм – дидлар ва афзишик усулларидан талабининг товар тақлифидағы міндорий ўзгарышларга жавоби хақидағы фан.

ратив бошқариш ва қабул қилингани қарорларни вазиятлар ўзгаришига мувофиқ корреляцияли, контроллинг учун ахборотли таҳлилий база яратади. Бозордаги ҳолатни оператив қузатиш, бозорнинг конъюнктура параметрлари ўзгаришига, рақибларнинг ҳаракатига, фирма мавқеининг ўзгаришига эпчиллик билан жавоб беришга имкон берувчи ўзига хос маркетинг мониторинги (яъни талаб ва бошқа бозор ҳодисаларини мунтазам ўлчаш) тизими яратилади.

Амалда ҳар бир иқтисодий ҳаракат, ҳар қандай бозор жараёни, тижорат операцияси ва ҳ.к., ахборотли аксини, ўзига хос ахборот майдонини топади. Бу маънода маркетинг тадқиқоти атроф — мухит ҳақидаги, хусусан, товар — пул муомаласи ва истеъмолчининг ижтимоий - иқтисодий жараёнлари ҳақидаги маълумотларни олиш усуслари ва қоидалари ҳақидаги фаннинг, яъни «Информатика» нинг бир қисмидан иборатdir.

Аниқ маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш айрим қоидаларга бўйсунади. Тадқиқот объективини танлаш, тадқиқот субъективини ажратиш, тадқиқот предметини шакллантириш зарур. Кўпингча қузатиш бирликларини танлаб олишни асослаш, ўрганилаётган ҳодисалар ва жараёнларнинг моҳиятини акс эттирувчи асосланган гипотезаларни илгари суриш, ахборотларни йиғиши ва таҳлил қилишнинг услубиятини синовдан ўтказиш учун кичик кўламдаги тажриба тадқиқотларини олдиндан ўтказиш фойдали бўлар эди. Дастробки баҳоларнинг натижалари бўйича маркетинг тадқиқотининг режаси тузилади, бунда унинг мақсади шаклланади, ахборотларни йиғиши тартиби баён қилинади, йиғилган маълумотларни ишлаб чиқиш, сводка қилиш ва тизимлаштириш (гурухлаштириш) усуслари кўрсатилади, таҳлил қилиш ва моделлаштириш усуслари санаб ўтилади, ахборотларни саклаш ва тақдим этишининг муддатлари ва усуслари келишиб олинади, тадқиқотнинг ҳар хил босқичларини ўтказишга харажатлар белгиланади. Тадқиқотни ўтказишга харажатларни маркетинг тадбирларининг иқтисодий натижаларини (фойданинг ўсиши, сотиш бозорининг кенгайиши ва ҳ.к.) билан тақкослаш мақсадга мувофиқдир. Маркетинг тадқиқотининг самарадорлигини баҳолаш муаммосига бошқача ёндашиш мумкин: хабардор бўлмаслик, таҳлил ва башоратнинг хатоларидан келиб чиқиши мумкин бўлган заарлар аниқланади.

Маркетинг тадқиқоти иккита тизимдан бири бўйича: матрицали, вазифавий ёки уларнинг бирикмаси бўйича ташкил қилиниши мумкин. Одатда, бунда маркетингнинг ўзини ташкил қилишнинг тегишли тамойилларидан келиб чиқилади.

Маркетинг тадқиқотини ташкил қилишнинг матрицали тизими қыйидаги аломатларга асосланади:

- географик (бунда тадқиқот белгиланган минтақалар билан чекланади ёки тадқиқотда маркетингда ҳисобга олиниши керак бўлган минтақавий фарқлар ва хусусиятлар ажратилади);

- истеъмол (бунда истеъмолчиларнинг қандайдир ўзига хос гурухлари талаби, харидга доир ҳулқларининг хусусиятлари тадқиқ қилинади ёки бу гурухлар ўргасидаги маркетинг тадбирларини ўтказишида ҳисобга олиш зарур бўлган фарқлар аникланади);

- товарли (бунда аниқ товарлар ва хизматларга талаб ва таклифнинг хусусиятлари тадқиқот қилинади, улар бозор томонга ҳаракатланиши ва сотилишининг ўзига хослиги ўрганилади).

Вазифавий тизим маркетингнинг тегишли вазифаларини ахборотли – таҳлилий таъминланишига қаратилади: маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишга; буюртмалар ва инвестициялар портфелини шакллантириш; янги товарларни ишлаб чиқиш ва уларни позицияларига жойлаштириш; товарни дистрибуциялаштиришни ташкил қилиш; нархни ташкил қилиш; фойдани шакллантириш; талабга таъсир қилиш; рекламани ташкил қилиш.

Маркетинг ахборотини йиғиши ва ишлаб чиқиш маркетинг тадқиқотининг кўпроқ унинг натижавийлигини белгиловчи энг масъул босқичлардан биридир.

Маркетинг тадқиқоти – бозор жараёнлари ва ҳодисаларни таърифловчи ва маркетингнинг таҳлилий ва башоратли таъминланиши учун зарур рақамлар, далиллар, хабарлар ва бошқа маълумотлардир.

Ахборот олиниши ва таҳлил қилиниши умуман, маркетинг хизматининг, унинг айрим бўлинмалари ёки юқорида таърифланганидек, ихтисослашган маркетинг фирмаси томонидан тижорат асосида амалга ошириладиган вазифа бўлиши мумкин. Кейингиси тўлиқ маркетинг даврасини амалга ошириши ёки қандайдир маълумотларни йиғиши ва таҳлил қилиш бўйича айрим операцияларни бажариши мумкин. Одатда, маркетинг фирмаси нафақат хulosалар қиласидар, балки у ёки бу маркетинг тадбирларини ўтказиш бўйича аниқ тавсиялар беради. Ахборотларни йиғиши, ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш маркетинг хизматлари ходимларидан маҳсус малакани ва юкори ахборот маданиятини талаб қиласиди.

Маркетинг тадқиқотининг ахборот тизими мураккаблиги ва турли-туманлиги билан фарқланади. У фирманинг комму-

нікавт тизими билан яқындан боғлиқдир. Етказиб берувчилар, савдо воситачилари ва маълум даражада истеъмолчилар билан ахборотларни ўзаро фойдали алмашуви содир бўлади (хусусан, истеъмолчи товар ва хизматлар ҳақидаги, уларни сотиш шартлари ҳақидаги тўлиқ реклама ахборотини олиши керак, аммо унинг ўрнига ўз шахсий эҳтиёжлари ва афзалликлари ҳақидаги ахборотни ҳар хил турдаги сўровларга жавоблар кўринишида тақдим этади). Банкнинг кредит муассасалари билан тижорат муносабати ўзаро хабардор қилмасликсиз мумкин эмас. Биз кўрганимиздек, ҳар хил тузилмаларнинг давлат статистикаси муассасалари билан ахборотли алоқалари бир томонлама бўлмайди: давлат статистикаси идораларига мажбурий ҳисоботни тақдим эта туриб, фирма ахборотни тижорат асосида харид қилишни мўлжаллаши мумкин.

Рақиблар, мижозлар, савдо воситачилари ҳақидаги ахборотни олиш жуда муракқаб муаммо бўлади. Бу ахборотларнинг бир қисми (мижозлар ва воситачилар ҳақида) товар ҳаракати каналининг манфаатдор иштирокчилари орасида ахборотлар билан ихтиёрий алмашув натижасида олиниши мумкин. Баъзи мамлакатларда бундай алмашувнинг эҳтимоли намунавий контрактлар ва ҳатто қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилади.

Ахборотларнинг белгиланган қисми очиқ, шу жумладан, реклама характеристидаги нашрлардан олиниши мумкин. Рақиб фаолияти устидан очиқ турдаги доимий кузатиш ўрнатиш фойдалидир: чакана савдо жараёнларини кузатиб бориш, рақиб корхоналар қувватини таҳминан баҳолаш, юқ ташишларнинг тақрорланиш тезлиги ва миқдори устидан кўз орқали кузатиш, рақобат қилувчи фирмалар мижозларидан сўраш ва ҳ.к.

Рақиб, мижоз ёки воситачи имкониятларининг энг самарали усулларидан бири – маҳсус эксперт тадқиқоти, маълум маълумотлар асосида воситали ҳисоб – китоблардир. Аммо рақиблар, мижозлар ва воситачилар ҳақида ахборот олишининг ёпиқ тизими ҳам бундан истисно эмас. Бундай фаолият маркетинг разведкаси (marketing intelligence), деб аталади. У жорий маҳфий ёки ярим маҳфий ахборотларни йиғиши бўйича доимий фаолиятни қамраб олади. Маълумки, ривожланган бозор иқтисадиётига эга мамлакатларда иқтисодий жосуслик усуллари кенг тарқалган. Умуман, уларнинг баъзи бирларидан воз кечмасдан, қонунлар бузилиши ва тижорат этикаси бошланадиган чегарадан ўтмаслик керак. Европа томонидан ижтимоий фикр ва

маркетингни ўрганиш бўйича қабул қилинган маркетинг ва ижтимоий тадқиқотлар бўйича халқаро кодекс тадқиқотчилар, буюртмачилар, респондентлар ва информаторларнинг хукуқларини ҳимоя қиласди. Унда хусусан, кўрсатиладики, ҳар қандай текширишлар респондентларнинг анонимлиги ва тадқиқотлар боришида олинган ахборотларнинг сирлилиги кафолатланади.

Маркетинг фойдаланиладиган ахборот манбалари аввало истеъмолчилар (ҳам якка тартибда - аҳоли, ҳам оммавий – корхоналар, муассасалар, фирмалар ва ҳ.к)дан иборат. Улардан эҳтимол бўлган фарқларнинг бутун диапозонидаги эҳтиёжлари, харид қобилияtlари ҳақидаги ва ўзлари ҳақидаги - улар кимлар ва қандай синфга (иктисодий, ижтимоий ва бошқа гурӯхга) кирадилар, уларнинг бозор соҳасидаги ҳулқини белгиловчи қандай аломатлар борлиги ҳақида маълумотлар талаб қилинади. Якка тартибдаги истеъмолчини ўзи ва ўзининг эҳтиёжлари ҳақидаги маркетнинг зарур маълумотларни беришга ишонтириш учун, якуний натижада ушбу ахборот унга зарар эмас, фойда келтиришини исботлаш учун жуда катта ҳаракатлар ва ўзига хос сиполик талаб қилинади. Бу қўпроқ мамлакатдаги умумий ахлоқий ва ижтимоий – иктисодий вазиятга, аҳолининг маданий даражасига, руҳий хусусиятларига боғлиқ. Оммавий истеъмолчи етказиб берувчи фирманинг доимий мижози бўлиб, қондага кўра, ахборотли алоқага жон деб рози бўлади. Савдо корхоналари ва фирмалари ахборотнинг манбалари бўладилар, улар товар ҳаракати, нархни ташкил қилиш, савдо ва майший хизмат кўрсатиш, етказиб берувчилар ва харидорлар билан ўзаро муносабатли савдонинг йифма тарифларига эгалар. Ва ниҳоят, товарнинг сифати, ишлаб чиқаришнинг салоҳияти, замонавийлаштириш ва диверсификациялашнинг истиқболлари, илмий – техник тараққиётнинг имкониятлари, товар таннархи ҳақидаги маълумотларга эга ахборот манбалари бўладилар. Қондага кўра, шартномалар тузишда ишлаб чиқарувчи фирма ва савдо фирмаси ўзларига зарур ахборотларни алмаштириш юзасидан ўзаро мажбуриятлар оладилар.

Фирманинг барча корхоналари ва бошқа бўлинмалари белгиланган муддатларда режа ва дастурга мувофиқ фирма раҳбариятига ҳисоботлар тақдим этадилар. Конъюнктурали ва сигналли ахборотлар фирманинг барча корхоналари, бўлинмалари ва хизматларидан маркетинг хизматларига келиб тушади, бундан ташқари, даврий равишда конъюнктурали мажлислар ўтказилади. Уларда, одатда, фирма корхоналари, бўлинмалари

ва хизматларининг раҳбарлари ва энг тажрибали мутахассислари иштирок этадилар. Савдо ва хизматлар корхоналарида аввалроқ эслатиб ўтилган савдо мухбирларининг тармоғи тузилади. Савдо мухбирлари бу ҳар хил мутахассисликларниң ма-лакали ходимлари, улар алоҳида тўловлар учун саволларниң кенг доираси (конъюнктура, талаб, сифат, корхоналар, харидорлар хулқи ва ҳ.к.) бўйича ахборотни тайёрлайдилар ва тақдим этадилар. Талабни ўрганиш ва қузатиш учун маҳсус таянч пунктлари – савдо фирмасининг ваколатли (намунавий) корхоналари ташкил қилинади. Улар асосида бозорниң асосий параметрлари ўлчови ўтказилади. Хизматлар соҳасида ҳам худди шундай тизим қўлланилади. Маркетинг ахборотининг манбаалари орасида истеъмолчиларниң панелли тадқиқотлари энг мухим ўрин эгаллайди. Панел – фирманинг маркетинг хизмати томонидан ишлаб чиқилган дастур бўйича алоҳида ҳақ учун батафсил маркетинг ахборотларини мунтазам тақдим этувчи оиласалар, уй хўжаликларининг доимо фаолият юритувчи танлаб олинган мажмусидир.

Истеъмолчилар ва савдо воситачиларининг сўрови (қоидага кўра, танланма) маркетинг ахборотларининг мухим манбаасидир. Кўпинча уларни ярмаркаларда, савдо қўргазмаларида, янги товарларни таништиришда, мавсумий ва бошқа савдоларда ўтказадилар. Бундан ташқари, сўровлар истеъмолчиларниң яшаш ёки ишлаш жойларида ҳамда ижтимоий жойларда ўтказилади.

Маркетинг ахборотларининг барча манбалари, шу жумладан, статистик фирма ичидаги ҳисобот, олиш усули бўйича иккита катта гуруҳга: ички ва ташқига бўлинадилар. Ички ахборотлар – ушбу фирманинг ходимлари томонидан йиғиладиган ва ишлаб чиқиладиган маълумотлар. Ташқи ахборотлар – фирма доирасидан ташқарида йиғиладиган, аммо у томонидан шахсий маркетинг мақсадлари учун фойдаланиладиган ахборотдир. Ички ахборотлар фирма ичидаги ҳисоблар ва ҳисботларниң маълумотларидан, улар ҳам шахсий фойдаланиш, ҳам давлат статистика идоралари, солиқ хизмати, кредит-банк ва суғурта тизими, бизнес бўйича шериклар ва жамоатчиликни хабардор қилиш учун йигилади ҳамда фирманинг ўзи ёки унинг буюртмаси бўйича, хизмат ахбороти учун ўтказиладиган ҳар хил тадқиқотларниң маълумотларидан вужудга келади.

Маркетинг мақсадларида фойдаланиладиган фирма ичидаги ҳисботни ташкил қилиш статистик услугиятнинг умумий

талабларига бўйсунади. Унинг мазмуни тадқиқот обьекти ва унинг мақсадларига боғлиқдир. Умуман, фирма ичидағи маркетинг ахбороти статистик кўрсаткичларнинг қуидаги минимумни қамраб олиши керак: маҳсулотлар ва хизматларни (навларда) ялпи ва соф товарайланмасига, албатта тақсимланган улгуржи ва чакана савдоси; товар захиралари (навларда); фирманинг молияси, муомала харажатлари ва фойда; ходимларнинг сони ва таркиби, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш унумдорлиги. Бундан ташқари нархлар ҳақидаги ахборотлар зарур. Сотиш ва захиралар ҳисоботининг тўлиқлиги оперативлиги кўпроқ дараҷада ҳисобнинг компютерланиши даражасига боғлиқдир.

Маркетинг ахборотини олиш, унинг таҳлили ва башорат қилишининг мустақил ва жуда маҳсулли шакли бўлиб эксперт тадқиқотлари ва баҳолари хизмат қилади.

Маркетинг тадқиқотининг ахборотли тизимида сўровлар мухим роль ўйнайдилар. Биринчи навбатда якка тартибдаги истеъмолчилар уларнинг обьектлари бўладилар, савдо мухбирлари ва маркетинг фаолиятида иштироқ этувчи бошқа шахслар (сотувчилар, коммивояжерлар, товаршунослар ҳар хил иқтисодий ва бошқа хизматларнинг ходимлари) ҳам обьект бўлишлари мумкин бўлса, нима учун аҳолининг сўровига бундай мухим аҳамият берилади? Тушунарлики, истеъмолчи – маркетинг учун бебаҳо ахборот манбаидир. Сўраклаёттандан бошқа яна ким унинг талаблари, заруриятларини яхшироқ ва тўлиқроқ билиши, ўзининг бозордаги хулқи муносабатларини тушунтириб бериши мумкин? Агар талабнинг қонунлари, унинг эластиклигини оммавий жараёнларни моделлаштириш йўли билан аниқлаш мумкин бўлса, харидларнинг сабаблари, харидорларнинг афзалликлари, улар товар ҳақидаги фикрларини фақат улар билан тўғридан-тўғри мулоқот орқали аниқлаш мумкин.

Маркетинг тадқиқотида сўровнинг иккى шаклидан фойдаланилади: оғзаки ва унинг турли - туманлиги интервю олиш ва ёзма анкета тўлдириш. Кўпинча ўзини рўйхатга олиш усули билан кейинги ҳолда экспедицион усул. Бунда сўровни ўтказувчи шахснинг ўзи анкеталарни таркатади ва йиғиб олади ва корреспондентлик, унда анкеталар почта орқали тарқатилади ва йиғиб олинади.

Оғзаки сўров ёки интервью олиш иккита турли-туманликка эга: респондент билан якка тартибдаги сухбат (шу жумладан, телефон бўйича сухбат) ва гурухли интервью. Интервью

натижаларини маҳсус ён дафтарчага ёзиб олиш мумкин, аммо магнитафондаги интервюнинг ёзуви анча маҳсулдордир. Оғзаки сўровдан фарқлироқ интервью, қоидага кўра, саволларнинг қатъий қайд қилингандастурига эга эмас, кўпроқ эркин шаклда ўтказиладиган сұхбат сценарияси ҳақида гапириш мумкин. Интервью оловчи сұхбат ҳақида тасаввурга эга бўлиши ва холосаларни шакллантира олиши мухимдир. Интервюнинг натижалари бўйича, қоидага кўра, назарий таърифлар берилмайди. Интервью берувчилар сифатида нафақат истеъмолчилар, балки ҳар хил мутахассислар ҳам жалб қилинади. Кейинги ҳолда интервью эксперт сўровининг турли-туманлигига асосланади. Гурухли интервью, одатда, мажбурий бўлмаган уй шароитида ўтказилади. Иштироқчиларнинг мувофиқ сони 6-10 киши. Мавзуни (масалан, нархни қандайдир товарнинг фойдали хусусиятларига мос келиши мухокамаси) интервью оловчининг ўзи танлайди. У сұхбатни йўналтиради ва фикрларни эркин алмашувини рафбатлантиради. Гурухли интервюни беришда истеъмолчи фикрлари, харидорларнинг руҳиятини аниқлаш, унинг бозор соҳасидаги ҳулқи, мотивациясини изоҳлаш имконияти, баъзи бир хорижий маркетологларнинг эътироф этишларига, уни маркетингнинг асосий тадқиқот қуролларидан бири қиласди. Маркетингда интервью ўтказиш усули муваффақиятининг асосий шарт – шароити интервью оловчининг юқори малакали касб эгаси эканлиги, алоқага кириша олиши, одоблилиги, психология асосларини билиши, ҳар хил аудитория билан алоқани йўлга кўя олишидан иборат. Интервью оловчининг шахсий кузатишлари сұхбат натижаларини тўлдиради. Унинг натижалари бўйича маълумотнома тузилади, у бошқа интервью натижалари билан биргаликда маркетинг бўлимида тўлдирилади, улар асосида тегишли холосалар чиқарилади ва қарорлар қабул қилинади.

Тадқиқот сұхбатлари маркетингда интервью шаклларидан биридир. Баъзида улар тест билан бириктирилган ҳолда ўтказилади. Улар бир неча турларга ажратилади. Интервюнинг иккита асосий турига қуйидагилар киради: ассоциативлилар, бунда тадқиқотчи сұхбатдошни унинг туйғусига таъсир қилиб, эркин ассоциацияга чақириб, исталган муаммога олиб киради; проекциялаштирувчи ва экстенсив тестлар, бунда сўровчиларга тасвиirlар (расмлар, фотосуратлар, чизмалар)га эга, аммо матнсиз варақалар тарқатилади. Расм сўров олиб борилаётган муаммоларнинг моҳиятини акс эттириши ва сўралаётганда жавоб

реакциясини чақириши, уни белгиланган нұқтаи назарни айтишга мажбур қилиши керак.

Күнинча бундай турдаги сұхбатларда фирманинг обрүйи ёки истеъмолчини товарнинг белгиланган маркасига мухлислиги, хизмат күрсатишининг ҳар хил шакллари афзалликлари ва камчиликлари ҳақидаги фикрлар, харидор нұқтаи назаридан дүкөн жойлашуvinинг қулайлық даражаси аниқланади.

Оғзаки жавоб ёки интервьюни үтказиш учун жой аниқ вазиятдан келиб чиққан ҳолда танланади. Бу сұралувчининг уйи, дүкөн, савдо күргазмаси, күчә бўлиши мумкин. Қишиларнинг ҳар хил турдаги сўровларга кўпинча учрайдиган салбий муносабатларини (айниқса, бу нокулай иқтисодий ва сиёсий ҳолатлар даврида кўп учрайди) ҳисобга олиш ва бартараф этиш керак. Сұралувчини унинг жавоблари, пировардидан унинг фойдасига хизмат қилишига ишонтириш керак.

Анкета тўлдириш маркетингда сўровнинг энг кўп тарқалган усулидир. Унинг афзаллиги жавобларни ишлаб чиқиши натижасида ўрганилаётган ҳодисанинг миқдорий, статистик таърифини олиш, сабаб - натижа алоқаларининг аниқланиши ва моделлаштирилиши мумкинлигидан иборатdir.

Маркетинг тадқиқотида қўлланиладиган сўровлар ва кузатишларнинг барча турлари ёппасига ёки танлов бўйича бўлиши мумкин. Ёппасига кузатиш, одатда, фирма доирасида чекланади ва нисбатан камроқ үтказилади. Танлаб олиш маълумотларни айниқса, истеъмолчилар ҳақидаги маълумотларни олишнинг асосий усулидир. Панель, юқорида таъқидланганидек, танланувчи мажмуадир. Хатолардан ва нотуғри хulosалардан қочиш учун маркетинг хизмати бирликларни танлаш қоидалари, танлаш усулинин қўллаш, ишончлилик ва танловнинг ваколатлиги (репрезентативлиги) ва асосий мажмууда тўпланган маълумотлар тарқатилиши мезонларининг таърифларига қатъий риоя қилиниши керак.

Анкета тўлдириш асосида ҳам танлаб кузатишининг статистик усуллари ётади. Асосий мажмуани олдиндан ўрганиш, уни гомогенлиги (бир турдалиги)ни, асосий аломатлари бўйича стратификациясини баҳолаш ва танлов сонини энг мос келувчи формулалардан бири сўралаётганларнинг зарур сонини аниқлаш анкетадан үтказишининг зарур шарти бўлади. Жуда кўп ҳолда механик танлаш усулидан фойдаланилади. Унда танловнинг сони қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$n = \frac{t^2 \sigma^2 N}{t^2 \sigma^2 + \Delta^2 N}$$

Бу ерда:  $t$ - чегаравий хато  $t$  марталик ўртача хатодан ошмаслигини кафолатлаш мумкин бўлган эҳтимоллик боғлиқ ишонччиликнинг коэффициенти (0,990 эҳтимолида у 3,0 га тенг, 0,999 эҳтимолида 3,28 га тенг, кўпинча 0,954 эҳтимолга суюнадилар, унда  $t^2$ ни ташкил этади);

$\sigma^2$  – ўрганилаётган аломатнинг дисперсияси, уни, одатда, тажриба, синов тадқиқоти асосида ёки ўхшаши бўйича аниқлайдилар;

A – танловни чегаравий (берилган) хатоси;

N – ўрганилаётган (асосий) маҷмуудаги бирликлар сони.

Механик танловда танловларнинг сони танлашнинг мутаносиблигини ўрнатиш йўли билан белгиланади: маҷмууани танлов ҳажмига бўлиш билан; агар танлашнинг мутаносиблиги касрли миқдор бўлса, энг яқин бутун сонни олиш керак. Кейин бирликларнинг рўйхати бўйича танлаш мутаносиблиги тенг оралиқлар орқали олинган ҳар бир бирлик танланади.

Мисол. 40 минг оиласа эга минтақада истеъмолчиларнинг янги товар ҳақидаги фикрини аниқлаш мақсадини қўзлаган тадқиқот учун анкета тўлдиришини ўтказиш зарур. Шартли равишда ҳар бир хонадонда бир оила яшаши қабул қилинади ва унга битта анкета ажратилади. Дастлабки тадқиқотлар шуни белгиладиларки, хариднинг ўртача миқдори дисперсияси 84 минг сўмни ташкил қиласи;  $t=2$ ; чегаравий хато 0,2 минг сўмдан ошмаслиги керак. Бунда танловнинг сони (п) қўйидагини ташкил қилган:  $n=(4\cdot 44\cdot 40000)/(4\cdot 84+0,04\cdot 40000)=396$

Бу миқдор 400 оила (хонадон)гача йириклиштирилади; яъни 1% ли танлов белгиланганди. Аммо амалиёт шуни кўрсатадики, анкеталарнинг баъзилари (фараз қиласизки, ҳар бештадан биттаси) қайтарилмайди. Шунинг учун уларнинг сони 500 гача кўпайтирилади. Демак, танловга ҳар бир 80 хонадонни киритиш зарур ( $40000:50$ ).

Анкетали сўровни интервьюга яқин оғзаки шаклда ҳам ўтказиш мумкин. Бунда рўйхатга олувчи жавобларни босма иш қоғозига ўзи ёzáди. Бу усулининг афзаллиги шундан иборатки, рўйхатга олувчи жавобни аниқлаш, сўроқни нотўғри талқин этиш эҳтимолини истисно килиш имкониятига эга. Аммо анкета тўлдиришининг бу шакли қиммат ва кўп меҳнат талаб қиласи. Анкета тўлдиришининг бошқа шакли ёзма (корреспондентлик

усули) шакл бўлиб, у арzonроқ ва тезроқ жавоб олиш имконини беради. Бунда анкетанинг босма иш қоғози респондентнинг ўзи томонидан тўлдирилади. Анкета почта орқали жўнатилади, куръерлар томонидан тарқатилади, баъзида ахборот воситаларида нашр қилинади. Кўриниб турибдики, бу усул ҳам катта харажатларни талаб қиласи. Ўз-ўзини рўйхатга олиш усули (унияна шундай номлайдилар)нинг асосий камчилиги респондентларнинг бир қисмини паст маълумотли ва маданий даражаси билан боғлиқ босма иш қоғозларини тўлдиришдаги хатоларга қарши қафолат йўқлигидир. Бундан ташқари, анкеталарнинг бир қисми ҳар хил сабабларга қўра тўлғизилмаслиги ва тегишли манзилга жўнатилмаслиги мумкин. Баъзида респондентларнинг бир қисмини назоратли айланниб чиқиши ўтказиш ва оғзаки сўров усулидан фойдаланиш мумкин. Айтиб ўтилган камчиликлар ва хатолар саволномани малакали тузиш, сўраклаётганлар сонига тузатишлар киритиш билан юмшатилади. Анкета тўлғазиши истеъмолчи ҳақида тўлиқ ва ишончли маркетинг ахбороти олишнинг асосий усули ҳисобланади. Одатда, анкета жадвал шаклига эга ва қуйидаги схема бўйича туғилади.

– кириш, унда сўровнинг мақсадлари ва сўров ўтказилаётган ташкилот ҳақида хабарлар, унинг манзилгоҳи кўрсатилади.

– сўров предметини таърифловчи саволлар рўйхати. Саволлар фоятда кўп бўлмаслиги керак, акс ҳолда сўрадувчи анкетани тўлдиришни истамаслиги мумкин. Бундан ташқари ортиқча саволлар тадқиқотни қимматлаштиради. Бошқа томондан ўрганилаётган ҳодисани тўлиқ ёритишга ҳаракат қилиш керак, бошқача қилиб айтганда, анкетани иложи борича түликроқ қилиш истаги ва жавоблар олишнинг ҳақиқий имконияти орасида онгли ўзаро мослих бўлиши лозим;

– сўраклаётганлар ҳақида маълумотлар. Бу ерда саволларни шакллантиришда алоҳида одоб ва билимни намоён қилиш керак. Баъзи бир саволлар респондентларда салбий муносабат келтириб чиқариши мумкин. Бошқа томондан сўраклаётганларнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ҳолати ҳақидағи маълумотлар қўпинча мажмуанинг бундан кейинги стратификацияланиши, баъзи бир қонунлар ва алоқаларни аниқлаш, омиллар таъсирини баҳолаш учун зарур. Амалиёт шунни кўрсатадики, одамлар уларнинг даромадлари ҳақидағи тўғридан-тўғри саволга носоғлом жавоб қайтарадилар, аммо улар ўзларини моддий таъминланиши даражаси бўйича аҳолининг қайси гурухига киритишлари ҳақидағи саволга жон деб жавоб берадилар. Сўров-

нинг анонимлиги, қонун томонидан химояланадиган жавобнинг қатъий ишончлилиги, албаттга, таъкидланади.

Анкетанинг саволлари жавобнинг эркинлик даражаси, характеристи, саволларнинг шакли бўйича тавсифланади. Масалан, эркинлик даражаси бўйича барча саволлар очиқ ва ёпиқларга бўлинади. Очиқ ва ёпиқ савол эркин шаклдаги, ҳар қандай чегарасиз жавобни кўзда тутади. Жавоблар предмет ҳақида бой ахборот беради, аммо бундан кейинги ишлаб чиқишга қийинчилик билан бўйсунади. Жавобларни шифрлаш ёки шакллантириш фақат сифатий характердаги умумий хуносалар асосида қўшимча ишлар қилишни тақозо этади. Ёпиқ савол жавоблар вариантлари, шу жумладан, муқобиллар (ҳа, йўқ, билмайман) нинг рўйхатини таклиф қиласди. Уларга саволлар – бир, баъзида бир неча вариантни танлаш керак бўлган саволлар рўйхати киради. Кейинги ҳолда у саволлар елтиғичи деб аталади. Жавоблар шкалали (балли) баҳолар, ҳар бир жавобга ёзиладиган сонли микдор қўринишида берилиши мумкин.

Сўровда муҳим роль фильтровчи саволларга ажратида. Агар саволларнинг бир қисми барча сўралаётганларга тегишли бўлмаса берилади. Масалан, «Сизда ушбу товар борми? (ҳа, йўқ). Агар «йўқ» бўлса сиз уни харид қилишни истаяпсизми?» Равшанки, бу савол ва кейинги саволларнинг барчаси фақат биринчи саволга салбий жавобга қаратилади.

Ҳар қандай анкетада жавобларнинг ишочлилигини текшириш учун фойдаланиладиган назорат саволларига эга. Масалан. «Сиз ўзингизни қайси ижтимоий груухга киритасиз?» – деган савол иш жойи, лавозими ҳақидаги саволлар билан назорат қилиниши мумкин.

Баъзида жадвалли саволлар – ҳар хил саволларни бирлаштириш, уларни жадвал шаклида расмийлаштиришда фойдаланилади.

Саволларни шакллантириш – юқори малакани, иқтисодиёт, статистика ва социометрияни, алоҳида адабий қобилиятни талаб қилувчи мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиласидиган ишdir. Анкета тўлдиришнинг ягона тамойиллари мавжуд бўлишига қарамасдан, мавжуд намуналардан механик нусха олиш мумкин эмас. Анкеталарни ишлаб чиқиш ижодий иш. Анкета саволлари вужудга келган бозор вазиятини ҳисобга олиш билан мантиқий изчилилкда берилиши керак. Аҳолининг анкета йўналтирилган груухларининг хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Анкеталарни ишлаб чиқиш режаси олдиндан тузилади ва муҳокама қилинади, маркетинг тадқиқотининг умумий вазифалари билан боғла-

нади. Анкеталарни ишлаб чиқиши олдиндан режалаштириш, унинг дастури, макетлари ва жадвалларини тузиш зарур.

Анкеталарни ишлаб чиқиши, қоидага кўра, ҳар бир жавоб ёки уларнинг мажмуаси бўйича, яъни таҳлил учун зарур аломатлар бўйича оилаларни гурухларга ажратиш шаклида ўтказилиди. Агар танловнинг ҳажми катта бўлмаса, унда анкеталар умуман кўлда ишлаб чиқиб, одатда, ЭҲМ имкониятларидан фойдаланилади.

Панелли тадқиқот сўров ва анкета тўлдиришининг алоҳида шаклидир. Панелга киритилган шахслар ва оилалар маркетинг томонидан тузилган дастур бўйича ёзувларни мунтазам равишда олиб борадилар ва босма иш қозогини тўлдирадилар. Масалан, шахсий даромадлар ва харажатлар, харидларнинг турлари, нархлари ҳақида ва бошқа маркетинг таърифлари ҳақида ёзувлар олиб борилади. Бундан ташқари, маркетинг хизмати панеллар асосида ўзини қизиқтирган ҳар қандай масалалар бўйича саволлар ва анкета тўлдиришларни юритади.

Анкета тўлдириш ва сўровларнинг бошқа натижалари конъюнктурали таҳлил билан бирлашади ва уни тўлдиради. Экспертли тадқиқотлар сўровнинг мустақил варианти ҳисобланади. Бунда сўровга ёки анкета тўлдиришга малакали мутахассислар жалб қилинади. Улар ўзларининг билимлари ва тажрибаларига суюниб, олдинроқ гап кетган қандайдир маълумотларни эмас, балки ўрганилаётган ходисалар ва жараёнларга ўзларининг баҳолари ва таърифларини берадилар.

Маркетинг тадқиқотида эксперт баҳоларнинг Дельфи-усули, акли хужум усули ва бошқалар қўлланилади. Маркетинг учун муаммоларни мантиқий-маънавий моделлаштириш усули қизиқиши туғдиради. Унинг моҳияти шундан иборатки, компания раҳбарияти маркетинг хизматлари раҳбарлари ва етакчи мутахассисларини 1-3 кунга йиғади. Уларга маркетинг жараёнида ҳал қилинини керак бўлган ҳам рафбатлантирувчи характеристдаги, ҳам мунтазам ривожланишга тўсик бўлувчи барча муаммоларни ўз фикрлари бўйича илишни ва алоҳида варагъларга ёзиши (бошқача варианти – ёзув бевосита ШЭҲМга қилинини мумкин) таклиф қиласилар. Кейин муаммолар каталоги тузилади. Шундан кейин муаммоларнинг рейтинги аниқланади. Ҳар бир иштирокчига бенита қизил фишқа берилади. Улар, ўз фикрлари бўйича бешта энг муҳим муаммони белгилашлари мумкин, фишқаларни битта энг муҳим ёки муракқаб муаммога бериллари мумкин (ШЭҲМ да худди шундай операцияни амалга

ошириш мүмкін). Ҳар бир муаммо фишқаларининг суммаси унинг устуверлигини күрсатади ва муаммолар мұхимлігі бүйічә ранжировка қилишга имкон беради. Муаммоларни «сабаб-натижә» тизими бүйічә жұфтілаб таққослаш үсули билан структурациялаш худди шундай экспертиза варианты ҳисобланади.

Имитацион усул маркетинг тадқиқотининг сабаб – натижажа алоқалари ҳақида ахборот олишни арzonлаштирувчи илғор усуслар. У ҳақиқий жараёнларни уларни ўзаро боғлиқ объексларнинг имитацияси билан алмаштириб кўриб чиқиш заруриятидан озод қиласди ва бозор вазиятидаги ўзгаришга эпчиллик билан жавоб кайтаришга имкон беради. Табиийки, бу усул муваффақияти ўзаро боғлиқ омилларни баён қилувчи гипотезаларнинг қанчалик асосланганлигига боғлиқ. Шунинг учун имитацион моделлар бозор механизми асосий қонунларини аниqlаш ва моделлаштиришга имкон берувчи далилий материалдаги статистик тадқиқотдан олдин тузилиши керак. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки, имитацион моделларни ишлаб чиқиш етарлича кўп меҳнат қилувчи жараёндир.

Тажриба ёки тажрибади маркетинг усули жуда истиқболли ва маҳсулдордир. У шундан иборатки, назорат қилинадиган шароитларда маркетингнинг айрим элементлари (товарнинг қандайдир аломатлари ёки уни идишининг конструкцияси, сотишнинг ва харидорга хизмат кўрсатишининг шартлари, рекламанинг щакли ва х.к.) ўзгаради, қолганлари ўзгаришсиз қолади. Кейин қандайдир вақт ўтгач, сўровлар ўтказилади, сотишнинг натижалари баҳоланади (одатда, бир неча таянч пунктлари базасида). Маркетингнинг ушбу элементи иқтисодий самарага таъсирининг миқдорий ва сифатий баҳолари натижади. Мувофиқ варианти танлаш учун тажриба шартларига натижаларни ўлчаш билан тузатишлар киритиш мумкин. Синов маркетинги тажрибанинг ўзига хос элементи саналади. Унда янги (ёки замонавийлаштирилган) товарнинг кичик синов партияси чиқарилади, талабнинг ўлчовлари ўтказилади, маҳсус сўровларни беришида истеъмолчиларнинг бу товар ҳақидаги фикри аникланади. Синов маркетингининг хорижий амалиётида коммивояжерларнинг имконияти ва тажрибасидан кенг фойдаланилади. Улар товарни таклиф қилиб, харидорларнинг реакциясини бевосита кузатади.

### 3.4. Маркетингда истеъмол бозори қонунларини статистик моделлаштириш

Истеъмол бозорида ҳам яққа тартибдаги, ҳам оммавий истеъмолчи харидор бўлади. Сотувчи ўзининг стратегиясини шакллантира туриб, истеъмолчилар йифиндисига ягона бир турдаги миқдор сифатида қарайди. Унда истеъмол талабининг умумий тенденциялари ва қонунлари ҳаракат қиласи, йифиндининг барча бирликлари хариднинг шартларига бир хилда жавоб беради ва бозорга чиқарилган талабни қабул қиласи. Бунда, хусусан, оммавий маркетингнинг стратегияси асосланади. У моҳияти бўйича статистик қўллаб-қувватлашга муҳтож эмас, бозор шунчалик юқори сифимга эгаки, бу маркетинг тадқиқотларини ўрганишни бекор қиласи. Аммо кўпчилик товарларнинг ҳозирги замон истеъмол бозори бундай қобилиятга эга эмас. Аксинча, истеъмолчилар йифиндисини бир қатор аломатлари бўйича анча табақлаштириш унинг фарқ қилувчи хусусияти хисобланади.

Кўпчилик ишлаб чиқарувчилар ва савдо воситачилари истеъмолчиларнинг айрим грухлари (бозор сегменти)га қаратилади, яъни маркетингни сегментларга ажратиш стратегияси қўллаб-қувватланади. Бу стратегиянинг моҳияти шундан иборатки, бозорнинг белгиланган сегменти (истеъмолчилар грухлари) талабининг хусусиятларини аниқлаш; бу талабни энг яхши тартибда қаноатлантириш учун ҳаракатларни қўллашдир. Ўрта, кичик ҳамда ихтиослаштирилган фирмалар битта, иккита сегментни, йирик ва кўп тармоқли корпорациялар ўз фаолиятининг объекти сифатида бозорнинг бир неча сегментларини ташлайдилар (бу кўп сегментларга бўлиш стратегияси деб аталади).

Бозорни сегментларга бўлиш маркетингли режалаштириш ва тадқиқот қилиш жараёнида истеъмолчилар мажмуасини белгиланган аломатлар бўйича бирлаштирилган ва таклиф қилинаётган товарга нисбатан бир-бирларидан фарқланувчи бир қатор грухларга тақсимлашдир.

Усулбият нўқтаи назардан сегментларга ажратиш статистик грухлаштириш жараёнидан иборат ва унинг барча талабларига бўйсунади. Сегментлаштирилаётган мажмуанинг бу турлилиги (гемогенлиги)га ишонч хосил қилиш, мажмуа бўлинадиган аломатларни аниқ белгилаш, грухларнинг чегарасини аниқлаш, уларнинг сони ва миқдорини белгилаш зарур. Агар мажмуа турли-туман (иторогенли) бўлса, типологик грухлаштириш усуллари ёрдамида гомогенлик даражаси оширилишига

эришилиб, ундан күпроқ бир турдаги қысмларни ажратиш учун чоралар күриш зарур. Гурухлашни стрибутил аломатлар (масалан, кийимлар бозорини эркаклар ва аёлларникига бўлиш) бўйича ёки миқдорий аломатлар (масалан, пул даромадлари дараҷаси бўйича оиласлар гурухлари) бўйича амалга оширилади.

«Бозорни сегментларга бўлмасдан бўлмайдими?» – деган савол туғилиши табиий. Агар жуда катта сифимли бозорга мўлжалланган ва барча истеъмолчилар томонидан бир хилда қабул қилинадиган тор навлардаги товар таклиф қилинса, бошқача қилиб айтганда, оммавий маркетинг стратегияси амалга оширилса, ҳа. Аммо шу билан бир вақтда йирик фирманинг оммавий маркетинги маҳсулот бирлиги билан иқтисодий қайтарилишининг баҳридан ўтишга имкон бериши уни талабнинг нархли эластиклиги ҳисобига камайтириш ва шу билан фойданинг умумий ҳажмини кўпайтириши мумкин, кичик ва ўрта фирмаларнинг табақалаштирилган маркетинги (маркетинг - микс) маҳсулот бирлигининг каттароқ самарадорлигини таъминлашни талаб этади. Йирик фирмалар ҳамма вақт ҳам ўзини тортиш кучи билан барча харидорлар учун оммавий маркетингнинг объекти бўлиши мумкин бўлган товарга эга бўлмайди. Шунинг учун ҳозирги замон йирик тадбиркорларидан жуда кўпчилиги кўп сегментларга ажратиш стратегиясини бирданига истеъмолчиларнинг бир неча ҳар хил гурухлари (бозор сегменти)ни мўлжаллашга риоя қиласидилар.

Бозорни сегментларга бўлиш – бир томондан, субъектив ҳаракат, чунки унинг асосида фирманинг ўзига хослиги, бозор гомогенлигининг даражаси ва таклиф қилинаётган товарнинг хусусиятлари ётади, бошқа томондан, сегментларга бўлиш – объектив ҳаракат, чунки унда маҳсус маркетинг тадқиқотлари натижасида аниқланадиган истеъмолчиларни амалий табақалашуви ҳисобга олинади.

Маркетинг тадқиқоти ҳамма вақт бозорни сегментларга бўлиш жараёнидан аввал келади, унинг мақсади аниқ товар бозорининг тури ва тузилишини аниқлаш ва таърифлашдан, салоҳиятли сегментларни ажратиш мумкин бўлган аломатларни топишдан иборатdir. Сегментни ушбу тадбирлар учун жалб қила олиш даражасини, яъни сегментнинг товарни сотини учун истиқболларини, фирма учун арzonлигини, унинг салоҳиятли сифимини аниқлаш, танловнинг самарадорлигини асослаш мустақил вазифа бўлади.

Сегментнинг ахборотли тўлдирилиши тушунчаси вужудга

келган. Унинг остида сегментнинг маълумотлар банки тўлиқлиги даражаси, яъни унда барча зарурий материаллар борми ёки «ёпиқ минтақалар» борлиги тушунилади. Шундай қилиб, сегментларга бўлиш – дуалистик тушунча: бир томондан, бу маркетинг-менежмент вазифаси – бозорнинг белгиланган қисмини танлаш ва унда савдони ташкил қилиш; бошқа томондан, сегментларга бўлиш соф статистик жараён, истеъмолчиларни тегишли гурухларга ажратишдан иборат бўлган маркетинг тадқиқотларининг гуруҳидир.

Сегментларга ажратишнинг биринчи босқичи – бир ёки бир неча гурухлар (сегментлар)га ажратиш ва уларнинг миқдорий чегаралари таърифи. Иккинчиси, мураккаброғи, сегментнинг миқдори ва сифимини аниқлаш мақсадига эга. Учинчиси – сегмент самарадорлигини баҳолаш. Нисбий кўрсаткич – истеъмол талабларнинг ўртача интенсивлиги, яъни унинг бўлинган миқдорига бозор сифими сегментнинг муҳим таърифи бўлади.

Сегментлар танлаб олинадиган аломатларнинг рўйхати жуда катта, аммо амалиётда, қоидага кўра, бир-иккита энг муҳимидан фойдаланилади. Катта сон сегментларнинг ғоятда парчаланиб кетишига олиб келиши мумкин. Ортиқча «бўш» сегментлар вужудга келмаслиги учун бир-бирига боғлиқ аломатларни (масалан, болалар кийимлари бозорини сегментларга бўлиш учун болаларнинг ёши ва бўйини) чиқариб танлаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Аммо шуни назарда тутиш керакки, батъзи ҳолларда бўши сегментнинг пайдо бўлиши талаб йўқлиги билан bogлиқdir. Бу ҳолда ушбу ҳодисанинг сабабини аниқлаш ва интенсив маркетинг тадбирлар талабни инцировка қиласадим ёки йўқми, аниқлаш зарур. Сегментнинг муҳимлигини, яъни истеъмолчиларнинг қандайдир аломат бўйича ажратилган гурухи қанчалик мустаҳкам эканлиги, унда ажратилган эҳтиёж қандай даражада барқарорлигини белгилаш муҳимдир.

Маркетинг назарияси сегментларга ажратишнинг бешта мезонини ажратади. Маркетинг тадқиқотларини ўтказишида уларга катъий риоя қилиш зарур: 1) истеъмолчилар орасида фарқлар бўлиши керак (яъни бозорни табақалаштириш ҳақиқий бўлиши керак, акс ҳолда оммавий маркетинг самаралироқдир); 2) ҳар бир сегмент бир турда бўлиши керак (гурухлашнинг статистик назарияси ҳам шуни талаб қиласди); 3) истеъмолчилар гурухлари (сегментлар)нинг таърифлари ва аломатларини ўлчаш мумкин бўлиши керак; 4) сегмент етарлича катта бўлиши керак, акс ҳолда фирманинг нормал даромади таъминланмайди; 5) сегмен-

тта маркетинг таъсири ўтқазиш мумкин булиши керак.

Истеъмол бозорини сегментларга ажратиш асосида 4 тамойил ётади: географик (минтақавий), психологик, ҳуқуқий ва демографик. Ишлаб чиқариш воситалари бозорида сегменларга ажратиш тамойиллари куйидагича ўзгаририлади: географик; соҳавий (иқтисодиётнинг сектори ва соҳаларга муносабати); кўламлилик (истеъмолчи корхоналарнинг ўлчами, қуввати); технологик (истеъмолчи корхоналарнинг ихтисослашуви, технологик жараён); ташкилий (истеъмолчи компаниянинг тури ва тузилиши, компаниянинг вакили бўлган шахсларнинг таърифлари). Демак, маркетинг тадқиқотларида сегментларга ажратиш – яна гурухлаш асосига қўйилиши мумкин бўлган омиллар таҳлилидир.

Сегментларга ажратишнинг географик аломати истеъмолчиларни худудий гурухлашда намоён бўлади (амалда гап географик сегментни танлашнинг асосий мезони сифатида бозорнинг ҳар бир сегменти сифимини аниқлаш ҳақида кетади). Минтақавий сегментларни шакллантириш жараёнида асос қилиб маъмурий туманларга ажратиш ёки иқтисодий ва географик бўлиниш ҳамда иқлимий ва бошқа табиий сифатлар; иқтисодий ривожланишининг даражаси ва минтака аҳолисининг турмуш даражаси; аҳолининг сони ва жипслиги; урбанизациянинг даражаси; ҳар хил турдаги ва ўлчамдаги шаҳарларнинг тақсимланиши (йирик шаҳарларда шаҳар туманлари ажратилади). Бундан ташқари савдо инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси: аҳолининг савдо корхоналари билан таъминланганлиги, омборхона тармоғининг мавжудлиги, транспорт алоқаларининг ривожланганлик даражаси баҳоланади.

Сегментларга бўлишнинг ижтимоий – демографик тамойили қўйидаги аломатлар таърифида намоён бўлади: аҳолининг даромади; бандлиги ва машғулоти; миллий таркиби; жинси; ёши; оиласининг тури, миқдори, таркиби ва турмуш тарзи; истеъмолнинг жинсий ёшли коэффициентлари. Ушбу аломат бўйича сегментларга бўлиш маркетингни аҳолининг даромад даражаси ёки демографик аломатлар бўйича ҳамда бу аломатларнинг бирикмаси бўйича ажратилган айрим гурухларига қаратади. Масалан, тайёр қийимлар фирмаси томонидан танланган сегмент ўртача ёшдаги, даромаднинг даражаси бўйича (талабнинг омили сифатида) қўшимча гурухлаштирилган мажмуасидан иборат бўлади. Қийимлар ва пойабзал бозори сегментларида истеъмолчиларни антропологик аломатлари: бўйи, размери, тўлалиги бўйича тақсимланишини ажратиш зарур. Кейинчалик

биз бу тамойил сегментларга бўлишнинг психологик ва ҳулқий аломатлари билан комбинацияланишини кўрамиз.

Бир қатор товарлар якка тартибда эмас, балки оиланинг бошқа аъзолари билан биргалиқда истеъмол қилинади (хусусан, мебель ва маданий – майший белгиланишдаги бир қатор предметлар). Шу муносабат билан бозорни ижтимоий – демографик тамойил бўйича сегментларга бўлишда оиланинг сони ва таркиби, унинг тури, яшаш ёши, уй – жой билан таъминланганлик кўрсаткичлар алоҳида муҳимликка эга.

Ижтимоий – демографик омилларнинг харид талабига таъсири жуда катта. Агар кийимлар харидорларни жинс ва ёш бўйича тақсимлашдан (ва антропометрик таърифлар бўйича қўшимча тақсимлашдан) дикқатини олиб қочилса, бусиз кийимнинг ҳар бир тури бозор сифимини ҳисоблаш маъносиз бўлади, унда аҳолининг ёшли тарифи умуман демографик қонунлар ва кийимлар эҳтиёжини боғлайди. Эҳтиёжларнинг ҳаётийлик даври мавжуд. Мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган эҳтиёжларнинг ёш бўйича шкаласи инсон улғайгани сари эҳтиёжлар аста – секин ўсишини кўрсатади. Кишиларнинг жисмоний ва ақлий қобилиятлари гуллаб-яшнаш нуқтасига мос келувчи эҳтиёжларнинг чўққиси мавжуд. Қариган сари эҳтиёжлар аста-секин қисқаради. Албатта бу жараёнга даромад, ижтимоий мавқе, турмуш тарзи омиллари ўз тузатишларини киритади. Бу жараёнга жамиятнинг умумий иқтисодий ҳолати ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Бозор сегментларини географик ва ижтимоий – демографик тамойили бўйича ажратилиши давлат статистикаси идоралари томонидан йигиладиган ва ишлаб чиқиладиган статистика маълумотлари (яъни ташқи иккиламчи ахборотлар)га мурожаат қилишни талаб қиласди. Бошқа иккита аломат бўйича амалга ошириладиган сегментларга ажратиш маҳсус ўтказила-диган тадқиқотга (бирламчи ички ахборотга) суняди.

Психологик аломат истеъмолчиларнинг қўйидаги аломатларини: ижтимоий груп (синф), турмуш тарзи ва стили, шахснинг тури, маданий даражаси, касбини ўрганишни талаб қиласди. Бу омиллар кўпроқ даражада харидор бозорида намоён бўлади; сотувчи бозорида товарнинг аниқ турлари ва марказларига талаб қандайдир даражада ва харидлар тузилишида белгилangan даражада харидорнинг ижтимоий статусига ва психологик хусусиятига боғлиқ. Турмуш тарзи қанчалик юқори бўлса, бу турдаги омиллар шунчалик кўриниши мумкин. Шунинг учун сегментларга бўлишнинг боришида уларни даромад омиллари

билин бириктириш керак (бу бироқ, күпинча оила ёки айрим шахсларни белгиланган гурухга ёки синфга киритиш билан асосланади). Мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотлар катта ижтимоий силжишларга олиб келди, аста – секин мулкдорлар синфи шаклланмоқда, аҳолининг бошқа ижтимоий гурухларида жиддий табақалашув кузатилмоқда.

Сегментларга бўлишнинг хулқий тамойили харидорларнинг хулқлари ва уларнинг афзаликларини ўрганиш ва моделлашибдиришдан келиб чиқади. Бунда қўйидаги аломатлар ўрганилади: товарнинг тан олиниш вақти, харидорларнинг сабаблари, товарнинг нархи ва сифатига муносабат, товардан интенсив фойдаланувчининг статуси, товардан фойдаланишининг интенсивлиги, савдо маркасига содиклик даражаси ва бошқалар. Юқорида айтиб ўтилганидек, сўровлар ва маҳсус кузатишлар натижасида тегишли ахборотлар тўпланади. Бозорни ушбу тамойил бўйича сегментларга бўлишдан мақсад – харид талабига таъсирининг мувофиқ йўлларини танлашдир.

Бозорни сегментларга бўлиш аҳолини тақдим этилаётган талаб ҳажми бўйича тақсимлашнинг баъзи бир қонунларини ҳисобга олиши керак. Анча олдиндан матълум бўлганки, аҳолининг нисбатан кичик қисми ушбу турдаги товарларнинг катта қисмини харид қиласди. Баъзида харидорларнинг салмоғи ва улар харид қиласиган товарлар салмоғи ўртасидаги нисбат 20 ва 80 % га етади (яъни харидорларнинг бешдан бир қисми товарнинг 4/5 қисмини харид қиласди). Шунинг учун бу ҳодиса «80 - 20» қоидаси ёки Парето қонуни деб аталади. Бу номутаносиблиқ американлик олим Д.У. Твид томонидан ҳам баён этилган. У бунга оғир яримта қоидаси номини берган. Албаттa, Парето қонунини мутлақлаштириш керак эмас: харидорлар сони ва харидорларнинг ҳажми ўртасидаги номутаносиблиқ айрим товарлар, ҳар хил мамлакатлар ва даврлар учун турлича. Аммо, умуман, бу қоидага аҳолининг даромадлари ва талабнинг нархий эластиклиги бўйича табақаланиши ҳодисаси бутунлай мос келади. Истеъмолчилярнинг даромад бўйича тақсимлаш шкалалари полюсларида киммат ва арзои товарларнинг жамланиши содир бўлади. Аммо айрим ҳолларда бу ҳодиса аҳолини нафақат даромад, балки айрим гурухларнинг ҳаваси ва дидлари билан табақалашувини изоҳлаши мумкин.

Шахсий бозор уячасини қидириш қўра (кичик ва ўрта фирма томонидан), бозорни сегментларга бўлишнинг ўзига хос шаклидир. Уяча остида, одатда, истеъмолчилярнинг кес-

кин чегирилгүннүү сони ва чегараланган товар навларига эга бөвөршүүнүү тор сегменти тушунилади. Асосийси, бундай сегментди рицбигит камайтирилиши ёки бутунлай йүүкотилиши керак. Маркетинг тадқиқтларининг вазифаси – фирманинг имкониятларини (товарнинг ноёблиги, тор ихтисосланиш, мижозларга хизмат күрсатышнинг ажойиб шакли билан) баҳоланишига мувофиқ бозорда тегишли уячани топиштир. Бу мақсад учун бозор параметрларининг үлчовлари амалга оширилади, унинг бир турлилги баҳоланади, сегментлар ажратилади, сүровлар ва тажрибавий маркетинг тадбирлари үтказилади.

Харидлар сабабларининг маркетинг тадқиқоти истеъмолчиларнинг товар таклифи ва айрим маркетинг тадбирларига жавобларини ўрганиш мақсадига эга. Товарни харид килишга ундовчи сабаблари белгиланади, харидорнинг ушбу товарга муносабати, товарнинг хусусиятлари, унинг фойдалилигидан қаноатланганлиги даражаси ҳамда товар нархларини даромаднинг харид қобилиятига мослиги ўрганилади.

Маркетинг тадқиқотида бихевиоризм (кишилар хулқлари ҳақидаги таълим) назариясинин г хulosаларидан фойдаланилади, унда ҳар хил ундовчи омиллар кўриб чиқилади. Маркетинг тадқиқоти амалиётида харидорларнинг товарнинг ранги, шакли, дизайнни, фойдали хусусиятлар мажмуасига ва унинг ижтимоий статусига жавобларини моделлаштиришнинг статистик усуllibаридан фойдаланилади. Улар товар хусусиятини, унинг сифатий аломатлари, янгиланишини қабул қилиш қонунларини акс эттиради. Харидларнинг сабаблари ва харидорлик афзаликлари қонунларининг таҳлили талабни башорат қилиш ва мақсадга қаратилган маркетинг учун объектив база яратади.

Кўпинча маркетинг тадқиқтларида харидларнинг мотивацияси, харидорлар хулқлари ва фикрларининг моделлари танлаб олиниб, кузатиш – ахолининг анкетали ёки оғзаки сўрови асосида истеъмолчиларни гурухлашдан иборатдир. Кўпгина бундай моделлар битта аломат бўйича ишлаб чиқилади ва тақсимлаш қатори кўринишига эга. Чуқурроқ таҳлил гурухлашни бир неча аломатларнинг комбинациялари бўйича куришга имкон беради, бу, одатда, бозор сегментини танлашда комбинацияли ёндашувга мос келади. Кўпинча гурухлар таркибийлар синфига киритилади, чунки сегментларга бўлиш мақсадлари учун истеъмолчилар у ёки бу гурухларининг умумий мажмууда эгаллаган ўрнини белгилаш мухимдир. Бундан ташқари, бъязи бир омилларнинг истеъмолчилар хулқи ёки фикрига таъсирини акс

эттирувчи таҳлилий гурухлардан фойдаланилади.

Янги товар чиқарышнинг маркетингли ишлаб чиқиш босқичида салоҳиятли харидорларни уларнинг янгиликларга муносабати бўйича тақсимланишини аниқлаш зарур. Кўйидаги градация қўлланади: янгилик тарафдорлари, уларни товар янгилигининг ўзи (купингча унинг техник хусусиятлари) жалб қиласди, янги товар харид қила туриб, таваккал қилишдан қўрқмайдилар; консерваторлар, бошқа харидорлар томонидан синовдан ўтказилган, вақтида текширувдан ўтгаи моделларни харид қилишни афзал қўрадилар, янгиликдан, техник мураккаб товардан қўрқадилар; модапарастлар, уларни янги товарда унинг ижтимоий статуси, товарнинг обрўйи, моданинг талабларига қатъий мос келиши, товарнинг кенг омма учун қимматлилиги жалб қиласди.

Барча салоҳиятли харидорлар ҳам бир вақтда товарнинг таклифига жавоб беравермайдилар. Товар қабул қилиниши ватан олиниши ҳар хил ижтимоий – иқтисодий ва руҳий сабаблар бўйича вақтда чўзилиши мумкин. Бу ҳодиса товарнинг мавжуд бўлиш даври билан боғлиқ ва уни ҳам сотиш, ҳам реклама тадбирларини режалаштиришда, нархни ташкил қилишда ҳисобга олиш зарур. Маркетинг тадқиқоти истеъмолчиларнинг товарни қабул қилиши вақти бўйича амалга оширилади. Кўйидаги гурухлар ажратилади: эртаги эргашувчилар, янги товарни биринчи бўлиб харид қилувчилар (бу, одатда, янгилик тарафдорлари ва модапарастлар коидага кўра, товарни ўрганадиган юкорироқ нархларда харид қилиш етарлича таъминланган шахслар); эртаги кўпчилик – биринчи харидорлардан кейинги товарни жалб қилишни баҳолаган ва унинг нархига (одатда, энди бир оз пасайтирилган) қаноатланган шахслар, улар оммавий барқарор талабни яратадилар; кечиккан кўргилик, уларга товарнинг оммавий тан олинишини мўлжаллаган ҳамда нархларни янада пасайтиришни кутган харидорлар; харидорларнинг бу гурухи талабни етарли дараҷада юқори тутиб туришни давом эттирадилар; консерваторлар (ретроградлар, қолоқлар), товарни илгарироқ харид қилишга улгурмаган ёки янгиликни асосан қабул қilmайдиган, мода талабларини эътиборга олмайдиган ва ниҳоят, оммавий сотишлардаги энг паст нархларни мўлжалловчи шахслар.

Реклама тадбирларини режалаштириши нуқтаи назаридан истеъмолчиларнинг товар ҳакида хабардорлиги аломати бўйича гурухларга ажратиш фойдалидир; у ҳақда reklamada билувчилар, танишлар ва қариндошларда ёки бошқа манбалардан билганлар; товарга бошқа товарларни харид қилишда дуч келган-

лар; товар ҳақида умуман хабардор бўлганлар.

Истеъмолчиларнинг товарга муносабатлари бўйича фирманинг товар сиёсати қурилади. Тарабга таъсир қилиш имконияти товарнинг харид ролини таҳлил қилиш натижасида вужудга келади:

– етакчи товарлар – оширилган тарабга эга ва фирмага катта даромад келтирувчи янги товарлар;

– локомотив товарлар, улар бир қатор бирга бўлувчи товарларга тарабни келтириб чақирадилар ёки йўлдош товарлар баъзида бу етакчи товарлар;

– муваффақиятга эга, фирманинг янги товарларини жалб қилувчи ва унинг бошқа товарларига тарабни келтириб чиқарувчи товарлар;

– тактик товарлар (қўллаб-куватлаш товарлари) бу иккинчи даражали товарлар, улар навларни тўлдирадилар ва асосий товарлар билан биргаликда маъмуани ташкил қиласидилар. Агар бундай товарлар сотувда бўлмаса, истеъмолчи асосий товар учун бошқа рақиб фирмага мурожаат қилиши мумкин.

Чиқарувчи товарлар – арzon товарлар баъзида зарап билан сотиладиган (бу қоидага кўра, бошқа товарларнинг нархлари билан ўрни қопланади) ва «тежамкор» харидорларни жалб қилувчилар. Фақат ушбу фирма томонидан ишлаб чиқариладиган ноёб маҳсулот ишлаб чиқарувчи товарлар бўлиши мумкин. Бундай товарлар фирманинг белгиланган обрўини яратадилар. Товарнинг мавжуд бўлиш даври (ТМБД) ни унинг ҳар хил босқичдаги тараб тенденциясини акс эттирувчи мураккаб эгри чизиқ кўринишида график моделлаштириш мумкин.

Биз фақат товарларни сотишнинг «анъанавий эгри чизиги» билан чекландик, аммо товарлар мавжудлигининг ҳар хил усуслари маълум. Масалан, оммавий маҳсулот сотилган пайтда дуч келинадиган классик эгри чизиқ анъанавийга ўхшашибдир. Кўпайишнинг эгри чизиги абцисса (вақт)нинг ўқи бўйича ўт-кир чўққили ва қисилган бўлиши керак. Бунда тарабнинг кескин парвози ва товар оммавийлигини шунчалик тез пасайиши содир бўлади. Товарга тараб узоқ муддат давомида барқарор бўлганда эгри давомийли кўпайишда балофат босқичи вақтида узоққа чўзилган ва қия бўлиши мумкин. Мавжуд бўлиш даврининг эгри чизиги мавсумий ўзгаришларни акс эттириши мумкин. Бунда у мавсумий тўлқинлар модели билан таърифланади. Эскирган товар яна бирдан кўтарилишининг камдан-кам содир бўладиган нодир ҳодисаси ҳам учрайди (мисол, электр устара-

лар талаб такомиллашганроқ писколарга эга устараларга фойдасига пасайиши). У қайтадан тикланиш ва настольгиянинг эгри чизиги билан акс эттирилади ва конфигурацияси бўйича гиперболани эслатади. Ниҳоят, барбод бўлишининг эгри чизиги мавжуд. Бунда товар мутлақо муваффақиятга эга бўлмайди. Шундай қилиб, ТМБДни модельлаштириш талаб қонунларининг синчиқлаб таҳлил қилишга суннади.

Товарнинг мавжуд бўлиш даври қоидага кўра, бешта босқичга ажратилади: товарни ишлаб чиқиш, уни бозорга чиқариш, ўсиш, балоғат даври ва пастга қулаш. Аммо товарнинг бутун мавжуд бўлиш даврини мателистик модельлаштириш амалда мумкин эмас. Бунда изоҳлаш қийин бўлган мураккаб кўп аъзоли вазифадан фойдаланишга тўғри келар эди. ТМБДнинг ҳар бир босқичи қонунларини акс эттирувчи экстраполяцион трендли ва кўп омилли модель ёрдамида модельлаштириш ва башоратлаш мақсадга мувофиқдир.

### 3.5. Реклама ишининг статистикаси

Реклама ҳакиқатдан ҳам маркетингнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. У нафакат салоҳиятли истеъмолчиларнинг товар ҳақида хабар қилиш мақсадини кўзлайди, ундан яна харид талабига таъсир қилишнинг қудратли қуроли сифатида ҳам фойдаланилади. Амалда ҳеч бир маркетинг тадбири реклама компаниясиз бўлмайди. «Реклама савдонинг двигатели» каби тез тарқайдиган ибора ўзининг ортиқалигига мутлақ ишончлидир. Кўпинча фаол реклама компаниясини хужумкорона, агрессив маркетинг тушунчasi билан тенглаштирадилар. Реклама моддий – техник ва молијавий таъминланиш, иқтисодий – психологик асосланиш ва стратегик ишлаб чиқишиларни талаб қилувчи мураккаб жараёндир. Бундан ташқари реклама компанияси бўйича қабул қилинган қарорлар мутлақ детерминацияланган ва 100% ишончли бўлмаслигини ҳисобга олиши зарур. Бу ҳётда ўлим ва солиқдан бошқа ҳеч қандай аниқ нарса йўқлиги ҳақидаги сўзлар Бенжамин Франклинга тегишилидир. Рекламанинг ҳаракати эҳтимоллик характеристига эга хавф-хатарнинг белгиланган даражасига эга. Реклама фаолияти объектини статистик ўрганиш реклама таъсири натижаларини модельлаштириш ва башоратлаш reklamанинг самарасини олдиндан айтиб бериш ва қабул қилинаётган қарорларнинг хавф-хатар даражасини пасайтиришга имкон беради. Демак, реклама фаолияти белгиланган қонунлар томонидан аниқланган зарурий статистик

хисоб – китоблар ва башоратлашлар билан мустаҳкамланиши керак, яъни реклама фаолияти маркетинг тадқиқотларининг предмети бўлади. Реклама истеъмолчига етказилиш шакли ва усули бўйича турли-тумандир. Товарни жой-жойига жойлаштириш, яъни салоҳиятли истеъмолчининг тасаввурида товарнинг ўзига жалб қилувчи образини яратиш reklamанинг асосий маркетинг вазифаларидан биридир. Реклама товарни харид қилиш истагини келтириб чиқарувчи, қўзғатувчи ролини бажаради. Рекламанинг қуйидаги турларини ажратадилар: ахборот берувчи товар, унинг вазифаси истеъмолчиларга товар ва унинг хусусиятлари, унинг жойлаштирилиши ва сотиш шакллари ҳақидағи маълумортларни етказиш; қўндирувчи реклама, агресив маркетингнинг таркибий элементидан иборат, унинг мақсади – истемолчини рақибнинг товарини эмас, балки худди ушбу товарни харид қилишга мажбур қилишdir (солиширма рекламамага унинг турли-туманлиги хизмат қиласи, у рақибнинг товарини шахсий товари билан солиширади, табиийки, кейингиси ижобий томонларида кўринади); эслатувчи реклама – товар ва фирманинг мавжудлигини эслатиш мақсадига эга, рекламанинг энг хотиржам тури (товарни харид қилганларни, уларни қайта харид қилишга ундашга мўлжалланган мустаҳкамловчи реклама унинг турли-туманлигидир).

Реклама ахборотларини тарқатишнинг энг турли-туман воситаларидан фойдаланилади: бу оммавий ахборот воситалири, реклама ва рақасини почта орқали жўнатиш, маҳсус реклама адабиёти (шу жумладан, статистик характердаги нашрлар), ташки экспозиция, шу жумладан, транспорт воситаларидаги реклама, дўконлар витриналари ва пештахталарини безаш, рекламали идишлар. Реклама ахборотларининг сифатли янги воситаларига видеоматн (телематика), видеокассеталардаги реклама ёзувлари, электрон табло, телекаталоглар ва бошқалар киритилади. Товарни бозор томонга ҳаракатлантириш бўйича баъзи бир маркетинг тадбирлари (синовли сотиш, кўргазмалар, ярмаркалар, намойишлар ва х.к.) бир вақтда реклама характеристига эгадир. Коидага кўра, дайрект - маркетинг ёки тўғридан-тўғри маркетинг (салоҳиятли мижозлар билан бевосита алокалар) реклама билан биритирилади. Сервис кўпинча ўз корхонасига реклама бўлиб хизмат қиласи. Товарларни катологлар бўйича сотишлар (шу жумладан, компьютерли ва телевизион) бир вақтда рекламанинг шакли бўлади.

Статистик усулларни қўллашга эга рекламанинг маркетинг тадқиқотлари вазифаларига қуйидагилар киради:

- бозорнинг ҳар хил сегментларида рекламани қабул қилишнинг таърифи (моделлаштирилиши);
- реклама билан боғлиқ муомала харажатларининг ҳисоби ва таҳлили;
- реклама тадбирларини тестдан ўтказиш;
- рекламанинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш.

Рекламанинг маркетинг тадқиқоти реклама компаниясининг барча босқичларидан ўтиши керак: товарни ишлаб чиқиши ва сотишни режалаштириш босқичидан, реклама тадбирлари бюджетини (маркетинг бюджетининг таркибий қисми сифатида) шакллантириш босқичидан, реклама ахборотини тарқатиш воситаларини танлаш босқичидан ва ниҳоят, реклама самарадорлигини баҳолаш босқичидан.

Рекламанинг муваффақияти кўпроқ даражада унинг таъсир объекти қанчалик тўғри танланганлигига боғлиқ. Бу, бозорни ўзига хос сегментларга бўлишdir. Бунинг устига ҳар бир сегмента ўзининг рекламаси мўлжалланган. Шундай қилиб, реклама тадбирларини ишлаб чиқиши қуйидаги статистик маълумотларга суюнади: товар сифатининг таърифи; ишлаб чиқарувчилар, дистрибуторлар ва истеъмолчиларнинг минтақавий таърифлари; истеъмолчилар контингентининг турмуш даражаси ва ижтимоий демографик тузилиши; реклама ахборотига нархлар ва оммавий реклама ахборотларидаги вазият. Табиийки, рекламанинг ҳар хил турлари ва усуслари имкониятлари, уларнинг ютуқлари ва камчиликлари, ҳар хил реклама воситаларининг қувват ва иқтисодийлиги ҳақидаги маҳсус ахборотга эга бўлиши керак.

Кўриниб турибдики, рекламанинг шакллари ва уни тарқатиш воситалари турли-тумандир. Аммо реклама, қоидага қўра, қиммат турадиган тадбир ва маркетинг бюджети ва фирма харажатларида сезиларли ўрин эгаллайди. Реклама тадбирлари статистикасининг муҳим вазифаси – рекламага харажатларнинг суммаси ва тузилишини аниқлаш ва унинг маркетинг бюджетидаги улуши ва муомала харажатларининг суммасини хисоблаб чиқишидан иборатdir. Бу миқдорни соҳа бўйича ўртача ва рақамнинг тегишли кўрсаткичи билан таққослаш мақсадга мувофиқdir. Барча учта кўрсаткичининг динамик қатори қурилиши ва динамик таърифлари ҳисоблаб чиқилиши керак.

Рекламанинг самарадорлигини аниқлаш, рекламанинг уёки бу таърифидан келиб чиқсан талаб ўзаришини аниқлаш, ҳам рекламанинг ўзи, ҳам реклама тадбирларига харажатлар билан асосланган сотишлар ва фойда ҳажмининг ўсишини белгилаш зарур.

Бозорни сегментларга ажратиш билан параллел равишида реклама тадбирларини рекламага бўлиш амалга оширилади. Айниқса, ижтимоий демографик аломатларнинг ва реклама таъсирининг табақалашувидаги истеъмолчиларнинг психографик моделларига суюнучи бихевиористик ёндашишнинг ролини аниқлаш мухимdir. Реклама ҳаммадан аввал ушбу товарга талабни намоён қилаётган истеъмолчиларга йўналтирилиши керак. Қимматбаҳо товарлар рекламасини ахолининг барча қатламларига қаратишдан маъно йўқ: бу кам таъминланган қатламларда фазабланишни уйғотиши ва умуман, савдони бузиши мумкин. Ёшлар товарларининг рекламаси ёшлар муҳитига кириш йўлини топиши керак. Худудий чегараларни, салоҳиятли харидор қаерда яшашини аниқлаш зарур. Истеъмолчилар айрим гуруҳларининг ўзига хослиги, руҳий ҳусусиятлари реклама шакли танланишини белгилайди. Янгилик тарафдори бўлган харидорлар ахборотли рекламага, консерватор харидорлар эслатишга муҳтоҷлар, осон кўндириладиган харидорлар – агресив реклама учун қулай заминдир, шу айни пайтда қатъий шаклланган (қаттиқ) талабга эга харидорларга босим тескари таъсирини кўрсатиши ва фирмадан воз қечтириши мумкин.

Демографик ахборотлар ва минтақа (шаҳар) ахолисининг харид қобилияти ҳақидаги ахборотлар реклама қувватини аниқлаш учун ҳам зарур. Аммо босма нашрлар учун reklama истеъмолчилари эҳтимол бўлган аудиториясининг ҳажми уларнинг адади томонидан кўпроқ даражада чекланади, аммо битта нашрни бир неча шахс (оила аъзолари, нашрга биргаликда ёзилган шахслар, кутубхона ўқувчилари) томонидан қайта ва кўп марта «истеъмол қилиниши» ҳисобига кўпайиши мумкин.

Муомала (қайта такрорланиш) коэффициенти – reklama ушбу манбасининг бир нусхаси қўлидан ўтадиган истеъмолчиларнинг ўртача сони ҳисобланиши керак. У аудитория умумий сонининг reklama манбаларини сотилиши ҳажмига нисбати сифатида аниқланади:

$$K_{o.p} = S/Q$$

Бу ерда:  $K_{o.p}$  – reklama muomalasining koэффициенти;  
 $S$  – reklama mўлжалланган aудиторияning сони;  
 $Q$  – сотилган reklamamining ҳажми (нусхалар сони).

Кўпинча у эксперт йўли билан белгиланади. Журнал reklamasining муддатийлиги рўзноманикidan юқори, чунки журнал узоқ вақт ўқилади. Босилишининг сифати, ранглилиги ҳисобига

ҳам журнал рекламаси рўзномага нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатади. Бошқа томондан афзаллиги онеративлигига ва истеъмолчиларни кенгроқ қамраб олишидадир. Ўқувчилар контингентининг ўзига хослиги (касбий, сиёсий, ёшлилиги ва нашрни ижтиёмий йўналтирилганлигини) ҳисобга олиш зарур. Нашр маҳсулотларининг тарқатилиш тавсифи: чакана сотувда, обуна бўйича, текинга тарқатилиши ҳам эътиборга олиниши керак.

Иккига ажратилган аудиторияни, яъни икки ва қўпроқ оммавий ахборот воситалари таъсири остида бўлган ва соф қамраб олишни қамраб олиш керак. Бунда қўйидаги кўрсаткичлар киритилади: муомала меъёри – оммавий ахборот воситаси таъсири остида бўлган кишиларнинг ўртача сони ва тўлиқ кириб бориш меъёри (даражаси):

$$H_{\text{а.л.}} = \frac{S_{\text{у.о}}}{S}$$

Бу ерда:  $H_{\text{а.л.}}$  – тўлиқ кириб бориш меъёри;

$S_{\text{у.о}}$  – муомала меъёри (битта оммавий ахборот воситаси таъсири остида бўлган аҳолининг сони);

$S$  – аҳолининг сони.

Соф қамраб олиш ёки «соф аудитория» Агостиники дебномланган формула ёрамида ҳисобланади:

$$Y = \frac{1}{k(D/A) + 1} \times A;$$

Бу ерда:  $A$  – аудиторияларнинг суммаси;

$D$  – 2 ни 2 иккига бўлинишнинг суммаси;

$K$  – ОАВ гурӯҳини ҳисоблаш ва белгилаш учун асос бўлиб хизмат қиласидиган кўпликларнинг вазифаси. У оммавий нашр учун тахминан 1.1ни, техник нашр учун 1.3 дан 1.6 гачани ташкил қиласиди.

Истеъмолчилар контингентининг қамраб олиниши ва рекламанинг самарадорлиги ҳақидаги саволлар турли-туман жавоб беришга қаратилган – рекламани тестдан ўтказиш ҳар хил усусларда амалга оширилади. Маркетинг сўрови (интервью, анкета тўлдириш) улардан асосийсидир. Тестдан ўтказишнинг маҳсус усусларидан ҳам фойдаланилади. Қўйидаги параметрлар ўрганилади: рекламанинг истеъмолчига таъсир қилиш даражаси; рекламанинг ишончлилиги, унинг ахборотлилиги ва диагностика.

Рекламани жойлаштириш учун нашр маҳсулоти танланишида нашр матни (кўпинча см<sup>2</sup>) рекламаси нархи (стандарт реклама майдончасига қиймат) ҳамда 1000 та ўқувчига reklama қиймати кўрсаткичларидан ҳам келиб чиқади:

$$\bar{Z} = \frac{Z}{Y} \times 1000$$

Бу ерда:  $\bar{Z}$  - 1000 кишига рекламанинг қиймати;

$Z$  – реклама эълонига тўланган умумий сумма;

$Y$  – ўкувчиларнинг сони (нашрнинг сотилган нусхалари сони).

Одатда, ҳар хил нашрлар эълоннинг 1000 киши ҳисобига қиймати бўйича ранжировка қилинади, бу энг кичик ҳисоблаш ставкаси эгаларига афзаллик беришга имкон беради.

Рекламанинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш статистик усуллар ёрдамида ҳал қилинадиган реклама-маркетинг тадқиқотининг асосий вазифаларидан биридир. Уни рекламага харажатларнинг вазифаси сифатида моделлаштириш мумкин:

$$\Delta_p = f(z)$$

Бу ерда:  $\Delta_p$  - реклама фаолиятининг натижаси (реклама тадбирларидан кейинги фойданинг ўсиши ёки ушбу фирма бозор улушининг кўпайиши ёки ушбу товар харидлари сонини кўпайиши);

$Z$  – рекламага харажатлар (умуман, ёки тегишли аудиториянинг 1000 киши ҳисобида).

Реклама самарадорлигининг суб кўрсаткичларига қўйидағиларни киритиш мумкин:

- рекламанинг татбиқ этилиши – рекламанинг баҳоланаётган турини эслаб қолган ва эслаб қолмаган шахслар сонининг нисбати;

- истеъмолга жалб қилиш – товар истеъмолчиларининг рекламани эслаб қолган ва эслаб қолмаганлар гурӯҳлари сонидаги фарқ;

- реклама иқтисодий самарадорлигининг мезонлари – рекламани эслаб қолган товар истеъмолчилари улушининг эслаб қолмаганлар улушкига нисбати.

Агар рекламани у бевосита қаратилган шахслардан ярмиси эслаб қолса, товарни реклама қилиш натижавий ҳисобланади. Агар рекламани эслаб қолган шахслардан 7% дан кўпроғи реклама қилинаётган маҳсулотнинг истеъмолчилари бўлсалар, реклама истеъмолчига сезиларли иқтисодий самара беради.

Ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаш учун истеъмолчиларнинг танланган сўровини ўтказиш зарур. Бу ерда биз муқобил таърифлар (эслаб қолувчилар ва эслаб қолмайдиганлар) билан муаммога эга бўлганимиз учун, биномиал статистик мезонлар-

дан фойдаланиш билан кичик танлов усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Маркетинг тадқиқотида турли хилдаги нашрлар ва бошқа иккиламчи материаллардан кенг фойдаланиши ҳам ахборотларнинг ўзига хос тизимиға эга. Маркетинг тадқиқотининг ахборот базаси асосан бир вақтдаги ва мунтазам танлов тадқиқотлари ҳамда истеъмолчиларнинг панелли тадқиқотларига асосланади. Истеъмолчиларнинг сўровларида интервью олиш ва анкета тўлғазишлар бириктирилади. Истеъмолчиларнинг фикрлари ва афзалликлари доимо ўрганилади, уларнинг бозор соҳасидаги ҳулклари аниқланади, сўровнинг ўлчовлари ўтказилади. Мутахассисларнинг сўровлари ва эксперт баҳоларига кенг амал қилинади.

## Қичқача хулосалар

Маркетинг фаолиятини ташкил этиш учун маълумотлар йиғиш, таҳлил этиш, бащорат қилишга қаратилган фаолият, маркетинг изланишлари, дейилади.

Маркетинг изланишлари – умумий бозор, ходиса ва жараёнларни ўрганишнинг таркибий қисмиdir. Маркетинг изланишлари тенглама кузатиш маълумотларига асосланади. Истеъмолчилардан маълумот, одатда, анкета ёки интервю орқали олинади. Мутахассислар эксперт баҳолашларидан ҳам кенг фойдаланадилар. Маркетинг изланишларида реклама самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил этишга ҳам катта аҳамият берилади.

Маркетинг изланишларида турли хил усуллардан фойдаланилади. Булар қаторига:

- миқдорий баҳолаш;
- баланс;
- корреляцион-регрессион;
- имитация усуллари киради.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Маркетинг моҳиятини таърифланг.
2. Маркетинг изланиши нима?
3. Маркетингнинг вазифаси нималардан иборат?
4. Маркетинг мухит ва уни ўрганишда статистиканинг роли қандай?
5. Маркетинг изланишларининг қандай асосий тамойиллари мавжуд?
6. Маркетинг изланишда қандай маълумот тўплаш усулидан фойдаланилади?
7. Бозорни сегментлаштириш нима ва унинг тамойиллари?
8. Бозорни сегментлаштиришда статистиканинг қандай роли бор?

### Асосий адабиётлар

1. Бешелов С.Д., Гурвич Ф.Г. Экспертные оценка. -М.: Наука, 1973.
2. Котлер Ф. Основы маркетинга. Пер. с анг. М.: Прогресс, 1991.
3. Майоров С., Поляков Л. Маркетинг в статистике. Вестник статистики, 1989, №12.

## БАҲО СТАТИСТИКАСИ

### 4.1. Баҳо ва инфляция моҳияти ва тушунчаси

Бозор муносабатига ўтиш шароитда, бозор шароитида иштирок этувчи категориялар, яни талаб ва таклиф, товарайланма, товар захиралари ва бошқа категорияларни баҳодан ажратган ҳолда ўрганиш мумкин эмас. Шунинг учун улар баҳо статистикасининг вазифасида ўз моҳиятини топади.

Баҳо ўзгариши ижтимоий-иктисодий ва сиёсий натижаларга сабаб бўлади, ўз навбатида, сиёсатнинг олиб борилиши баҳо ўзгаришига таъсир кўрсатади. Баҳо ўзгармас ҳолатда узоқ даврда сақланиб қолиши ёки доимий ўзгариб туриши ахоли турмуш даражасига жуда жиддий таъсир кўрсатади. Баҳо ошиб кетиши ёки камайиши ишлаб чиқарувчи фойдасини ўзгартиради, фойданинг қилинган сарф-харажатларга нисбатан баланд ёки паст бўлишини таъминлайди. Баҳо ёрдамида қўшимча қиймат пул шаклига кириб, фойдага айланади. Кўпроқ фойда олишига интилиш, қилинаётган харажатларни камайтириши йўлларини излашга чорлайди.

Баҳо товар бирлиги учун тўланадиган пул миқдори бўлиб, товарни пулга айирбошлиш эквивалентидир. Баҳо шаклланиши ўз ичига товар ёки хизмат кўрсатишда ижтимоий меҳнат қийматининг пул шаклидаги асоси хисобланади. Шу билан бир қаторда бозор муносабатида баҳонинг ўзгаришига талаб ва таклиф ҳам катта таъсир кўрсатади. Муайян товарга талаб қанча юқори бўлиб таклиф кам бўлса, бундай омил баҳонинг сунъий ошишига олиб келади ва аксинча, баҳонинг ижтимоий меҳнат харажатлари даражасигача пасайишига олиб келади. Албатта, баҳо ўзгаришига пулнинг сотиб олиш қобилияти, муомаладаги пул массасининг товар билан таъминланганлиги ўз таъсирини кўрсатади. Булардан ташқари, албатта, товар сифати ва шу қаби омиллар ҳам баҳо ўзгаришига таъсир этади.

Бозорда баҳонинг бажараётган вазифасига икки хил ёндашиш мумкин:

Биринчидан, баҳо талаб ва таклиф орасидаги муносабатни, савдо ва иқтисодий гаров, кредит-молиявий ҳолатни баҳоловчи кўрсаткич тариқасида.

Иккинчидан, баҳо ёрдамида бозор жараёнларини маркетинг йўналтириш, талаб ва таклифга товар захираларининг айланувчанлиги.

Юқоридаги муроҳазалардан келиб чиқадики, баҳо-товарни пулга айрбошлаш ўлчови воситасидир. Баҳо - бозор конъюнктураси, талаб ва таклиф нисбатининг таркибий даражаси омили. Баҳо-фойда олишга бевосита таъсир этиш кўрсаткичи. Баҳо-инкироз жараёнининг асосий қисми, пулни сотиб олиш қобилиятига, аҳоли турмуш даражасига таъсир этувчи кўрсатгичdir.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида турли хил баҳолардан фойдаланилади: улгуржи, чакана, ички, халқаро ва бошқалар. Баҳони ўрганиш қўйилган вазифага биноан қўйидагича таснифланади:

Улгуржи баҳода истеъмол маҳсулотлари ва саноат-техник маҳсулотлар катта миқдорларда ишлаб чиқарувчи томонидан сотилади. Бу олди-сотди қайтадан сотиш мақсадида қилинади.

Чакана баҳода пировард истемолчига сотилади.

Давлат харид баҳоларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчидан олинади.

Хизмат кўрсатиш нархлари ва тарифлари

Транспорт харажатларини акс эттириш усули бўйича

Франко-жўнатиш баҳоси-магистрал транспорт шохоб-часига қадар бўлган харажатларни ўз ичига олади. Бу шохобчадан кейинги йўл харажатларини харидор ўз зиммасига олади. Франко жойигача баҳо, белгиланган жойигача бўлган барча транспорт харажатларини киритади.

Сотиш шакллари бўйича.

Шартнома баҳолари - харидор ва сотувчи ўртасидаги ҳақиқий келишилган баҳо;

Биржа катировкалари - биржалар орқали сотиладиган баҳо. Товар биржа баҳоси биржа катировкаси ва сифатига ва бошқа белгиларга қараб қўшимча тўловлардан ташкил топади;

Ярмака ва кўргазмалар баҳоси кўпинча имтиёзли бўлади;

Аукцион баҳо бошланғич ва сотиш баҳоларига бўлинади.

Аукцион уч кўринишда бўлади:

- ошиб борувчи баҳо, бунда харид унинг обектини энг юқори баҳолаган харидорники бўлади;

- 13 ойлик савдоларда таклиф нархи энг юқори бўлиб, харидор ўзига қулагай бўлган пастроқ баҳони белгилайди.

- муҳрланган конвертларда аризаларни бериш, бунда бошқа харидорлар баҳолари билан тақдослаш имконияти бўлмайди;

Сотиш баҳолари бўйича:

- талаб баҳолари, сотувчининг қайси баҳода товарни сотиб олиши хоҳиши асосидаги баҳодир;

- таклиф баҳолари-товарни сотувчи қайси баҳода сотиши-ни исташ баҳосидир;

- Сотиши баҳоси сотувчи ва харидор ўртасида келишилган ҳақиқий баҳодир.

Тартибга солиши даражаси бўйича:

- қатъий белгиланган баҳо (маъмурӣ бошқариш иқтисодиётидаги асосий баҳо қўринишидир);

- тартибга солинадиган (маълум чегарада ўзгариши мумкин бўлган);

- эркин баҳо (бозор конъюнктурасига боғлиқ баҳо).

Замонда барқарорлик даражаси бўйича:

- қаттиқ (ўзгармас) шартномада белгиланган баҳо бутун шартнома муддатида ўзгармасдир;

- ўзгарувчан, шартномада кўрсатилган баҳо, нарх-наволарнинг ўзгаришига қараб ўзгаради;

- сирғалувчи баҳо, товар баҳоси таъсир этувчи омилларнинг нархи ўзгариши натижасида ўзгариши шартномада қайд этилади;

- кейинчалик белгиланадиган баҳо, шартномада баҳо даражасини аниқлаш принципи ва белгилаш шартлари кўрсатилиб, унда қайси даврга белгиланиши, белгилаш базаси, келишиш муддатлари ва белгилашни амалга ошириш қайд этилади.

Битим тузиши вактида қабул қилинган бошлангич баҳо тариқасида:

- техник ва тижорат шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир маълум буюртма учун маҳсулот етказиб берувчи томонидан асослаб берилган ҳисоб баҳо;

- даврий нашриёт, каталоглар, маълумотномаларда эълон қилинадиган - сўров баҳо;

- прейскурант (нархнома) баҳо. Прейскурантлар, одатда, тайёр буюмлар учун ишлаб чиқарувчи томонидан мижозларга жўнатилади, ишлаб чиқарувчи товар номенклатурасининг барчasi ёки бир қисми бўйича пировард фойдаланувчилар баҳосини ва стабил чегирмаларини акс эттиради.

Юқорида кўриб чиқилганлардан ташқари қўйидаги баҳолар ҳам мавжуд:

- трансферт баҳоси (корхона бўлимлари орасида, хорижий тиллар ва х.к. ўртасидаги айирбошлиш учун);

- дунё баҳолари (бир неча давлатларда сотиладиган товарларнинг шартли ўртacha баҳоси сифатида намоён бўлиб, амалиётда модал баҳодир).

Бошлангич баҳо турли хил устами ёки чегирмалар билан корректировка этилиши мумкин. Бундай корректировкалардан энг кўп тарқалгани қўйидаги ҳолатдаги чегирмалар:

- нақд түловлар учун;
  - фаслий;
  - келишилган миқдоридан құпроқ харид учун;
  - дестрибьютер ва дилерларга;
  - доимий мижозларга;
  - сконто – товар олиш, товарга ҳақ тұлашга нисбатан кейинроқ амалға оширилиши учун;
  - буюртма ва маҳсус синон шартларига;
  - илгари сотиб олинган эскирган моделни қайтарғанлық учун;
  - ишлатилған товарни сотиш;
  - харидорға берилған экспорт чегирмалари;
- Курилиш, силкиниш ва сурилиш жараёнидаги йүқотишлиар, тупроқ миқдорининг ортиқлиги (қуруқ мевалар учун), қуюқ товарларни транспортировка жараёнидаги йүқотишлиар учун (цистернадаги сут), тозаланиши қийин бұлған қолдик учун (асал), намлиги юқориилиги учун чегирмалар ва қуйидаги устамалардир:
- якка буюртма учун;
  - тұлов муддати кечиқтирилиши учун;
  - юқори сифат учун;
  - құшимча хизматлар учун;
  - қадоқлаш, тара учун.

Ривожланған бозор шароитида амалиётда энг күп құлланыладиган баҳо тури әркін баҳолардир. Эркін баҳога таъсир этувчи фаолият маркетинг фаолияти ҳисобланиб, баҳо шаклланышыга талаб, баҳо эластиклиги, харажатлар, рақобатчилар баҳоси ва имкониятлари, қонуний баҳонинг чекланиши ва товарнинг хусусиятлари таъсир күрсатади. Баҳонинг үзгаришига солиқ сиёсати орқали ҳам таъсир этилади. Солиққа тортишнинг самарали йүлларидан, ривожланған давлатларда құшилған қийматта солиқ құлланылади. Солиқнинг бу күриниши харажатларга әмас, балки даромадни рағбатлантиради. Құшимча қиймат солиғи 40 дан ортиқ давлатларда, шу жумладан, Европа иқтисодий ҳамкорлигига киругчи давлатларнинг (ЕИД) үн еттитасида құлланылади.

ЕИД доирасида иккى ставка – нормал ва пасайтирилған ставкалар құлланылади. Құшилған қиймат солиғидан кичік корхоналар ва хайрия фаолиятини олиб борувлы айрим ташкилотлар озод этилади. Имтиёзли құшилған қиймат солиғига, ижтимоий характердаги товарлар ишлаб чиқарувлы ва фанга сармоя киригувчы корхоналар тортилади.

Баҳога иқтисодий таъсир күрсатиши билан бир қаторда маъмурий чоралар тизими ҳам құлланылади. Давлат назорати-

ни қучайтириш мақсадида истеъмолчилар ассоциацияларига субсидиялар берилади. Инқизоз қучайганда назорат янада қаттиқ олиб борилади.

Инфляция - пул ва товар массаси ўртасидаги мувозанат бузилиши оқибатида келиб чиқадиган ва нулнинг қадрсизланиши, нархларнинг умумий даражаси ошишидир.

Мувозанат қўйидаги сабабларга кўра келиб чиқади:

- инфляция талаби – давлат бюджети тақчиллигини қоплайдиган товар билан таъминланмаган нул массасини чиқаришидир; давлат ишлаб чиқариш харажатлари; товарлар тақчиллигини юзага келтирувчи ва ишлаб чиқариш ўсишини ортга қолдирган аҳоли пул даромадларининг ўсиши;

- харажатлар даражасининг ўсиши;

- иш ҳақи ва баҳонинг ўсиши бир-бирига туртки бўлиб, гипер инфляцияга айланади, нормал иқтисодий муносабатлар бузилади, ишлаб чиқарувчи истеъмолчилар турли бойликлар ва кўчмас мулк сотиб олишга сарфлайдилар, бартер ҳисоб-китобларига ўтадилар, чайқовчилик фаолияти кучаяди, жамоатчилик жамғармалари қадрсизланади.

- белгиланган ставка бўйича ҳақ оловчи фуқаролар, омонатчи кредиторлар ва тадбиркорлар зарар қўрадилар, инфляция даврида ютуққа қимматбаҳо товар сотувчилар эга бўлади, чунки улар яшаш қийматига қараганда меҳнат ҳақини ошириш имкониятига эгадирлар.

#### 4.2. Баҳони қайд этиши усуслари

Баҳо қайд этишнинг икки усули мавжуд: биринчиси, преискурант усули бўлиб, ўз номи билан хусусийлаштиришга асосланган, яъни нарх-навони ёппасига кузатиш орқали ҳисоб-китоб қилинади. Бу усулни қўллаш баҳо ўзгармаганда, айниқса, товар ассортименти чекланганда қўл келади ва бу усул илгари баҳо стабил бўлган даврда кенг қўлланилган.

Товар ҳажми ва ассортименти кенгайиши сари ҳисобга олинмаган баҳо ошиши пайдо бўла бошлийди, хатоликлар қўпаяди, булар янги сифатли товар салмоғи балан изоҳланади. Баҳо ошиши инфляция жараёнига таъсир этади.

Бозор муносабатига ўтиш даврида баҳонинг эркинлаштирилиши, баҳо қайд этишнинг халқаро амалётидаги қўлланилдиган танлама кузатиш назарияси ёрдамида амалга оширила бошлианди.

Бозор нархларини ўрганиш тажрибаларидан келиб чиқиб, 1988 – 1989 йиллардан бошлиб давлат статистикаси қўйидаги

тамойиларга асосланган ҳолда баҳони қайд этишни танлама кузатиш тизимиға ўта бошлади:

- турли хил мулкчилик мавжуд ҳолатда қўллаш имконияти чекланган ҳисоб-китобни оммавий ташкил қилиш ва кузатишдан воз кечиш;

- баҳони қайд этишни танлама кузатиш усулида олиб бориш;
- истеъмол ставкасини шакллантириш;
- товар сифати ўзгаришига тўлдиришлар киритиш;
- савдонинг барча шакл ва турларини инобатга олиш.

Танлама мажмуи қўйидагича шаклланади: Биринчи босқичда вақт танлови аниқланади. Ойлик баҳо етарлича ҳисобланади. Заруриятга қараб, айрим товар бўйича ҳар қуни, ҳафтада ҳам қайд этилиши мумкин. Кейинги босқичда барча товарлардан баҳо қайд этилиши учун танлама тўплам ажратилади. Танлама тўплам натижалари барча тўплам учун репрезентатив бўлиши таъминланиши зарур. Бу тўпламга оммавий истеъмол талаби товарлари ва хизматлари билан бир қаторда кенг истеъмол талабини қондирмайдиган айрим товар ва хизматлар ҳам (зебу зийнатлар) сотувда динамикада мавжуд бўлган, аҳоли истеъмолида муҳим ўрин эгаллаган товар турлари танлама тўпламга киритилади.

Истеъмол бозорининг товарлар ва хизматлар билан таъминланиши маконда турли хил бўлганлиги учун баҳони қайд этиш учун товар ва хизматлар тўпламини умумдавлат тўплимидан келиб чиқсан ҳолда шакллантириш хуқуки берилган.

Давлатимизда шундай тўпламга 300 хил товар ва хизматлар киритилиб, улардан 151 таси ноозик-овқат товарлари, 94таси озиқ-овқат товарлари ва 55таси хизмат турлариdir. Масалан, ҳар ҳафтада 14 хил асосий озиқ-овқат товарлари бўйича баҳо қайд этилади. Олдинги ойнинг 21 – қунидан бошлаб жорий ойнинг 20 – қунигача ҳар ҳафтада қайд қилинган баҳолардан ўртача ойлиги ҳисобланади:

- буғдой уни;
- олий навли ундан ишлаб чиқарилган буғдой нон;
- биринчи навли ундан ишлаб чиқарилган буғдой нон;
- гуруч;
- мол гүшти;
- қўй гүшти;
- сут;
- тухум;
- ҳайвон ёғи;
- ўсимлик ёғи;
- пиёз;

- сабзи;
- картошка;
- шакар.

Учинчи босқичда қайд этиладиган баҳо турлари түрт хил бўлади:

- модель;
- ўртача оддий арифметик;
- тортилган арифметик;
- тасодифий танланган баҳо.

Товар сотилишида энг кўп учрайдиган баҳо, модель баҳо, дейилади. Масалан, бутунги кунда бозорда сотилаётган картошка баҳоси 130 дан 250 сўмгача, лекин энг кўп учрайдиган баҳо 180 сўм. Кейинги босқичда танлама қузатиш маҳоми аниқла-нади. Бунда қўйидаги ҳолатлар бўлиши мумкин:

- типик танлаш. Бунда турли хил катта ва кичик шаҳарлар, қишлоқлар ва ҳ.к. бўйича мутаносиб равишда танлаш ўтказилади;
- уяли танлаш;
- аҳоли истиқомат қиласидиган интервал гурухлаш ёрдами-да аниқлаш.

Бозор шароитида корхоналар ўзи маркетинг фаолиятини олиб бориш учун статистик маълумотлар тўплайдилар. Лекин умумий бозорда бўлаётган баҳо бўйича маълумотни давлат ста-тистикаси тўпланиши мумкин.

Солиқ ташкилотларини молиявий ва текширув маълумот-лари ҳам баҳони ўрганишга ёрдам беради.

#### 4.3. Ўртача баҳо даражаси ва таркибини ҳисоблаш усуллари

Баҳо таҳлили статистик ва динамик ўрганилади. Статик баҳо таҳлили баҳо даражаси ва таркибини ифодалайди. Баҳо даражаси муайян макон ва замонда айрим ёки бир хил истеъ-мол қийматига эга бўлган товарлар йиғиндиси бўйича баҳо ҳо-латини ифодалайди.

Айрим товар бирлиги учун тўпланадиган пул миқдори ин-дивидуал баҳодир. Макон ва замонда тебранувчи, бир хил то-варлар бўйича умумлаштирувчи таърифни ўртача баҳо беради.

Ўртача баҳони ҳисоблаш мавжуд кўрсаткичларга боғлиқ бўлиб, қўйидаги усулларда ҳисобланади:

Агар сотилаган товарнинг натурал ёки қиймат ҳажми маълум бўлса, ўртача арифметик усулдан:

$$\bar{p} = \frac{\sum qp}{\sum q}$$

ёки ўртача геометрик усулдан фойдаланилади:

$$p = \frac{\sum qp}{\sum p}$$

Бу ерда:  $p$ - айрим товарлар баҳоси  $q$ - физик ҳажми.

Маконда ўртача баҳони ҳисоблашда вазн сифатида физик ҳажм ўрнига аҳоли сони ёки сонидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Уртача баҳони ҳисоблашда агарда маълумотлар етарли бўлмаса, янги ва эски баҳода савдо қилиш кунларидан ҳам вазн сифатида фойдаланиш мумкин. Масалан, август ойининг 20-сидан олма баҳоси 5% ошиб, 120 сўмни ташкил этган. Шу ойининг 27-кунида 150 сўм бўлган бўлса, август ойида олма баҳоси ўртacha:

$$p = \frac{31}{\frac{10}{+} \frac{7}{+} \frac{5}{+}} = \frac{31}{0.258} = 120.2$$

114.3 120 150

Уртача баҳони таърифлаш мақсадида мода ва медианадан ҳам фойдаланилади. Мода-энг кўн учрайдиган баҳо.

Баҳо даражасини таърифлаш учун пўл даромадларини сотиб олиш қобилиятини ифодаловчи нисбий қўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Бунинг учун баҳони аҳоли даромадларига нисбатида фойдаланилади. Масалан, ўтган асрнинг 80-йилларда доцентларнинг ўртача маоши 320 сўм бўлиб, унга битта «Минск» музлатгичини олиш мумкин эди. Ҳозир эса бу ойлик 36000 сўм бўлиб шундай музлатгич олиш доцент учун б ой ишлами керак.

Статистика баҳо даражасини ўрганишда баҳонинг ташкил этилиш хусусиятларини ҳам ўрганиши лозим. Баҳони ташкил этиш омиллари орасидаги тенглик бозор қонуниятларига, бозор конъюнктурасига боғлиқ.

#### 4.4. Баҳо динамикасини ўрганиш

Баҳо динамикаси индекс усули ёрдамида ўрганилади. Айрим товар турлари бўйича баҳо ўзгариши индивидуал индекс ёрдамида ҳисобланади:

$$i_p = \frac{p_1}{p_0}$$

Бу ерда:  $p_1$  ва  $p_0$ - базис ва жорий даврдаги баҳо.

Маконда баҳонинг бир хил ёки бир турдаги товарлар ўзгаришини ўрганиш мақсадида ўртача баҳо индексидан фойдаланилади.

$$i_p = \frac{\bar{P_1}}{\bar{P_0}} = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1} : \frac{\sum q_0 p_0}{\sum q_0}$$

Үртача баҳо индекси ўзгарувчан таркибли индекс бўлиб, унга икки омил таъсир кўрсатади. Биринчидан, индивидуал баҳо ўзгариши, иккинчиси арzon баҳода сотилган товар солиги ўзгариши. Масалан, колхоз бозорида сотувчилар томонидан сотилган картошқа ва унинг баҳоси хақида қўйидаги маълумотлар берилган:

№	Сотилган товар миқдори(тонна)		Сотилган товар бирлиги баҳоси(сум)	
	Сентябр	Октябр	Сентябр	октябр
1	q <sub>0</sub>	q <sub>1</sub>	p <sub>0</sub>	p <sub>1</sub>
2	24	30	150	140
3	38	35	180	170
3	48	45	160	150
Жами	110	110		

$$1) i_p = \frac{p_1}{p_0} = \frac{140}{150} = 0,933 \cdot 100 = 93,3\%$$

$$2) i_p = \frac{p_1}{p_0} = \frac{170}{180} = 0,944 \cdot 100 = 94,4\%$$

$$3) i_p = \frac{p_1}{p_0} = \frac{150}{160} = 0,938 \cdot 100 = 93,8\%$$

$$I_p = \frac{\bar{P_1}}{\bar{P_0}} = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1} : \frac{\sum q_0 p_0}{\sum q_0} = 153,6 \text{ сўм} : 164,7 \text{ сўм} = 0,9326 \cdot 100 = 93,26\%$$

Демак, ўртача баҳо сентябр ойида 164,7 сўм бўлган, октябр ойида 153,6 сўм бўлиб, баҳо индекси 93,26% ни ташкил қилган, бошқача қилиб айтганда 6,74% га камайган.

Бу ўзгарувчан таркибли индексга ҳар бир омилнинг таъсирини ўрганиш ёрдамида, талаби юқори бўлган арzon, харидор-боп товар сотувдан чиқарилишини ўрганиш мумкин. Бунинг учун ўзгарувчан таркибли индекс ва таркиб ўзгариши таъсири индексига бўлиб ўрганилади.

Доимий таркибли индекс:

$$\bar{I}_p = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1} : \frac{\sum q_0 p_0}{\sum q_0} = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_0}$$

Таркиб силжин индекси:

$$\bar{i}_{p(dq)} = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_1} : \frac{\sum q_0 p_0}{\sum q_0} = \frac{\sum P_{odq1}}{\sum dq_1} : \frac{\sum podq_0}{\sum podq_0} = \frac{\sum podq_1}{\sum podq_0}$$

Бу ерда, ўртача арифметик ҳусусиятларига биноан (яъни агарда тақоррланиш сони бир хил доимий миқдорга кўпайтирилса ёки бўлинса) ўртача миқдор ўзгармайди. Маҳсулот миқдори унинг салмоғи билан алмаштирилса ва таркибий нисбий миқдорларни салмоғи йиғиндиси доимо бирга тенг эканини (яъни  $\sum d_o = \sum d_1 = 1$ ) инобатга олсак, юқоридаги кўринишга келади.

Юқоридаги масаламизда доимий таркибли индекс:

$$\bar{I}_p = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_0} = \frac{30 \times 140 + 35 \times 170 + 45 \times 150}{30 \times 150 + 35 \times 180 + 45 \times 160} = \frac{16900}{18000} = 0.9389 \times 100 = 93.89\%$$

Хар бир сотувчининг сотилаган товарининг баҳоси ўзгариши ўртача баҳо 6,11% пасайинига олиб келган ва бу пасайиш натижасида харидорлар Э =  $\sum q_1 p_1 - \sum q_0 p_0 = 16900 - 18000 = 1100$  сўм тежашган. Таркиб силжиши индекси:

$$\bar{I}_p = \frac{\sum q_1 p_o}{\sum q_0} : \frac{\sum q_o p_o}{\sum q_o} = \frac{18000}{110} : \frac{18120}{110} = 0.9933 \times 100 = 99.33\%$$

энг арzon сотилган (150сўм, 140сўм) картошка миқдори салмоғининг ошиши (21,8%, 27,2%) ўртача баҳони 0,67%га пасайтирган.

Доимий ва таркиб силжиши индекслари ўзгарувчан таркибли индексни ҳосилавий индекслари бўлганликлари сабабли уларнинг орасида тўғри боғланиш мавжуд. Яъни:

$$\bar{I}_p = \bar{I}_p \times I_{p(dq)}$$

$$\frac{\sum p_1 q_1}{\sum q_1} : \frac{\sum p_0 q_0}{\sum q_0} = \left( \frac{\sum p_1 q_1}{\sum q_1} : \frac{\sum p_0 q_1}{\sum q_1} \right) \times \left( \frac{\sum p_0 q_1}{\sum q_1} : \frac{\sum p_0 q_0}{\sum q_0} \right)$$

уларга қўйидаги ўзгариш киритилса:

$$\frac{\sum p_1 q_1}{\sum q_1} : \frac{\sum p_0 q_0}{\sum q_0} = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_0} \cdot \frac{\sum q_1}{\sum q_0} = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_0 \times \sum q_1} = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_1}$$

юқоридаги формула қўйидаги кўринишга келади:

$$\frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_1} = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_1 q_1} \times \frac{\sum p_0 q_1}{\sum p_0 q_1}$$

Мисолимизда  $\bar{I}_p = \bar{I}_p \times I_{p(dq)}$

$$0,9326 = 0,934 \times 0,9933 .$$

Турли хил маҳсулотлар йигиндиси бўйича баҳонинг ўзгариши агрегат индекс, яъни доимий таркибли индекс ёрдамида ўрганилади.

Айрим товарлар бўйича индивидуал индекслар тузишда  $i = \frac{p_1}{p_0}$  яъни ҳисобот даври баҳоси бўйича таққосланади. Бу индексларни турли товарлар бўйича тузишда ўртача баҳони ҳисоблаш маъноси бўлинмайди. Шунинг учун турли хилдаги товарлар баҳоси йигиндисини олиш учун уларни қўшишга ёрдам берувчи кўрсаткич қўлланилади (сифат белгиси учун, яъни баҳо учун миқдорий белги), лекин бу кўрсаткич таъсири баҳо индексига таъсир этмаслик учун ўзгармас ҳолда олинади.

$$I_p = \frac{\sum q_0 p_1}{\sum q_0 p_0}$$

Бу ерда: миқдорий белги  $q$  базис даврда олиниб, унинг ўзгариши баҳо индексига таъсир этмайди, лекин баҳоларни қўшиш маънога эга бўлмаганлиги сабабли баҳонинг миқдорга кўпайтмаси  $p_0$  - қийматни ифодалаб, уларнинг йигиндиси маънога эгадир. Бу юқоридаги индекс Лайспейрес индексидир. Шу индекснинг қўйидаги кўриниши:

$$I_p = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_1 p_1}$$

Пааше индекси бўлиб, бу ерда миқдорий белги ҳисобот даврида белгиланган.

Лайспейрес индекси истеъмол даражаси ўзгармас ҳолда қолса, қай даражада истеъмол харажати ҳисобот даврида базис даврга нисбатан ўзгаришини ифодалаб, истеъмол баҳо индексини ҳисоблашда кенг қўлланилади.

Пааше индекси эса товарлар харид этишга ҳақиқий хаяжатлар миқдори шу товарни харид этишга баҳо ўзгармаганда қанча харажат қилинишидан фарқланишини кўрсатиб, ҳисобот даврида товарлар бўйича ўрганилади ва дефлятор тариқасида қўлланилади.

Ласпейрес индекси учун ўртача арифметик баҳо индекси:

$$I_{p(n)} = \frac{\sum i_p q_0 p_0}{\sum q_0 p_0}$$

Пааше индекси учун ўртача гармоник индекс:

$$I_{p(n)} = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum \frac{1}{i_p} q_1 p_1}$$

Бу индексларни ҳисоблашда күпинча айрим маҳсулотлар миқдори ва баҳоси бүйича маълумотлар тұлғаш қиынчилік туғыздырылғанда үшінші деңгелде үзгартылады. Бу индексларга құшымчы ишлов беріб, үртаса арифметик ва үртаса гармоник усуллар қорынынша қеңтириледі.

Бу индекслар турли товарлар таркиби бүйича ҳисобланғани үшін улар орасыда тенглик бўлмайди. Бу тенглик фақат бир ҳолатда, яъни ҳисобот ва базис даврларда харид қилинган товарлар миқдори үзгармас бўлса бўлади.

Йўқала давр товарлар миқдорини үртаса салмоқ тариқасида баҳо индексини ҳисоблашни Эжурт Маршал таклиф этган.

$$I_p = \frac{\sum p_i \left( \frac{q_i + q_0}{2} \right)}{\sum p_0 \left( \frac{q_i + q_0}{2} \right)}$$

Бу усул камчилигини на базис, на жорий давр товарайланмаси акс эттирмайди, у нормалдир.

Яна бир иқтисодчи қуйидаги "идеал" Фишер индексини таклиф этган.

$$I_p = \sqrt{I_{p(n)} \times I_{p(g)}}$$

#### 4.5. Инқироз даражаси ва динамикасини баҳолаш

Давлат иқтисодиёти ривожланишига инқироз даражаси ёрдамида ҳам таъриф бериш мүмкін. Ривожланған давлатларда инқироз даражаси паст бўлиб, баҳо деярли нисбатан кам үзгариади. Лекин баҳо даражасининг ўсиши ва инқироз даражасининг ўсиши тушунчалари бир хил эмас, чунки юқори сифатли товар ва хизматларнинг истеъмоли салмоғи ошиши үртаса баҳо ўсишига ҳам таъсир кўрсатади.

Жаҳон амалиётида инқироз даражасини ўрганиш үшін иккى кўрсаткичдан фойдаланилади. Биринчиси, истеъмол бозоридаги инқироз даражасининг истеъмол баҳо индекси:

$$I_{p(k)} = \frac{\sum q_0 p_1}{\sum q_0 p_0} = \frac{\sum i_p q_0 p_0}{\sum q_0 p_0}$$

Иккинчиси, ялпи ички маҳсулот дефлятори, бу кўрсаткич ўз ичига ахоли истеъмол товарлари баҳоси үзгаришидан ташқари, яъни давлат әхтиёжида ишлатиладиган инвестиция экспорт, импортни товар ва хизматлар баҳоси үзгаришини, чунончи, барча ноз-неъматлар ва хизмат баҳолари үзгаришини ўз ичига олади. Ялпи ички маҳсулот дефлятори (ЯИМД) Пааше баҳо индекси ёрдамида ҳисобланади:

$$I = \frac{\text{номинал яялп ички маҳсулот}}{\text{реал яялп ички маҳсулот}} = \frac{\sum q_i p_i}{\sum q_i p_0}$$

Бу кўрсаткични ҳисоблашда аввал ялпи ички маҳсулот, баҳо ёки физик ҳажм индекси ёрдамида олдинги йил баҳосига пировард истеъмол усули ёрдамида қайта баҳоланиб, кейин Пааше усули бўйича занжирсимон индексларнинг кўпайтмаси ёрдамида базисли (керак бўлган йилга нисбатан) чиқилади.

Инқироз динамикасини баҳоловчи асосий кўрсаткич, инқироз нормаси ҳисобланади:

$$N = \frac{I_t - I_{t-1}}{I_t}$$

$I_t; I_{t-1}$  - т даврда ва ундан олдинги даврдаги баҳо индекси. Бу кўрсаткич т даврда инқироз даражаси неча фоизга ўзгаришини ифодалайди.

Бирдан тўқиз фоизгача инфляция даражаси - судралувчи инфляция даражаси, 10% -99% гача инфляция даражаси - югурувчи инқироз, дейилади.

Иқтисодиётнинг айрим секторлар бўйича инқироз даражасини ўрганиш мақсадида пул бирлигини сотиб олиш қобилияти индексидан ҳам фойдаланади. Бу кўрсаткич баҳо ўзгаришига тескари боғлиқ бўлиб, баҳо пасайиши пул бирлигининг сотиб олиш қобилияти ўсишини ифодалайди.

Жорий даврда бошлангич даврдагига нисбатан инқирознинг ўсиш суръати қуйидаги усулда ҳисобланади:

1.  $T_{\text{инқироз}} = (\text{бошлангич сўмни сотиб олиш қобилияти} - 1) \times 100$
2.  $T_{\text{инқироз}} = (1 - \text{бошлангич сўмни сотиб олиш қобилияти}) \times 100 / (\text{жорий сўмни сотиб олиш қобилияти})$

Инқироз пул массаси товар билан таъминланмаганлиги асосчиси ҳисобланади. Муомаладаги пул ва унинг айланиш тезлиги пул массасига таъсир кўрсатади. Пулнинг айланиш тезлиги сустлашиши, пул массасининг нисбий ўсиши назарий жихатдан инқирозга олиб келмайди. Лекин амалиётда товар билан таъминланмаган харидорнинг пули кўпайиши уни тезроқ ишлатишга, бу эса пулнинг айланиш тезлигига олиб келиб, инқирозни кучайтиради.

Демак, агар пул массаси инқирозга олиб келувчи биринчи омил бўлса, иккинчи омил товар массаси, унинг физик ҳажми ва баҳоси ҳисобланади. Одатда, товар массаси ва пул массаси мувозанатга интилиши, товар массасининг ўртacha баҳоси, товарнинг

физик ҳажми мұомаладаги пул массаси айланиш тезлиги ёрдамида аниқланады. Буни қуйидеги масала ёрдамида күриб чиқамиз:

Пул массасининг динамикаси қуйидагича:

Бирламчи мағлұмоттар, млрд. сұм	Бошланғич давр	Жорий давр	Үсінш суръати
Пул массасы:			
Давр бошида	47,25	77,05	1,63
Давр охирда	77,05	566,4	7,35
Үргача	62,15	321,7	5,177
ЯИМ			
Жорий бахода	91,1	1145	12,6
Доимий бошланғич давр баҳосида	91,0	75	0,824

Бу ерда: ЯИМ дефлятори= $1145/75=15,37$ ;

Инқироз  $(15,27-1) \cdot 100 = 1427\%$ ;

Пул массасининг айланиш соңынан ЯИМ: үргача пул массаси;  
Бошланғич давр= $91,1 : 62,15 = 1,466$ ;

Жорий давр= $1145 : 321,7 = 3,56$ ;

Айланиш тезлиги  $= 3,56 : 1,466 = 2,428$ .

ЯИМ дефляторини пул массасининг үзгариши, пул айланиш тезлиги ва ЯИМ физик ҳажми ёрдамида ҳам ҳисоблаш мүмкін.

Демек, инқироз умумий даражаси пул массаси ва пул айланиш тезлигига тұғри бөглиқликда ва доимий баҳодаги товар массасыга тескәри бөглиқлик дадир. Пул массаси - жамғарма ва барча тұловчилар бадаллари олинган ҳолдаги барча даромадлардир.

Товар массаси ақолини товар ва хизматлар харидига киlgan харажатлари, яъни ЯИМдир.

## Қичқача хulosалар

Бозор муносабати шароитида баҳо статистикаси асосий иқтисодий категорияларга кириб, аҳоли турмуш даражасини, молиявий ҳолатини, бозор конъюнктурасини таърифлаш имконини беради.

Баҳо статистикасининг асосий вазифаси - баҳо ҳолатини баҳолаш, даражасини аниқлаш, ўзгарувчанлиги, динамикасини ўрганиш ва ўз кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни такомиллаштиришdir.

Баҳо ҳолатини қайд қилишда ҳозирги бозор муносабати шароитида танланма қузатиш мухим ўрин эгаллади. Бунда танланма тўплам макон ва замонда аниқланиб, асосий бўлган истеъмол қийматлари ҳақида маълумот тўпланади.

Баҳо даражаси ва таркибини ўрганишда маҳсулот таркиби ва сифати ўзгаришлари, уларнинг баҳо ўзгаришига таъсири;

Баҳо ўзгаришини ўрганишда эса индекс усулига алоҳида эътибор берилиб, турли хил баҳо индексини хисоблаш усуллари, улардан фойдаланишнинг иқтисодий аҳамияти ёритилган. Йиқироз жараёни ва уни ўрганишда қўлланиладиган усуллар баён этилган.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Баҳонинг бозорда тутган ўрни ва моҳияти қандай?
2. Баҳо статистикасининг асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Баҳо статистикаси усуллари нималардан иборат?
4. Баҳо статистикасида боҳа тизимидан фойдаланиш зарурияти нимада?
5. Баҳо таснифи нима?
6. Ўртacha баҳони аниқлашнинг қандай усуллари мавжуд?
7. Баҳо динамикаси қандай ўрганилади?
8. Инқироз ҳақида тушунча ва унинг келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат?

## **Асосий адабиётлар**

1. Аллен Р. Экономические индексы. Пер. с анг. -М.: Статистика, 1980.
2. Под. ред. И.К. Беляевского. Статистика рынка товаров и услуг. -М.: Финансы и статистика. 1995.

## ТОВАР ҲАРАКАТИ СТАТИСТИКАСИ

### 5.1. Товар ҳаракати ҳақида тушунча

Бозор жараёниниг обьекти бўлиб товар ҳисобланади. Бозор моҳияти товар сотиш ва сотиб олишдир.

Сотиш учун мўлжалланган, истеъмол қийматига эга бўлган неъмат ёки хизмат товар, дейилади. Бозор жараёнида товар олди - сотди орқали пулга алмашилади. Бу олди-сотди, сотувчи билан пировард истеъмолчи ёки сотувчи билан савдо даллоллари орасида бўлиши мумкин. Олди-сотди жараёнида товарга эгалик қилиш хуқуқи ўзгариб, товарни пулга алмасиши амалга ошиши мумкин:

- алмасиши вакти тўғри келиши (пулинни тўлаб товарни олиш);
- пули олдиндан тўланиб, товар кейинчалик олиниши (газетага обуна бўлиш);
- товарни олиб, кейинчалик пулинни тўлаш (кредитга товар олиш).

Олди -сотди натижасида товар маконда ҳаракатда бўлиши мумкин:

- географик жойини ўзгартириши (товарни харид қилиб, эгаси олиб олиб кетиши);
- географик жойини ўзгартирмасдан, эгалик хуқуқини ўзгартириш (кучмас мулк хариди).

Эгалик хуқуқини ўзгартирмасдан, товарнинг географик жойи ўзгартирилиши мумкин (масалан, товар омбордан бошқа омборга ташилиши).

Товарнинг физик ҳаракати иқтисодий ҳаракат билан биргаликда бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқариш доирасида ————— м uomала доирасига;
- м uomала доирасида ————— истеъмол доирасига.

Товар ҳудудий ҳаракати, яъни физик ҳаракати натижасида манзилини ўзгартиради.

Иқтисодий товар ҳаракати натижасида товарга бўлган эгалик хуқуқи ўзгаради.

Товар ҳаракати ўз қамровига ҳам физик, ҳам иқтисодий ҳаракатни олади.

Товар пировард истеъмолга етиб боргунча, бир нечта босқичлардан ўтиши, бир неча бор сотилиши мумкин. Буни қўйидагича гурухлаш мумкин:

- |                 |       |            |
|-----------------|-------|------------|
| ишлаб чиқарувчи | ————— | истеъмолчи |
| ишлаб чиқарувчи | ————— | воситачи   |
| воситачи        | ————— | воситачи   |

воситачи

истеъмолчи

Биринчи гурух товар ҳаракати қўпинча тез ўз сифатини, истеъмол қийматини йўқотувчи товарлар бўйича олди-сотдига киритилади ( сут ва сут маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотлари ва ҳ.к ). Колган товар ҳаракати гурухлари воситачилар ёрдамида истеъмолга етказилади.

Воситачи товарни қайтадан сотиш мақсадида олди-сотдида иштирок этади. Воситачи физик ёки юридик (фирма) шахс бўлиши мумкин.

Воситачилар қўйидагича гурухланади:

- дистрибутер – йирик улгуржи корхоналари бўлиб, улар ўз омборларига, олди-сотди жараёнида эгалик хукуқига эга бўладилар (олди- сотдининг иккинчи гурухига киритилади);

- дилерлар чакана ёки улгуржи чакана фаолияти билан шуғулланувчилар бўлиб, улар ҳам товарга эгалик хукуқига эга бўладилар, ўз омборлари мавжуд, қўпинча юқоридаги учинчи, тўртинчи олди-сотди гурухларига киритилади.

- джобтерлар – юқоридаги воситачиларга нисбатан кичик фирмалар, ўз омбори йўқлиги сабабли, товарга нисбатан эгалик хукуқига эга бўлиб, товарни қайтадан тезроқ сотишга ҳаракат киласилар (3- гурух).

Товар ҳаракати жараёнида даллоллар ҳам иштирок этиши мумкин. Улар товарга эгалик хукуқига эга эмас, сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида даллоллик қилиб, хизмати эвазига улуш олади. Буларга: маклер, брокер, агент, комиссиянерлар киради.

Товарнинг иқтисодий ҳаракати натижасида товарайланма олди-сотди жараёни амалга оширилади. Бу жараёнда товарга бўлган эгалик хукуқи ўзгаради.

Товарайланма фақат олди-сотди жараёнида содир бўлади. Ҳадя этиш пулсиз товарни бериш жараёнида, яъни товарни пулга алмасиши бўлмаса, товарайланма содир бўлмайди.

Юқорида кўриб чиқилганидек, олди-сотди жараёни фурсати бўйича фарқланади. Шунинг учун товарайланма содир бўлди деб, ҳаки олдин ёки кейин тўланишига қарамасдан товарни ҳаридорга берилиши тушунилади,. Масалан, кредитга товар олинди (50·50). Ҳали ҳаридор унинг келишилган ҳақидан 50% ини тўламасдан товарни олиб кетган фурсатда товарайланма содир бўлган ҳисобланади.

## 5.2. Товарайланма кўрсаткичлари тизими

Товар ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткич пофона кўрсаткичидир. Бу кўрсаткични ҳисоблашда товарайланма кўрсаткичи-

дан фойдаланилди. Товарайланмага икки хил нуқтаи назардан қарап мумкин. Биринчидан, товарайланма савдо ташкилотининг ҳажми, унинг фаолият самарадорлиги ҳақида дарак беради, яъни товарайланмаси микдори катта бўлган савдо шохобчаси йирик савдо ташкилотига киради. Иккинчидан, истеъмолчиларнинг пул харажатини ифодалаб, товар истеъмолини баҳолайди.

Товарайланма натурал ва қиймат ўлчов бириликларида ифодаланиб,  $Q=qr$ , айрим товарлар олди - сотдилар йигиндишидан ташкил топади. Товарайланмани кичик савдо шохобчасидан тортиб то бутун давлат товарайланмасигача ҳисоблаш мумкин.

Товарайланмани турли хил йўналишда ўрганиш мумкин. Масалан, айрим товарлар бўйича, айрим худудлар, шаҳарлар, вилоятлар бўйича ва ҳ.к.

Товарайланмани ишлаб чиқариш воситалари:

- истеъмол буюмлари товарайланмаси, хизмат ҳажми бўйича ҳам ўрганилади.

Товар ҳаракати жараёнини ўрганишда товарайланма қўйидагиларга бўлинади:

- улгуржи товарайланма - бу қайтадан сотиш мақсадида, катта партиялар билан олди-сотди натижасидир. Бунга товар ҳаракатининг ишлаб чиқарувчи воситачи

воситачи воситачи

олди - сотдилар киритилади;

Ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари улгуржи савдоси, одатда, поставка деб юритилади, истеъмолчига харидор топшириши отгрузка дейилади, улгуржи истеъмолчига ёки битта, одатда, чакана воситачи ёрдамида товар улгуржи савдони транзит дейилади.

- чакана товарайланма - пировард истеъмолчига олди - сотди жараёнидир. Чакана товарайланма қўйидагича ўрганилади: корхоналар товарайланмаси, умумий овқатланиш товарайланмаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан шаҳар бозорлари товарайланмаси, алоқа товарайланмаси ва ҳ.к.

- ялпи товарайланма - бу барча олди-сотдилар йигиндишидир: ялпи товарайланма, агар баҳо ўзгаришлари, йўқотишлар таъсир этмаса - сотилган маҳсулот ҳажми ( $Q$ ) ва сотиш поғоналари сонига боғлиқдир. Реал сотилган товар ҳажмини ифодалайди, олди-сотди поғоналари қанча кўп бўлса, ялпи товарайланма ҳам кўпаяди.

- соғ товарайланмага муомала доирасидан чиқиб кетган олди-сотдилар киритилади. Товарайланмани ўрганишда алоҳида эътиборни хизмат кўрсатишга қаратиш лозим; майший, уй-коммунал хўжалиги, транспорт ва алоқа, тиббий ва ҳ.к.

Шуни айтиш лозимки, товар ишлаб чиқарувчидан то пи-ровард истеъмолчига етиб боргунча бир неча бор олди-сотди пофоналаридан ўтади. Буни баҳолаш учун пофоналар кўрсаткичи ҳисобланади:

$$K_{\text{нор}} = \frac{\text{ялпи товарайла нма}}{\text{соф товарайла нма}};$$

Бу кўрсаткич қанча кам бўлса, товар тезроқ истеъмолчига етиб боради.

Бу кўрсаткични ҳисоблашда, шуни инобатга олиш мумкинки, муомала доирасига тушган барча товарлар қанча бўлса, шунчалигича пировард истеъмолчига, одатда, тўла етиб бормайди. Бунга сабаб, турли хил йўқотишлардир. Бу йўқотишларни ҳисобга олиш мақсадида товар захиралари ўзгаришига корректировка қилинади.

Товар захирасининг ўзгариши қўйидагича ҳисобланади.

$$\Delta Z = Z_0 - Z_6$$

Бу ерда:  $Z_0$  ва  $Z_6$  давр боши ва охиридаги товар захиралариридир.

Товар захиралари ҳақидаги ўзгаришини баланс ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин.

$$Z_6 + K = P + Z_0$$

Бу ерда:  $K$  - келиб тушган товар захиралари;

$P$  - реализация, сотилган товарлар.

Товар захирасининг ўсишига муомала доирасига келиб тушган товарлар тўла сотилмасдан уларнинг муайян қисми ҳали муомала доирасида, омборда бўлиши сабабдир. Товар захираларининг камайишига захирадаги товарлар сотилганлиги таъсир этиши мумкин.

Демак, пофона сони кўрсаткичини ҳисоблашда товар захираларининг айнан шу ўзгаришини инобатга олиш лозим:

$$K_{\text{нор}} = \frac{O_{\text{ялпи}} + / - \Delta Z}{O_{\text{соф}} + / - \Delta Z} .$$

Товар захиралари ошишида сурати ва маҳражи захираларининг қўшимча ўсиш микдорига кўпайтирилади ( $K$ ), товар захиралари камайганда суратини ва маҳражини шу товар захирасининг камайиши микдорига камайтириш (-) лозим.

Истеъмол талаби ва бозор жараёнларининг ижтимоий са-марадорлик кўрсаткичи тариқасида аҳоли жон бошига товарайланма кўрсаткичи ҳисобланади. Бу кўрсаткич, одатда, йиллик

товарайланма ҳажмини ўртача йиллик аҳоли сонига бўлиш йўли билан аниқланади. Уни бутун чакана товарайланма бўйича ёки аҳолига хизматлар ва аҳолига маҳсулот тури бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин.

Алоҳида оилавий истеъмол товарлари бўйича товарнинг оиласа нисбатан сотилишини ҳам ўрганиш мумкин (холодильник, телевизор ...)

### 5.3. Товарайланма динамикасини ўрганиш

Товар олди-сотдиси маконда ва замонда ўрганилади. Товарни пулга алмашиш жараёни узлуксиз бўлганлиги билан у айrim вақт чегараларида (оилик, йиллик...) аниқланади. Товарайланма динамикаси аҳоли турмуш даражаси ҳолатидан далолат беради. Товарайланма динамикасига икки хил ёндашиш мумкин:

биринчидан, истеъмол талаблари асосий қонуниятларини акс эттираса;

иккинчи томондан, ялпи даромад, фойда олиш потенциал имкониятларини аниқлайди. Товарайланма динамикаси талаб ва таклиф мувозанати натижасини ифодалайди.

Товарайланма динамикасини ўрганишда динамик қаторларни тузиш, мутлақ ўсиш, ўсиш суръати, қўшимча ўсиш, 1% қўшимча ўсишнинг мутлақ моҳияти ҳисобларидан кенг фойдаланилади.

Товарайланма динамикасини таҳлил қилишда, индекс усулига алоҳида эътибор берилади. Индекс усули товарайланма тезлигини, товарайланма динамикасининг миқдорий ва боҳо ўзгаришлари таъсирини, таркибий ўзгаришларни ўрганади. Умумий товарайланма ўзгаришида айrim режалар улушкини ўрганиш каби масалалар ҳал этилади.

Кўинича соф товарайланма динамикаси ўрганилади, чунки соф товарайланма муомала доирасидан чиқиб кетган товар миқдорини ифодалайди.

Товарайланма динамикаси агрегат индекс ёрдамида ўрганилади:

$$I_{pq} = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_0} = \frac{\sum Q_1}{\sum Q_0}$$

Бу ерда:  $P_0$  ва  $P_1$  - базис ва жорий давр баҳоси;

$q_0$  ва  $q_1$  - базис ва жорий даврда сотилган товар миқдори;

$Q_0$  ва  $Q_1$  - базис ва жорий даврда сотилган товар миқдори.

Күрениб турибиди, товарайланма ўзгаришига иккى омил таъсир кўрсатмоқда, баҳо ўзгариши, иккинчи, миқдор ўзгариши.

Ҳар бир омилнинг таъсирини алоҳида ўрганиш мақсадида бу иккى индекс ҳосилавий индексларга бўлинади.

Биринчиси, ўзгармас баҳо ҳолатидаги олди-сотдида товарларнинг физик ҳажми умумий товарайланмага қай даражада таъсир этганлигини кўрсатади.

Бу индекс физик ҳажм индекси дейилади:

$$I_q = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0}$$

Иккинчи омил таъсирини, яъни баҳо ўзгариши доимий миқдорий омил таркибида товарайланма умумий индексига қай даражада таъсир этганлигини ўрганиш мақсадида ҳисобланади:

$$I_p = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_0}$$

Бу иккى индекс ҳосилавий индекс бўлганлиги учун мультиликатив омил индекси боғлиқлиги қуидагича бўлади:

$$I_{qp} = I_q \times I_p;$$

$$\frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_0} = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0} * \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0}$$

Бу индексларнинг адиптив боғлиқлиги қуидагича:

$$\sum q_1 p_1 - \sum q_0 p_0 = (\sum q_1 p_0 - \sum q_0 p_0) + (\sum q_1 p_1 - \sum q_1 p_0)$$

Физик ҳажм индексининг иккى хил қўриниши мавжуд:

Биринчиси Пааше усули бўйича.  $I_q = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_1}$ .

Бунда: юқорида кўриб чиқсан боғлиқлик.

$$\frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_0} = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_1} * \frac{\sum q_0 p_1}{\sum q_0 p_0};$$

$$I_{qp} = I_q \times I_p;$$

$$\sum q_1 p_1 - \sum q_0 p_0 = (\sum q_1 p_1 - \sum q_0 p_1) - (\sum q_0 p_1 - \sum q_0 p_0)$$

$$\Delta qp = \Delta qp(a) + \Delta qp(p)$$

Бу күринишида Ласпейрес баҳо индексидан фойдаланилди. Бу усулдан давлат амалий статистикасида кенг фойдаланилади. Агар умумий баҳо индексидан дефлятор тарикасида фойдаланилса, бу физик ҳажм индексини ҳисоблашни соддалаштиради. Бунинг моҳиятига кўра жорий давр баҳоларидағи товарайланма индекси Ласпейрес баҳо индексига бўлинади.

$$I_q = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_0} : \frac{\sum q_0 p_1}{\sum q_0 p_0} = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_1}$$

$$I_q = I_{qp} : I_p$$

Бу индекснинг камчилиги шундаки, бу усулда узун динамик қатори тузиш имконияти бўлмайди, чунки ҳар сафар олдинги давр товарайланмасини кейинги давр баҳосига қайта ҳисоблаш керак бўлади.

Ласпейрес усулида тузилган физик ҳажм индекси, Ласпейрес баҳо индекси билан таққосланади.

$$I_q = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0} \quad I_p = \frac{\sum q_0 p_1}{\sum q_0 p_0}$$

Булар бир хил моделга бирлашмайди.

Ласпейрес ва Пааше усулини бирлаштириш натижасида индекс моделини тузиш мумкин.

$$\frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0} = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_0} : \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0}$$

$$I_{p(n)} = I_{qp} : I_{p(n)}$$

Бунинг натижасида,

$$\frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_0} = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0} \times \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0}$$

$$I_{qp} = I_{q(n)} : I_{p(n)}$$

адиптив модели.

$$\sum q_1 p_1 - \sum q_0 p_0 = (\sum q_1 p_0 - \sum q_0 p_0) \times (\sum q_1 p_1 - \sum q_1 p_0)$$

Товарайланма динамикасини ўрганишида муҳим ўринни аҳоли жон бошига товарайланма индекси эгаллайди.

Бу индекс ҳисботот давр динамикаси базис давр даражасига нисбатан ҳисобланади.

$$I_s = \frac{X_1}{X_0} = \frac{Q_1}{A_1} : \frac{Q_0}{A_0} = \frac{Q_1}{Q_0} : \frac{A_1}{A_0} = I_{qp} : I_s$$

$$\text{ёки } I_{qp} = I_* \times I_a$$

Бундан адиптив моделинн келитириб чиқариш учун товарайланмани аҳоли жон бошига товарайланма \* аҳоли сонидан фойдаланиб,

$$J = \frac{Q}{A} \quad \text{бундан} \quad Q = J * A$$

товарайланманинг мутлақ ўсиши.

$$\Delta q = J_1 A_1 - J_0 A_0$$

Шу жумладан экстенсив омил натижасида, яъни аҳоли сони ўзгариши натижасида товарайланма ўзгариши

$$\Delta_{q(A)} = J_0 A_1 - J_0 A_0$$

интенсив омил, яъни аҳоли жон бошига товарайланма ўзгариши натижасида умумий товарайланманинг ўзгариши

$$\Delta_{q(J)} = J_1 A_1 - J_0 A_1$$

$$\text{Бундан } \Delta_q = \Delta_{q(A)} + \Delta_{q(J)}$$

## Қисқача холосалар

Бозор фаолиятининг асосий қўрсатқичи товарайланмаси ҳисобланади. Товарайланмани турли хил нуқтаи назардан ўрганиш мумкин: ижтимоий-иқтисодий, синтетик. Товарайланмани таҳлил этишда унинг ҳажми, даражаси, таркиби, динамикаси йўналишига асосланилади. Бу мақсадда гурухлаш, индекслар, вариация қўрсаткичлари ва бошқа статистик усуllардан фойдаланилади.

Товарайланмасини ўрганишда индекс усулига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда бир усулда таҳлил қилишдан воз кечиб, бошқа иқтисодчи статистлар таклиф этган усуllар ва улардан фойдаланиш услубияти, уларни қўллаш амалиёти ҳақида фикр юритилган, шунингдек, товарайланмани таҳлил этишда унинг айрим таркибий гурухлари бўйича ўрганиш, бунда қўллашадиган таснифлашлар ҳам берилган.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Товар ҳақида тушунча?
2. Қандай жараён товар ҳаракати дейилади?
3. Қандай товарайлланма категорияларини биласиз?
4. Товар ҳаракати ва товарайлланма орасидаги боғлиқлик нимада?
5. Товар ҳаракатида воситалар қандай ўрин тутади?
6. Соғ товарайлланма деганда нимани тушунасиз?
7. Товарайлланма динамикасини ўрганишда индекс қандай ўринга эга?
8. Ласиейрес ва Пааше схемаси бўйича қандай қилиб физик ҳажми индекси тузилади?

## Асосий адабиётлар

1. Балабанова Л.В. Оптовая торговля. Маркетинг и коммерция - М.: Экономика, 1990.
2. Основы предпринимательской деятельности. Под.ред. К.М. Власовой М.: Финансы и статистика, 1994.
3. Пиндайк Р., Рубинфельд Д. Микроэкономика - М.: Дело, 1992.
4. Рынок товаров: формирование, управление. Под.ред. А.В. Орлова, Ф.А.Крутикова - М.: Финансы и статистика, 1986.
5. Тихомиров Н. Методы анализа и прогнозирования рынка. Соц. Труд - 1990 № 11.

## ТОВАР ЗАХИРАСИ СТАТИСТИКАСИ

### 6.1 Товар захиралари ҳақида тушунча

Ишлаб чиқариш ва тақрор ишлаб чиқариш узлуксизлиги бозорда доим товар массаси бўлишини таъминлайди. Олди-сотди узлуксиз бўлиши учун товарининг қандайдир қисми доимо мавжуд бўлиши керак. Бу товар захирасидир. Товар захираси нинг иқтисодий моҳиятини тушиниш учун товар тушунчasi ёрдам беради. Товар икки хил:

- истеъмол талабини қондириш;
- пировард мақсади сотилиш хусусиятларига эга.

Демак, ҳам сотувчи, ҳам ишлаб чиқрувчи, ҳам истеъмолчи товар тезроқ муомала доирасидан чиқиши, товар захираси тезроқ сотилиши талабгоридир. Товар захираси муомала доирасидан чиқиши ва истеъмол доирасига ўтиши товар захирасини камайтиради.

Товар захираси мавжудлиги товар эгасига боғлиқ эмас. Қачонки, товар захираси тезроқ сотилса, эгаси шунча тезроқ фойда олади. Товар захираси эгасига фақат харажатлар (сақлаш, кузватиши,...) зарар келтиради, бу харажатлар баҳога киритилади. Демак, фойдани фақат товарни пулга алмашиши, товарайланмана келтиради. Бошқа томондан товар захираси товарайланманинг узлуксизлигини таъминлайди. Демак, товар товар захираси кўринишида иложи борича оптимал муддат бўлиши керак.

Нормал товар захиралари мавжудлигига:

- товар муомаласи жараёни узлуксиз бўлиши таъсир этиди. Агар товар муомалага келиб тушиши узулиб қолса, товарайланмана узлукли бўлиб, унда сотувчи резерв захирани кўпайтириши керак бўлади.

Аномал товар товар захираси мавжудлигига;

- бозор конъюнктурасига боғлиқ ҳолатлар;

Талаб ва тақлиф ўргасидаги мувозанатнинг бузилиши, бушга истеъмолчи талабига жавоб бермайдиган сифат ёки баҳо сабаб бўлиши мумкин. Натижада истеъмолчи бундай товарни харид этмайди ёки бошқа жойдан талабига жавоб берувчи товарни харид қилиши натижасида муомала доирасида ортиқча товар захиралари пайдо бўлади;

- сұнний яратилган товар захиралари бозор шароитида ракобат суст бўлган товарлари захирасидир. У сұнний равишда баҳо кўтарилишини пойлаб сотилмайди. Бу сұнний товар захиралари харажатлари баҳога қўшилиб, истеъмолчига юқ бўлади.

Талаб ва таклиф орасидаги мувозанат.

Үёки бу товарга талабга қараганда таклиф күплиги товар муюмаласи жараёнини сустлаштиради ва бозорда товарнинг кўпайишига олиб келади. Агар бунинг тескариси бўлса, яъни таклиф камроқ, талаб кўпроқ бўлса, товар тақчиллиги келиб чиқади. Демак, қисқа муддат ичдиа мувозанатни сақлаш ҳолатига келтиришга ишлаб чиқариши ва муюмала соҳалари орасида доимо боғлиқлик бўлиши лозим.

Айрим товарларнинг товар захираси кўринишда бўлиши муддати чекланган. Бунга тез бузиладиган сут ва сут маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотлари қабилар киради. Булар қундалик эҳтиёж товарларидир. Булар қунига икки – уч марта ҳам олиниши мумкин. Биринчидан, бу истеъмолчиларни жалб этса, иккинчидан харажатларни оширади.

Товар захираларини турли йўналишларда ўрганиш мумкин: ҳудуд бўйича, савдо фаолияти бўйича, савдо корхоналари турлари бўйича, сақланиши бўйича ва ҳ.к.

Товар захираларининг жойлашиши бўйича уларни қуидагиларга бўлиш мумкин:

- ишлаб чиқаришдаги товар захиралари (ташиш учун оптималь ҳажмга етгунча ишлаб чиқарувчи омборида);

- йўлдаги товар;
- улгуржи савдо товар захиралари;
- чакана савдо товар захиралари.

Товарларни амалиётда:

- озиқ-овқат товарлари;
- ноозиқ овқат товарларига
- бўлиб ўрганилади. Зарурлигига қараб улар яна таркиби бўйича ҳам ўрганилади.

Янгиланиши бўйича қуидаги товар захиралари бўлиши мумкин:

- жорий, нормал янгиланадиган товар захиралари;

- мавсумий товар захиралари;
- узлуксиз янгиланадиган товар захираларига давлат резерви, стратегик захиралар киради.

## 6.2. Товар захиралари кўрсаткичлари тизими

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида товар захираларини баҳолашга муносабат янгича талқин топмоқда. Олдинги пайтда асосан товар захиралри норматив товар захираларидан ошмаслигига кўпроқ аҳамият берилар эди. Товарайланиш тезлиги ошишига эса кўп аҳамият берилмасди.

Хозирги пайтда бозор жараёнларини тұла баҳолаш учун янги күрсаткічлар киритилмоқда. Товар захиралари күрсаткічлари тизимида макроиқтисодий күрсаткічлар билан бир қаторда кичик иқтисодий бирликлар фаолиятини баҳолаш күрсаткічлари ҳам ўз ўрнини топиши керак.

Бу күрсаткічлар тизимига қуйидагилар киради:

- товар захиралар ҳажми (натура ва қиймат ўлчовида);
- резерв захира;
- мүмкін бұлған энг кам захира;
- максимал товар захира;
- товар захира таркиби.

Бунда товар захираси шаклланишига ўтувчи захира күрсаткічи ва салмоги

$$d_{\text{з.}} = \frac{Z_6}{Z_6 + K}$$

Бу ерда:  $d_{\text{з.}}$  - ўтувчи захира салмоги;

$Z_6$  - давр бошидаги товар захиралари ҳажми;

$K$  - келиб тушган товарлар.

III. Товар захираси даражасини ўрганишда қўйидагаларга тұхташ керак:

1. Аниқ оралиқдаги ўртача товар захираси.

Товар захираси күрсаткічи моментли күрсаткіч бұлғанлиги сабабли янги товар келиб тушиши, товар захиралари муомаладан чиқиши товар захираларининг доимо ўзгаришига таъсир күрсатади. Турли хил иқтисодий күрсаткічларни ҳисоблашда аниқ вакт оралиғидаги товар захираларини баҳолашға интервалли күрсаткіч, яни ўртача товар захирасини ҳисоблашға тұғри келади.

Бор маълумотларға күра бунда қуйидаги күрсаткічлардан фойдаланилади:

Агар маълумотлар давр бошига ва охирига маълум бўлса, унда оддий арифметик усулдан фойдаланилади.

$$\bar{Z} = \frac{Z_6 + Z_0}{2};$$

Бунда  $Z_6$  ва  $Z_0$  - давр охирига ва бошидаги товар захиралари.

Агар маълумотлар тенг оралиқ фурсатли күрсаткічлар бўлса, оддий хронологик усулдан фойдаланилади.

$$\bar{Z} = \frac{1/2 \cdot Z_1 + Z_2 + \dots + Z_{n-1} + 1/2 \cdot Z_n}{n-1}$$

2. Товараylanma бирлигига товар захирасининг тұғри келиши күрсаткічи.

Катта ва кичик савдо корхоналарининг товар захираларини таққослаб бўлмайди, товар захирасини таққоаслаш учун товарайланма бирлигини товар захирасига тўғри келиши кўрсаткичи қўл келади.

$$3 = \frac{3_0}{T}$$

Масалан, 1 апрелда товар захираси 240 минг сўм, март ойи товарайланмаси 800 минг сўмни ташкил этган бўлса;

$$3_q = \frac{240}{800} \cdot 1000 = 300 \text{ сум}$$

Демак, ҳар бир минг сўм товарайланмага 300 сўмлик захира тўғри келган.

3. Товарайланмани товар захираси билан таъминланиши. Бу кўрсаткичи товар захиралари неча кунга етишини ифодалайди. Албатта, бу дегани товар захираси туташи пойлаб ўтирилмайди дегани эмас. Бу кўрсаткич шу товар захираси тугагунча керак бўлган ҳаракатни қилишни режалаштириш учун керак.

$$\bar{3} = \frac{3_m}{t}$$

Бу ерда:  $m$  - кунлик товарайланма;  
 $t$  - кунлар.

$$m = \frac{T}{t}$$

Бу кўрсаткич айрим товарлар учун иифодаланади. Товарлар йиғиндиси бўйича эса, ўртacha товар захираси билан таъминланиш кўрсаткичи хисобланади.

$$\bar{3} = \frac{\sum 3_m}{\sum m} = \frac{\sum 3_m}{\sum m}$$

4. Товарайланиш кўрсаткичи:

- товарайланиш тезлиги;
- бир айланиш вақти билан таърифланади.

Товарайланиш тезлиги

$$C = \frac{T}{\bar{3}}$$

Барча товарлар учун ўртacha товарайланиш тезлиги

$$C = \frac{T}{\bar{3}} = \frac{\sum C \bar{3}}{\sum \bar{3}}$$

бир товар ийланиши неча кун давом этиши күрсаткичи.

$$B = \frac{\sum \bar{z}}{m}$$

Бу ерда:  $B$  - кунлар (бираильманмали).

Айланиш ўртаса кунлари қуйидагича хисобланади.

$$\bar{B} = \frac{\sum \frac{\bar{z}}{m}}{\sum \frac{1}{m}} = \frac{\sum \frac{B_m}{m}}{\sum \frac{1}{m}}$$

Товарайланма тезлиги ва куни бир-бири билан қуйидаги-ча боғлиқликда:

$$B = \frac{t}{c}; C = \frac{t}{B}; t = C \times B$$

Бир айланишининг самарадорлик күрсаткичи бир айланишга тўғри келган фойда хисобланади.

$$\text{Эс} = \frac{\Phi}{C}$$

$\Phi$  - фойда.

5. Товар захираларининг оптимал ҳажми.

Товар захираларини ўрганишда товар захираларини оптимал товар захираларидан тафовути қуйидагича ўрганилади:

$$- \text{ қиймат ўлчов бирликлари. } 36 - \left( N * \frac{T}{t} \right)$$

Бу ерда:  $N$  - оптимал товар захираси.

$$- \text{ айланмалар сонида, } \left( 36 : \frac{T}{t} \right) = N$$

$$- \% \text{ оптимал ҳажмга нисбатан. } \left( 3q * \frac{100}{N} \right) - 100$$

Истеъмолчи талабига мос келмайдиган товар захиралари салмоғи.

### 6.3. Товар захирасининг оптималлигини баҳолаш усуллари .

Товар муомаласи соҳаси самарадорлигини ошириш йўлларидан бири товар захираларини бошқариш ва уни оптималлаштириш хисобланади. Бир томондан, аҳоли истеъмолини кондириш, иккинчи томондан, фойда олинига қаратилган товарга бўлган та-

лабга биноан узлуксиз олди-сотди ёрдамида ишлаб чиқариш соҳа-сидан маҳсулот истеъмол соҳасига ҳаракати бўлади. Бу ҳаракатни амалга оширишда чакана савдо ташкилотлари ўз фаолиятини шундай ташкил этиши керакки, товар пировард истеъмолчига талабга биноан ассортиментда, керакли жойда етиб борсин.

Чакана истеъмолчи талабини қондирадиган ишлаб чиқариш ассортиментини савдо ассортиментига, яъни керакли ҳажмда, кўринишда, қадоқланган бўлиши, харидорбон кўринишга келтириш қайси савдо соҳасида бажарилиши кераклиги муҳим аҳамият касб этади. Агарда чакана савдода, бу жараён истеъмолчи талабига қараб амалга оширилса, бир томондан, бу тўғри ҳисобланади, лекин бу ўз навбатида, ортиқча товар захиралари ни чакана савдода мужассамлашишига олиб келиши мумкин.

Бир томондан, товар ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб келгунча бир неча поғоналардан ўтади ва бу поғоналар қанча кам бўлса, қўшимча харажатлар ҳам шунча камаяди, муомала вақти ҳам тезлашади.

Иккинчидан, товар захираларини оптималлаштириш ва-зифасини ҳал этишда доимо савдо поғоналари кўрсаткичини камайтириш наф келтирмайди.

Тез бузиладиган оддий ассортимент товарлар, одатда, транзит усулда амалга оширилади. Кенг ассортиментли товарлар бўйича савдо ассортиментига келтириш жараёни улгуржи савдода бажарилгани маъқул.

Кам харажат талаб қилувчи, узлуксиз товар муомаласини таъминлаб берувчи оптимал товар захирасини баҳолашнинг қўйидаги усуллари мавжуд:

- эвристик усуллар, яъни эксперт баҳолаш усули;
- статистик усули;
- иқтисодий техник ҳисоблаш усули;
- иқтисодий-математик усули.

Эксперт баҳолаш усули, бир гурӯҳ мутахассислар томонидан жорий фурсатни субъектив баҳолаш ва башорат этишга асосланади.

Статистик усулда, товар захиралари ҳақида статистик ҳисбботларга асосланган ҳолда таҳлил этилади: даражаси, таркиби, динамикаси, товар захираларининг айланиши қабилар ёрдамида оптимал товар захираси аниқланади.

Иқтиёдий таҳлил усули, кенг тарқалган усул ҳисобланади. Бу усулда аввало, товар захиралари турли элементлар бўйича ўрганилади. Масалан, истеъмолчи талабини қониқтира ола-

диган ассортиментдаги товар мавжудлиги:

- аҳоли талаби ортиши ҳолатини қониқтира оладиган эҳтиёт шарт захира;

- товар келтириш меъёри узулиши ҳолатини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёт шарт захира ва ҳ.к.

Айрим товарлар (i) оптималь захирасини ҳисоблаш қўйидаги оддий усулда амалга оширилади.

$$N_i = a_i + b_i + \frac{1}{2}c_i + d_i$$

Бу ерда:  $N_i$  - оптималь товар захираси;

$a_i$  - товарни қабул қилиш ва сотиш ҳолатига келтириш вақтини қоплаш захираси;

$b_i$  - ишчи захира;

$c_i$  - янги товарнинг келиб тушиш ўртача куни;

$d_i$  - эҳтиёт шарт захира.

Барча товарлар бўйича умумий оптималь товар захираси

$$N = \sum N_i$$

Оптималь товар захираларини аниқлашда иқтисодий-математик усул - экстраполяция усулидан кенг фойдаланилади.

Ижтимоий математик усул - экстраполяция усули, олдинги давр ўтиш суръатлари бўйича ҳолат сақланиб қолган шароитда кейинги давр башорат этилиши. Бунда Уилсон усулидан фойдаланиб олдинги тўрт йиллик натижа асосида кейинги бешинчи йил ҳолати башорат этилади.

$$\text{Бунда: } N = \sqrt{\frac{2RC_1}{C_2}}$$

Бу ерда:  $C_1$  - товар захираларини сақлаш харажатлари;

$C_2$  - ташиш харажатлари;

R - товарайланма ҳажми.

Оптималь товар захираси аниқлангандан сўнг иқтисодчининг вазифаси товар захирасининг оптималь товар захирасидан кенг ёки кўплигини доимо таҳдил қилишдир, чунки товар захираси кўпайиб кетса, харажат ошади, товар захираси камайса, товарайланма узулиб қолиши мумкин. Шунинг учун нима сабабли товар захираси кўпайганлиги ёки стишмаслигини аниқлаш лозим.

Буни қуйидаги товар захирасидан оптималь товар захираси фарқини аниқлаш масалада кўриб чиқамиз.

Бу ҳисоблашдан кўриниб турибдики, биринчи товар билан таъминланishi 5 қунга етарли, иккинчи ва учинчи товар гурӯҳ-

лари бүйича эса 6 кунлик етарли. Бу эса оптималь товар захира-  
сидан камдир, бу товарайланмага салбий таъсир күрсатмаслиги  
учун тезда чора күриш керак бўлади. Биринчи товар бўйича  
оптималь ҳолатга келтириш учун 90 минг сўмлик, иккинчи то-  
вар гурухи бўйича 10 минг сўм ва учинчи товар гурухи бўйича  
40 минг сўм жаъми 140 минг сўм товар олиб келиш чорасини  
кўриш керак.

#### 6.4. Товар захираси ўзгаришини таҳлил қилиш

Товар захирасини таҳлил қилишда уларнинг ҳолати ҳақи-  
да маълумотта асосланилади. Товар захираларининг мавжуд-  
лигипи ҳисобга олиш уч усулда амалга оширилиши бир-бири-  
дан чиққан натижаларини текширишда ҳам кўл келади.

Булар:

- инвентаризация;
- оператив ҳисоб;
- баланс усули.

Инвентаризация усули ҳамма товарлар бўйича ёппасига  
кузатиш ўтказилиб: ўлчаш, тортиш, санаш ёрдамида амалга  
оширилади.

Бу усулдан, одатда, тафтиш қилиш мақсадида фойдаланиб  
иши жараёни, яъни савдо-сотиқ, кирим чиқим тўхтатилади. Нати-  
жада анча ноқулайчилик келтириб чиқади, кўп меҳнат та-  
лабчанлик талаб қиласди.

Оператив ҳисоб усулида товар жойлари ҳисобга олинниб  
(яъни: қоп, яшик, тўл.) улар меъёрига кўпайтирилиб, умумий  
сони аниқланади. Албатта, бу усулдан фойдаланиш анча қулай.  
Лекин у инвентаризация услуга нисбатан кўпроқ тахминий-  
ликка асосланади.

Баланс усулида кирим-чиқим, ҳисоб-китоб натижасида  
амалга оширилади.

Бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Z_1 = Z_0 + K - O - D_x$$

Бу ерда:  $Z_1$  ва  $Z_0$  - давр боши ва охиридаги товар захираси;  
 $K$  - товар қирими;  
 $O$  - товарайланма ҳажми;  
 $D_x$  - хужжатлаштирилган харажат (товарни қайтариш).

Товар захираларининг ҳолатини аниқлашдан ташқари,  
унинг динамикасини ўрганиш мухим аҳамиятга эга. Бунинг учун  
қуйидаги индекслардан фойдаланамиз:

**1 январга товар захирасидан оптималь товар захираси фарқини аниқлап**

Товар-лар	Декабр ойи товарийлан-ма минг. сўм	1 март товар захираси минг. сўм	Феврал кулилк тоннай-ланна минг. сўм	Товарийланна товар захираси билан тъминланши куни		Оптималь товар захираси	Характеристика оптималь захирасидан тафсилати		
				Куни	минг. сўм		Куни	минг. сўм	%-даги
				1	2	3	4	5	9
Биринчи	1960	400	70	5.71	7	490	-1.29	-90	-18.37
Иккичи	840	200	30	6.67	7	210	-0.33	-10	-4.76
Хурчинчи	1120	240	40	6.00	7	280	-1.00	-40	-14.29
Барча тоннажлар бўйича	392	84	14		7	98	-1	-140	-14.29

## Товар захиралари йиғиндиси индекси.

$$I_{\sum 3} = \frac{\sum 3_1}{\sum 3_0} = \frac{\sum p_1 q_1^3}{\sum p_0 q_0^3}$$

Бу ерда:  $q_0^3$  ва  $q_1^3$  - натурал үлчов бирликларда базис ва жорий давр товар захираси;

$P_0$  ва  $P_1$  - базис ва жорий давр товар баҳоси.

Товар захирасининг физик ҳажми индекси:

$$I_{\sum 3(q)} = \frac{\sum p_0 q_1^3}{\sum p_0 q_0^3} = \frac{\sum \frac{1}{i_p} p_1 q_1^3}{\sum p_0 q_0^3}$$

Товарайланма таъминланиши индекси:

$$I_{3'} = \frac{\sum 3^T}{\sum 3^T_0} = \frac{3_1}{O_1} t : \frac{3_0}{O_0} t = \frac{3_1}{3_0} : \frac{O_1}{O_0} = I_3 : I_M$$

## 6.5. Товарайланишини таҳлил қилиш усули

Товарайланишини таҳлил қилишда унга умумий таъриф бериш мақсадида ўртача умумлаштирувчи товар захирасидан фойдаланилади. Индекс усули ёрдамида товарайланиши макон ва замонда ўрганилади.

Куйидаги индексларни кўриб чиқамиз:

Товарайланиши тезлиги индекси:

$$I_T = \frac{T_1}{T_0}$$

Бу ерда:  $T_0$  ва  $T_1$  - базис ва жорий давр товарайланма тезлиги (айланма сони).

$$I_T = \frac{T_1}{T_0} = \frac{O_1}{3_1} : \frac{O_0}{3_0} = \frac{O_1}{O_0} : \frac{3_1}{3_0} = I_O : I_{\bar{3}}$$

Бундан кўриниб турибдики, товарайланма тезлиги ўзгариши товарайланма ўзгаришига тўғри ва ўртача товар захираси ўзгаришига тескари боғлиқлик.

Товарайланиш вақти индекси (бир айланишники):

$$I_B = \frac{B_1}{B_0}$$

Бу ерда:  $B_0$  аа  $B_1$  - базис ва ҳисобот давридаги бир айланнишнинг давомийлиги, кунда.

$$I_B = \frac{B_1}{B_0} = \frac{\bar{Z}_1}{\bar{m}_1} : \frac{\bar{Z}_0}{\bar{m}_0} = \frac{\bar{Z}_1}{\bar{Z}_0} : \frac{O_1}{O_0} = I_{\bar{Z}} : I_0$$

Демак, бир товарайланишининг ўзгариши ўртача товар захираси ўзгариши билан түғри боғлиқликда бўлиб, товарайлланма динамикаси билан тескари боғлиқликдадир. Юкорида кўриб чиқилган индекслар айрим товар ёки товар гурухи бўйича қўлланилади. Барча товарлар бўйича таърифлаш мақсадида ўртача даражалар индексларидан, яъни умумий индекслардан фойдаланилади.

Товарайлланма ўртача айланниш тезлиги индекси.

$$I_T = \frac{\bar{T}_1}{\bar{T}_0} = \frac{\sum T_1 \bar{Z}_1}{\sum \bar{Z}_1} : \frac{\sum T_0 \bar{Z}_0}{\sum \bar{Z}_0}$$

Бу индекс ўзгарувчан таркибли индекс бўлиб, товарайлланма ўртача айланниш тезлиги индексига икки омил таъсир этади:

Биринчиси, айрим товарлар айланниш тезлигининг ўзгариши.

Иккинчиси, айрим товарлар бўйича товар захираси умумий товарлар захирасидаги самоғи ўзгариши.

Ҳар бир омилнинг таъсирини алоҳида-алоҳида ўрганиши мақсадида бу индекс икки ҳосилавий индексга бўлинади:

Биринчиси, товар захиралари ўзгармас таркибида товарайланиши тезлиги индекси, яъни доимий таркибли индекс.

$$\bar{T}_T = \frac{\sum T_1 \bar{Z}_1}{\sum T_0 \bar{Z}_1}$$

Иккинчиси, фақатгина товар захираси салмоғи ўзгариши (ўзгармас товарайланиш даражасида) қай даражада умумий ўртача товарайланиш тезлиги ўзгаришиги таъсир этганлигини таркиб салмоғи ўзгариши индекси кўрсатиб беради.

$$I_{T(d_1)} = \frac{\sum T_0 \bar{Z}_1}{\sum T_0 \bar{Z}_0} : \frac{\sum \bar{Z}_1}{\sum \bar{Z}_0}$$

Охири икки индекс ҳосилавий индекслар бўлганлиги учун уларнинг кўпайтмаси товарайлланма ўртача айланниш тезлиги индексига тенг бўлади.

$$I_{\bar{T}} = \bar{T}_T * I_{T(d_1)} = \frac{\sum T_1 \bar{Z}_1}{\sum T_0 \bar{Z}_1} * \frac{\sum T_0 \bar{Z}_1}{\sum T_0 \bar{Z}_0} : \frac{\sum \bar{Z}_1}{\sum \bar{Z}_0} =$$

$$= \frac{\sum T_0 \bar{Z}_1}{\sum T_0 Z_0} : \frac{\sum \bar{Z}_1}{\sum Z_0}$$

Бу индекслар орасидаги боғлиқлик мультиликатив боғлиқликтер.

Бу индексларга ўртачанинг айрим математик хусусиятларидан фойдаланиб, яъни тақрорланиш сонини қандайдир доимий бир хил сонга кўпайтирилса ёки бўлинса, ўртача ўзгармайди. Зарнинг салмоғини дз га алмаштирилса, юқоридаги индекслар қўйидаги кўринишга келади:

$$\frac{1}{T} = \frac{\sum T_1 \bar{Z}_1}{\sum Z_1} : \frac{\sum T_0 \bar{Z}_0}{\sum Z_0} = \frac{\sum T_1 d_{\bar{Z}_1}}{\sum d_{\bar{Z}_1}} : \frac{\sum T_0 d_{\bar{Z}_0}}{\sum d_{\bar{Z}_0}} = \frac{\sum T_1 d_{\bar{Z}_1}}{\sum T_0 d_{\bar{Z}_0}}$$

чунки, доим  $\sum d_{\bar{Z}_0} = \sum d_{\bar{Z}_1} = 1$

$$\bar{T} = \frac{\sum T_1 \bar{Z}_1}{\sum Z_1} : \frac{\sum T_0 \bar{Z}_0}{\sum Z_0} = \frac{\sum T_1 d_{\bar{Z}_1}}{\sum d_{\bar{Z}_1}} : \frac{\sum T_0 d_{\bar{Z}_0}}{\sum d_{\bar{Z}_0}} = \frac{\sum T_1 d_{\bar{Z}_1}}{\sum T_0 d_{\bar{Z}_0}}$$

$$T_{1(\bar{Z})} = \frac{\sum T_0 \bar{Z}_1}{\sum Z_1} : \frac{\sum T_1 \bar{Z}_0}{\sum Z_0} = \frac{\sum T_0 d_{\bar{Z}_1}}{\sum d_{\bar{Z}_1}} : \frac{\sum T_1 d_{\bar{Z}_0}}{\sum d_{\bar{Z}_0}} = \frac{\sum T_0 d_{\bar{Z}_1}}{\sum T_1 d_{\bar{Z}_0}}$$

$$\text{ёки } \frac{\sum T_1 d_{\bar{Z}_1}}{\sum T_0 d_{\bar{Z}_0}} * \frac{\sum T_0 d_{\bar{Z}_1}}{\sum T_1 d_{\bar{Z}_0}} = \frac{\sum T_1 d_{\bar{Z}_1}}{\sum T_0 d_{\bar{Z}_0}}$$

Тузилган мультиликатив модельдан фойдаланиб, товарайларма ўзгаришига товарайланиши тезлиги қай даражада таъсир этилганлиги ва товар захираси ўзгаришига таъсири этиш миқдори қай даражадалиги адиптив модели ёрдамида қўйидагича хисобланади:

$$\Delta_0 = \sum T_1 Z_1 - \sum T_0 Z_0$$

Яъни, товарайларма ўртача айланиш тезлиги индекси суратидан маҳражини ошириш натижасида мутлақ миқдорга эга булади.

Доимий таркибли индекс суратидан маҳражи айрилса, чиққан натижага фақат айрим товарлар айланиш тезлиги ўзгариши умумий ўртача товарайланиши тезлигига қай даражада таъсир этганлигини кўрсатиб беради, яъни:

$$\Delta_0(T) = \sum T_1 \bar{Z}_1 - \sum T_0 \bar{Z}_1 = \sum (T_1 - T_0) \bar{Z}_1$$

Таркибли силжиш индекси суратидан маҳражи айрилса, чиққан натижага фақат товар захираси таркиби ўзгариши умумий товарайларма ўртача айланиши тезлигига таъсир этганлигини кўрсатади.

$$\Delta_0(\bar{z}) = \sum T_0 \bar{z}_1 - \sum T_0 \bar{z}_0 = \sum (\bar{z}_1 - \bar{z}_0) T_0$$

Демак:  $\Delta_0 = \Delta_{0(T)} + \Delta_{0(\bar{z})}$

Товарайланиши ўртача вақтининг ўзгариши индекси ўзгарувчан таркибли индекс ёрдамида ҳисобланади.

$$I_B = \frac{\sum B_1 m_1}{\sum m_1} : \frac{\sum B_0 m_0}{\sum m_0} = \frac{\sum B_1 d_{m_1}}{\sum d_{m_1}} : \frac{\sum B_0 d_{m_0}}{\sum d_{m_0}} = \frac{\sum B_1 d_{m_1}}{\sum B_0 d_{m_0}}$$

ва бу индекс ўзгаришига таъсир этувчи омиллар: биринчиси, айрим товарлар айланиш вақти ўзгариши ( $B$ ); иккинчиси, кунлик товарайланма салмоғи ўзгариши ( $d_m$ ).

Хар бир омилнинг таъсирини алоҳида аниқлаш учун қўйидаги индекслар ҳисобланади: биринчи омилнинг таъсирини доимий таркибли индекс:

$$I_B = \frac{\sum B_1 m_1}{\sum m_1} : \frac{\sum B_0 m_1}{\sum m_1} = \frac{\sum B_1 d_{m_1}}{\sum d_{m_1}} : \frac{\sum B_0 d_{m_1}}{\sum d_{m_1}} = \frac{\sum B_1 d_{m_1}}{\sum B_0 d_{m_1}}$$

ва иккинчи омилнинг таъсирини кунлик товарайланма таркиби ўзгариши

$$I_{B(dm)} = \frac{\sum B_0 m_1}{\sum m_1} : \frac{\sum B_0 m_0}{\sum m_0} = \frac{\sum B_0 d_{m_1}}{\sum d_{m_1}} : \frac{\sum B_0 d_{m_0}}{\sum d_{m_0}} = \frac{\sum B_0 d_{m_1}}{\sum B_0 d_{m_0}}$$

$$I_B = \bar{I}_B * I_{B(dm)}$$

Товар захираси мутлақ миқдорда ўзгариши товарайланиши вакти ўзгариши ва кунлик товарайланмаси ўзгаришига қанча таъсир кўрсатганини адиптив модели ёрдамида ўрганилади.

$$\Delta_{\bar{z}} = \sum B_1 m_1 - \sum B_0 m_0 = \bar{z}_1 - \bar{z}_0$$

$$\Delta_{\bar{z}(B)} = \sum B_1 m_1 - \sum B_0 m_0$$

Охирги товар захираси ўзгаришига кунлик товарайланма ўзгариши таъсирини икки омилга бўлиб ўрганиш мумкин:

Биринчиси, кунлик товарайланма таркиби ўзгариши таъсирига:

$$\Delta_{\bar{z}(dm)} = \left( \sum B_0 m_1 - \sum B_0 m_0 \right) \frac{\sum m_1}{100}$$

Иккинчиси, кунлик товарайланма динамикасининг таъсирига:

$$\Delta_{\bar{z}(im)} = \sum \bar{z}_0 \left( \frac{\sum m_1}{\sum m_0} - 1 \right)$$

Бундан,

$$\Delta_{\bar{3}} = \Delta_{\bar{3}(\text{B})} + \Delta_{\bar{3}(\text{dm})} + \Delta_{\bar{3}(\text{l}_m)}.$$

## Қисқача хулосалар

Товар захиралари товарнинг муомалада узлуксиз ҳаракатини таъминловчи қўрсаткичдир.

Муайян ҳисоблашлар ёрдамида товар захиралар ҳажми оптималлигини баҳолаш мумкин. Бир томондан, товар захираларига турли хил омилларнинг таъсири ўрганилса, иккинчи томондан, бозор жараёnlарига захиралар таъсири аниқланади.

Мавзуда товар ҳаракати таҳлили, уни ҳисоблаш усули, динамикасини ўрганиш, интенсив қўрсаткичларни ҳисоблаш ва уларнинг динамикасини, турли хил омилларни таъсирини аниқлаш усуллари ёритилиган.

Бозор жараёнида тадбиркор товар захирасидан, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни саклаш қуроли тариқасида фойдаланади.

Шу билан бирга, товар захираси факат харажатни оширади. Шунинг учун бир томондан, товар мавжудлиги зарур бўлса, иккинчи томондан, у фойда ўрнига факат харажат ошишига олиб келади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Товар захираси зарурияти нимада?
2. Товар захираси қандай белгилар бўйича ўрганилади?
3. Товар захираси ва товарайланиши орасидаги боғлиқлик нимада?
4. Товарайланма тезлиги кўрсаткичи қандай?
5. Товарнинг бир айланиши қандай ҳисобланади?
6. Товар захираси ҳолати ва ўзгаришини ўрганишнинг асосий усусларига қайси усувлар киради?
7. Товар айланишига қандай омиллар таъсир этади?
8. Товарайланма тезлиги ва бир айланиш вақти индексла-ри боғлиқлигини кўрсатинг?

## Асосий адабиётлар

1. Белявский И. Статистика рынка: задачи, показатели, методология. "Вестник статистики", 1991. №9.
2. Букерель Ф. Изучение рынков. Академия рынка. Маркетинг пер. с.фр. -М.: Экономика, 1993.
3. Зермати П. Практика управления товарными запасами. Пер. с.фр. -М.: Экономика, 1982.

## БОЗОР ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ САМАРАДОРЛИК СТАТИСТИКАСИ

### 7.1. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ҳақида түшүнчә

Иқтисодиётда икки хил ўхшаш ибора иқтисодий фаолият натижасини ифодалайды:

- самара, бу иқтисодий фаолият натижасида олинган наф;
- самарадорлик эса қилинган харажат бирлигига олинган максимал самарадир.

Демек, самара мутлақ күрсаткыч ҳисобланса, самарадорлик бу нисбий күрсаткичdir.

### 7.2. Бозор жараёнларининг самарадорлик күрсаткычлар тизими

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик даражаси күрсаткычи тузиш моҳияти, олинган натижавий күрсаткыч, қилинган харажат күрсаткычи билан солиштирилади. Харажат күрсаткычи тариқасида моддий ва меҳнат ресурслари олиниши мумкин. Бунда чиққан натижага ресурслар самарадорлигини ифодалайды ва уни шу натижага эришиш мақсадида сарф этилган жорий харажатларга нисбатан ҳисоблаш мумкин. Үнда харажатлар самарадорлиги даражаси күрсаткычи келиб чиқади. Иқтисодий таҳлилда ҳам у, ҳам бу самарадорлик даражаси күрсаткычлари аҳамиятлайдыр.

Жорий харажатлардан фойдаланиш самарадорлик даражаси ресурслардан фойдаланиш самарадорлик даражасига қаранды доим юқоририк бўлади, чунки ҳар бир жараёнда ҳам мавжуд ресурслар иштирок этмайди.

Товар бозори фаолияти натижавий күрсаткычи самарасига келсак, бу савол муаммолидир, чунки товар у муомаласида иштирок этиб, шу билан ялпи ички маҳсулот яратишда қатнашади. Шу боис натижавий күрсаткычни тұла таътифлаш учун фақат муомала доирасида күрсаткычларни әмас, балки ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолият күрсаткычларини ҳам инобатга олиш лозимдир.

Бозор фаолиятини умумлаштирувчи самарадорлик күрсаткычи, қўйилган мақсадга биноан, бир неча усуулларда ҳисобланishi мумкин.

Товар ва хизматлар фаолияти самарадорлиги күрсаткычи турли хил хўжалик юритип поғоналарида, алоҳида бозор жара-

ёнлари ва фаолияти бўйича, алоҳида юридик шахслар бўйича, алоҳида тармоқлар бўйича ва ҳ.к. ўрганилиши мумкин. Шу билан бир қаторда самарадорлик даражасининг асоси бир услубият тамойилда амалга оширилади.

Бозор фаолиятининг ижтимоий-иктисодий натижасини баҳолаш ва таҳлил этишда қўйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади:

- ялпи товарайланма;
- соф товарайланма;
- ялпи қўшилган қиймат;
- фойда.

Бозор муносабати шароитида савдо фаолияти ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчига хизмат кўрсатаётган ишлаб чиқариш фаолияти тариқасида қўрилади ва шунинг учун корхона, ташкилот, тармоқ ва ҳ.к.лар бозор жараёнларига хизмат кўрсатаётган натижавий ишлаб чиқариш фаолияти ялпи қўшилган қиймат кўрсаткичи билан баҳоланади ва шу билан у давлатнинг ялпи ички маҳсулот яратишдаги ҳиссасидир.

Товар муомаласига хизмат кўрстаётган юридик шахслар ва барча муомала соҳасининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлик кўрсаткичини ҳисоблашда, натижавий кўрсаткичи тариқасида ялпи қўшилган қиймат кўрсаткичидан фойдаланиш, бошқа тармоқлар бўйича ҳисобланган самарадорлик кўрсаткичи билан таққослаш имконини беради.

Товар муомаласи соҳаси фаолияти иқтисодий натижасининг ўзи бир қараганда товарайланма ҳажми эмас (келиб тушган пул), балки унинг бир қисми, яъни ишлаб чиқариш соҳасидаги олинган товарлар қийматидан қолган қисми – савдонинг ялпи фаолиятидир. Бу ялпи даромад қилинган харажатлар ва фойдадан ташкил топади. Халқаро статистика амалиётида бу кўрсаткич „ялпи ишлаб чиқариш“ кўрсаткичига мос келади.

$$ЯД = О - К$$

Бу ерда: ЯД – бозор ялпи даромади;

О – жорий баҳодаги товарайланма;

К – поставка қилинган товарлар қиймати улгуржи баҳода.

Товар муомаласи соҳасининг алоҳида корхоналари, юридик бирликлари бўйича самарадорлик кўрсаткичи рентабелликни ҳисоблашда натижавий кўрсаткич тариқасида фойда кўрсаткичидан фойдаланиш тавсия этилади.

Умумий фойдага тури хил омиллар таъсир кўрсатади. Ҳозир бозор муносабати шаклланиши жараённада хизмат кўрсатиш янги тус олмоқда. Шу жумладан, товар сотилгандан кей-

инги хизматлар ҳам ривожланмоқда. Савдо фаолиятининг фойда кўрсаткичларида муҳим ўринни сотишдан олинган фойда эгалайди.

Бозор фаолиятининг умумлаштирувчи кўрсаткичлар тизимиға қўйидагиларни киритиш мумкин:

- умумлаштирувчи самарадорлик кўрсаткичи;
- жонли меҳнат самарадорлиги кўрсаткичи;
- жонсиз меҳнат самарадорлиги кўрсаткичи;
- товар муюмаласи соҳасига инвестициялар самарадорлиги кўрсаткичи

Жорий харажатлар самарадорлигини ҳисоблашда товарайланма ҳажми жонли ва жонсиз меҳнат харажатларига нисбатан ҳисобланади.

$$C_{(z)} = \frac{O}{O.I + F + A + E}$$

Бу ерда:  $C_{(z)}$  – харажатлар самарадорлиги;

ОИ – оралиқ истеъмол;

F – меҳнат ҳақи фонди;

A – асосий воситалар амортизацияси;

E – товар муюмаласи соҳасидаги йўқотишилар.

Бозор жараёнининг самарадорлигини ҳисоблашда ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) умумий харажатлар йиғиндисига нисбатан ҳисобланади:

$$C_{(z)} = \frac{ЯҚҚ}{O.I + F + A + E}$$

Товар муюмаласи соҳасини ижтимоий-иқтисодий потенциал ресурслар самарадорлигини ҳисоблашда, натижавий кўрсаткич моддий ва меҳнат ресурслар ҳажмига нисбатан олинади:

$$C_{(R)} = \frac{O}{T_{ac} + T_{ob} + Z + T}$$

Бу ерда:  $T_{ac}$  ва  $T_{ob}$  – асосий ва айланма фондлар;

Z – товар заҳиралари;

T - муюмала дорасидаги ўртача йиллик меҳнат ресурслари қиймати.

Бозор фаолиятининг натижавий кўрсаткичини ифодалайдиган кўрсаткич тариқасида, самара кўрсаткичи – товарайланма кўрсаткичидан фойдаланилган. Товарайлланманинг ҳам юқорида кўрилганидек, ҳал этилишга қўйилган вазифага қараб турли хил турларидан фойдаланилади. Бозор фаолиятига мансуб бўлган, ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб келгунга қадар

товар бир неча олди-сотди поғоналарини ўтади. Буларнинг йигиндиси ялпи товарайланма категорияси ҳисобланади. Шу билан бир қаторда бозор жараёнларининг самарадорлик кўрсаткичи ни таърифлаш мақсадида самара кўрсаткичи тариқасида, реал товар массасини ифодаловчи соғ товарайланмадан фойдаланган маъкул. Бунда қилинган харажатлар ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи қўйидагича бўлади:

$$\mathcal{E}_{T_{(z)}} = \frac{Oc}{O.I + F + A + E}; \quad \mathcal{E}_{T_{(K)}} = \frac{Oc}{T_{ac} + T_{ob} + 3 + T}$$

Товар муомаласи соҳасида жонли меҳнатдан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичини меҳнат унумдорлиги ифодалайди:

$$W = \frac{O}{T}$$

Ижтимоий меҳнат унумдорлигини макродаражада таърифлашда:

$$W = \frac{ЯКК}{T}$$

Меҳнат жамияти самарадорлигини баҳолашда қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилди:

Фонд самарадорлиги:

$$\mathcal{E}_T = \frac{O}{T_{ac}}; \quad \mathcal{E}_T = \frac{ЯКК}{T_{ac}}$$

Рентабеллиги:

$$\mathcal{E}_R = \frac{P}{O}; \quad \mathcal{E}_R = \frac{P}{T_{ac}}$$

Харажатлар самарадорлиги:

$$\mathcal{E}_X = \frac{P}{X}$$

Бу ерда: X - харажатлар қиймати.

### 7.3. Муомала харажатлари статистикаси

Бозор фаолиятининг иқтисодий натижаларига таъсири этувчи асосий омилларидан бири харажатлар самарадорлиги ҳисобланади. Харажатсиз натижага эришилмайди. Демак, статистика ўз олдига кўйган вазифаларга яна қўйидагилар қўшилади: харажатлар оптимальигини баҳолаш; даражасини аниқлаш; таркиби, динамикасини ўрганиш; турли хил омиллар таъсирини баҳолаш кабиллар.

Товарни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиб бериш жараёнида қилинган умумий харажатларни қуидаги гурхуга бўлиб ўрганиши мумкин:

- инвестиция (аванслаштирилган харажатлар);
- жорий харажатлар — муомала харажатлари.

Муомала харажатлари ёрдамида хўжалик субъекти, фойда килиш жараёнига таъсир этиши мумкин. Масалан, жонли меҳнат харажатларининг ўсишини таҳлил қилиш орқали.

Товар муомаласига қилинган инвестициялар (капитал қўйилмалар), бозор ривожланишига мўлжалланган аванс, ундан фойдаланиш — асосий фондлар ўсишига олиб келади. Бу эса давлат иқтисодий потенциалининг асосий қисмидир.

Бозор соҳаси кенг маънода ўрганилганда, моддий неъмат ва хизмат ишлаб чиқарувчиларини ҳам инобатга олади. Бу соҳа харажатлари макродараҷада, тармоқлараро балансда, тўғри ва тўла харажатлар кўрсаткичи билан ифодаланади.

Тўғри харажатлар кўрсаткичи, товар бирлигини истеъмолчига етказиб бериш муомала соҳаси тўғри харажатларини таърифлайди. Бу кўрсаткич маҳсулот бирлиги қиймати истеъмолчига етказиб бериши жараёнида қанчага ўзгарганлигини ҳам кўрсатиб беради:

$$K_{T,x} = \frac{Z_y}{Z_o}$$

Бу ерда:  $K_{T,x}$  — тўғри харажатлар кўрсаткичи;

$Z_y$  — муомала соҳаси умумий харажатлари;

$Z_o$  — тармоқ маҳсулоти ҳажми.

Муомала харажатлари маҳсулот қийматига нафақат тўғри, балки эгри, технологик боғлиқликларига қараб ҳам киритилади. Буни тўла харажатлар кўрсаткичи инобатга олиб, турли тармоқлар маҳсулоти қиймати бирлигига қилинган муомала соҳаси харажатларини таърифлайди. Тўла харажатлар кўрсаткичи тўғри харажатлар кўрсаткичига қараганда икки баробар юқори бўлади. Маҳсулот ва хизмат муомаласида қилинган жонли ва жонсиз меҳнат харажатлари қиймати — муомала харажатлари дейилади.

Товар ҳаракати ва товарайланма жараёни билан боғлиқ бўлган харажатлар товар сотилиши ҳажмига турлича таъсир кўрсатади. Шунинг учун муомала харажатлари қуидаги тавсиф ёрдамида ўрганилади:

- ўзгарувчан харажатлар;
- шартли доимий харажатлар.

Товарайланма ҳажми ўзгариши билан тўғридан-тўғри ўз-

гарадиган харажатлар ўзгарувчан харажатлар дейилади. Буларга транспорт харажатлари, ортиш-тушириш харажатлари, қадоқлаш, саралаш ва ҳ.к. харажатлар киритилади.

Шартли домий харажатларга товарайланма ўзгариши билан мутаносиб равишида ўзгармайдиган, түғридан-түғри таъсир этмайдиган харажатлар киритилади. Буларга бошқариш, меҳнат ва ҳ.к. ларининг харажатлари киритилади.

Харажат турлари, товар сотилишига ва товар ҳаракатига турлича таъсир кўрсатади. Шунинг учун муомала харажатлари турлари бўйича қўйидагича тавсифланади:

1. Транспорт харажатлари.
  2. Меҳнат харажатлари.
  3. Ижара ва жорий таъмиглаш харажатлари.
  4. Сақлаш, қадоқлаш, саралаш харажатлари.
  5. Товар йўқотилиши (қуриши кабилар).
  6. Реклама, маркетинг харажатлари.
  7. Истеъмолчи тўламайдиган, товар муомала доирасидан чиқиб кетгандан кейин ҳам кўрсатиладиган хизматлар харажатлари.
  8. Кредит фоизлари.
  9. Бошқарув ва бошқа харажатлар.
- Муомала харажатларини ўрганишда қўйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади:
1. Харажатларнинг мутлақ миқдори ( $X$ ). Бу кўрсаткич статистик ва бухгалтерлик ҳисоботларда бўлиб, уларни турли хил йўналишларда ўрганиш мумкин (айрим хўжалик субъектлари бўйича, айрим харажат моддалари бўйича ва ҳ.к.);
    - харажат моддалар бўйича муомала таркиби

$$d_{(X)} = \frac{X}{\Sigma X}$$

2. Харажатларнинг нисбий даражаси. Бу кўрсаткич товарайланма бирлигига қилинган харажат даражасини ифодалайди:

$$D = \frac{X}{O} \cdot 100$$

Бу кўрсаткич ҳар 100 товарайланма бирлигига қанча харажат қилинганлигини кўрсатади. Товарайланма – натижавий кўрсаткич бўлиб, у орқали товарайланма содир этишга қанча харажат қилинганлиги аниқланади.

Харажатлар динамикасини ўрганишда, омилларнинг таъсирини таърифлашда қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

$$X_T = \frac{X}{ЯИМ} ; \quad X_T = \frac{X}{ЯКК} ; \quad X_T = \frac{X}{X_m + X_{n/q}}$$

Бу ерда:  $X_T$  – харажат талабчанлиги;

$X$  – муомала харажатлари;

$X_{n/q}$  – ишлаб чиқарыш харажатлари.

Биринчи - харажат талабчанлиги күрсаткичи умуман, икти-  
солиёттинг ривожланиш харажатлари талабчанлигини ифода-  
лайди. Иккинчиси – халқ хўжалиги самарасига, алоҳида хўжа-  
лик субъектининг қўшган ҳиссаси, бир сўмлик қўшилган қий-  
матга харажат даражасини таърифлайди. Учинчиси – жонли-  
ва жонсиз меҳнат йифиндисида муомала харажати салмоғини  
кўрсатади.

Муомала харажати ўзгариши индекслар ёрдамида ўрганилади:

$$I_X = \frac{X_1}{X_0}$$

Бу ерда:  $X_0$  ва  $X_1$  – базис ва жорий давр харажатлари.

Муомала харажати даражаси индекси:

$$I_D = \frac{D_1}{D_0} = \frac{X_1}{O_1} : \frac{X_0}{O_0} = \frac{X_1}{X_0} : \frac{O_1}{O_0} = I_X : I_O \text{ яъни, } I_D = I_X : I_O$$

Харажатлар даражаси ўзгариши харажатлар ўзгариши  
билин тўғри боғлиқлиқда ва товарайланма ўзгариши билин тес-  
кари боғлиқлиқдадир. Бу боғлиқлиқнинг адиптив модели омил-  
лар бўйича қўйидагича тақсимланади:

- харажатларнинг мутлақ ўзгариши:

$$\Delta x = X_1 - X_0;$$

- харажатлар мутлақ ўзгаришига товарайланма ўзгари-  
шининг таъсири:

$$\Delta x_{(0)} = (O_1 - O_0) \cdot D_0;$$

- харажатлар мутлақ ўзгаришига муомала харажати дара-  
жаси ўзгаришининг таъсири

$$\Delta x_{(D)} = (D_1 - D_0) \cdot O_1.$$

Муомала харажатлари динамикасини ўрганишда муомала  
харажатлари даражаси физик ҳажми индекси қўйидагича:

$$I_{q(D)} = \frac{\sum p_1^x q_1^x}{\sum p_0 q_1} : \frac{\sum p_0^x q_0^x}{\sum p_0 q_0} = \frac{\sum p_1^x q_1^x}{\sum p_0^x q_0^x} : \frac{\sum p_0 q_1}{\sum p_0 q_0} = I_q^x : I_q$$

Бу ерда:  $p_0^x$  – харажатлар бирлиги базис давр баҳоси;  $q_0^x$ ;  $q_1^x$  – жорий ва базис давр харажатлар физик ҳажми;  $p_0$  – базис давр товар баҳоси;  $q_0$ ;  $q_1$  – базис ва ҳисобот даври товар физик ҳажми.

Товарларнинг турли хиллиги, уларга бўлган талаб ва таклиф турлилиги, товар физик ва иқтисодий хусусиятларидан келиб чиқиб, турли хил товарларнинг харажат талабчанлиги ҳам турли хил бўлади. Булар авваломбор, баҳога таъсир этади. Шунинг учун муомала харажатлари даражасини ўрганиш аҳамиятлидир.

Товарлар йигиндиси бўйича ўртача муомала харажатлари даражаси қуидагича ҳисобланади:

$$\bar{D} = \frac{\sum X}{\sum O} = \frac{\sum D_0 O_0}{\sum O}$$

Ўртача муомала харажати динамикасининг ўзгарувчан таркиби индекси:

$$I_{\bar{D}} = \frac{\sum D_1 O_1}{\sum O_1} : \frac{\sum D_0 O_0}{\sum O_0}$$

Бу индексга икки омил таъсир кўрсатади:

- индувидуал харажатлар даражаси ўзгариши;
- товарайланма салмоғи ўзгариши.

Ҳар бир омилнинг таъсирини алоҳида ўрганиш учун: доимий индекс:

$$I_{\bar{D}} = \frac{\sum D_1 O_1}{\sum O_1} : \frac{\sum D_0 O_1}{\sum O_1}$$

Бу индексдан чиқсан натижга товарайланма таркиби ўзгармас ҳолдалиги, муомалада харажат даражаси ўзгариши умумий муомала харажатлари даражаси ўзгаришига қай даражада таъсир этишини кўрсатади;

- таркибий силжиш индекси:

$$I_{D(d_0)} = \frac{\sum D_0 O_1}{\sum O_1} : \frac{\sum D_0 O_0}{\sum O_0}$$

Айрим товарлар бўйича муомала харажати даражаси ўзгармас бўлган ҳолда фақат тварайланма таркиби ўзгариши умумий муомала харажатлари даражаси ўзгаришига қай даражада таъсир этишини кўрсатади.

Бу индексни ҳисоблаш анча соддалаштирилди. Агарда ўртачанинг математик хусусиятларидан фойдаланиб, тварайланма ҳажмини ( $O$ ) унинг салмоғи билан ( $d_0$ ) алмаштирилса, унда юқоридаги индекслар қуидаги ҳолатга келади:

$$I_{\bar{D}} = \frac{\sum D_1 O_1}{\sum O_1} : \frac{\sum D_0 O_0}{\sum O_0} = \frac{\sum D_1 d_{0_1}}{\sum d_{0_1}} : \frac{\sum D_0 d_{0_0}}{\sum d_{0_0}} = \frac{\sum D_1 d_{0_1}}{\sum D_0 d_{0_0}}$$

$$\sum d_{0_1} = \sum d_{0_0} = 1$$

$$\bar{I}_D = \frac{\sum D_1 O_1}{\sum O_1} : \frac{\sum D_0 O_1}{\sum O_1} = \frac{\sum D_1 d_{0_1}}{\sum d_{0_1}} : \frac{\sum D_0 d_{0_1}}{\sum d_{0_1}} = \frac{\sum D_1 d_{0_1}}{\sum D_0 d_{0_1}}$$

$$I_{D(d_0)} = \frac{\sum D_0 O_1}{\sum O_1} : \frac{\sum D_0 O_0}{\sum O_0} = \frac{\sum D_0 d_{0_1}}{\sum d_{0_1}} : \frac{\sum D_0 d_{0_0}}{\sum d_{0_0}} = \frac{\sum D_0 d_{0_1}}{\sum D_0 d_{0_0}}$$

Муомала харажатларининг мутлақ ўсишини омиллар таъсири натижасида ҳам аниқлаш мумкин.

Муомала харажатларининг мутлақ ўсиши:

$$\Delta x = X_1 - X_0.$$

Муомала харажатларининг мутлақ ўсишига ўзгармас товарайланма таркибида фақат муомала харажатлари даражаси ўзгариши натижасида:

$$\Delta_{x(D)} = \sum D_1 O_1 - \sum D_0 O_1$$

Муомала харажатларини мутлақ ўзгаришига товарайланма таркиби ўзгаришининг ўзгармас муомала харажатлари даражасида таъсири:

$$\Delta_{x(d_0)} = \frac{\sum D_0 d_1}{\sum d_1} : \frac{\sum D_0 d_1}{\sum d_1}$$

Муомала харажатлари миқдори ва даражасига турли хил ижтимоий-иқтисодий ва савдо-ташкилий омиллар таъсир этиди. Улар жумласида товарайланманинг ривожланиш ва концентратлашганлиги, унинг ташкилий ва товар таркиби, худудий жойлашиши, товар ҳаракати поғоналари, товар айланиши, савдо ва хизмат кўрсатиш шакллари ва ҳ.к.лар киради. Муомала харажатлари статистикасида омиллар таъсирини ўрганиш мақсадида аналистик гурухлаш, корреляцион-регрессион таҳдил, кўп ўлчовли таҳдил ва шу қаби бошқа статистик моделлаштириш усулларидан фойдаланилади.

## Қисқача хулосалар

Олинган натижаның қилингандай харажаттар билан таққослаш натижасида самарадорлик күрсаткичи хосил бўлади.

Самара иқтисодий фаолият натижасида олинган нафдир.

Самарадорлик эса, қилингандай харажат бирлигига олинган максимал самарадир. Самара мутлақ күрсаткич бўлса, самарадорлик эса нисбий күрсаткичdir.

Бозор фаолиятининг ижтимоий – иқтисодий натижасини баҳолаш ва тахлил этишда қуйидаги күрсаткичлардан фойдаланилади: ялпи товарайланма, соф товарайланма, ялпи қўшилган қиймат, фойда.

Бозор муносабати шароитида савдо фаолияти ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчига хизмат кўрсатаётган ишлаб чиқариш фаолияти тариқасида кўрилади ва шунинг учун корхона, ташкилот, тармоқ ва ҳ.к.лар бозор жараёнларига хизмат кўрсатаётган натижавий ишлаб чиқариш фаолияти ялпи қўшилган қиймат кўрсаткич билан баҳоланади.

Харажат кўрсаткичларига бозор жараёнларига хизмат кўрсатаётган ўртача банд бўлганлар сони, муомала соҳасидаги асосий ва айланма фонdlар ҳажми, товар захираси кабилар ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари барча харажатларга ва алоҳида харажатларга нисбатан ҳисобланади. Ушбу харажатлар, харажат моддалари бўйича, бозор сегментлари бўйича иқтисодий омиллар бўйича таснифланади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Бозор жараёнида инфратузилмасининг роли нимада?
2. Статистик изланиш предмети бозор инфратузилмасини таърифланг.
3. Бозор инфратузилмасига қандай элементлар киради?
4. Аҳолининг савдо шохобчалари билан таъминланганлиги қандай ўрганилади?
5. Бозор инфратузилмасида меҳнат контингенти қандай роль ўйнайди?
6. Бозор инфратузилмаси статистик кўрсаткичлар тизимини таърифланг.

## Асосий адабиётлар

1. Статистика рынка товаров и услуг. Под.ред. И.К.Белявского. -М.: Финансы и статистика, 1995.
2. Баканов М.И. Анализ хозяйственной деятельности в торговле. Учебник. -М.: Экономика, 1990.
3. Самуэльсон П. Экономика Пер. с анг. Т.1-21 М.: НПО «Анолог» ВНПСИ Машиностроение, 1993.
4. Хоскинг А. Курс предпринимательства. Пер. с анг. 1993.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аллен Р. Экономические индексы. Пер с анг. -М.: Статистика, 1980.
2. Баканов М.И. Анализ хозяйственной деятельности в торговле. Учебник. -М.: Экономика, 1990.
3. Под. ред. И.Х.Беляевского Статистика рынка товаров и услуг. -М. Финансы и статистика, 1995.
4. Букерель П. Изучение рынков. Академия рынка. Маркетинг. Пер.с фр. -М.: Экономика, 1994.
5. Голубков Е.П. Маркетинг: Словарь, -М.: Экономика, „Дело“, МТД., 1994.
6. Грабовецкий Б., Джуган Ф., Погомий В. Маркетинговые исследования. „Вестник статистики“. 1992. №2.
7. Котлер Т. Основы маркетинга: Пер с анг. — М.: Прогресс, 1991.
8. Кулагина Г.Д. Статистика товарного обращения. — М.: Экономика, 1989.
9. Маршава К., Симчера В. О развитии статистики раночной конъюнктуры. „Вестник статистики“, 1991, №5.
10. Тихомиров Н. Методы анализа и прогнозирования рынка. Соц. Труд. 1990. №11.

# МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I боб. ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТИЗИМИ.....	8
1.1. «Бозор ва хизматлар бозори» фанининг статистикаси предмети.....	8
1.2. Бозор иштирокчилари таснифи.....	11
1.3. Бозор статистикасининг вазифалари.....	11
1.4. МХТдаги бозор статистикасининг кўрсаткичлари.....	12
Қисқача хуносалар.....	16
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	17
Асосий адабиётлар.....	17
II боб. БОЗОР ҲОЛАТИНИНГ СТАТИСТИКАСИ.....	18
2.1. Бозор ҳолати тушунчаси ва унинг моҳияти.....	18
2.2. Бозор ҳолати статистикасининг вазифалари.....	21
2.3. Бозор ҳолати кўрсаткичларининг тизими.....	22
2.4. Бозор вазиятининг конъюнктурали баҳолари.....	33
2.5. Тараб ва таклиф эластиклиги ўзгаришининг статистик усуллари.....	38
Қисқача хуносалар.....	46
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	47
Асосий адабиётлар.....	47
III боб. МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ СТАТИСТИК УСУЛЛАРИ.....	48
3.1. Маркетинг ва маркетинг тадқиқотлари тушунчаси ва уларнинг моҳияти.....	48
3.2. Маркетинг тадқиқоти услубиятининг асослари.....	53
3.3. Маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш ва маркетинг ахборотларининг манбалари.....	54
3.4. Маркетингда истеъмол бозори қонунларини статистик моделлаштириш.....	68
3.5. Реклама ишининг статистикаси.....	77
Қисқача хуносалар.....	84
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	85
Асосий адабиётлар.....	85

IV боб. БАҲО СТАТИСТИКАСИ.....	86
4.1. Баҳо ва инфляция мөҳияти ва тушунчаси.....	86
4.2. Баҳони қайд этиш усуллари.....	90
4.3. Ўртача баҳо даражаси ва таркибини ҳисоблаш усуллари...	92
4.4. Баҳо динамикасини ўрганиш.....	93
4.5. Инқироз даражаси ва динамикасини баҳолаш.....	97
Қисқача хулосалар.....	100
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	101
Асосий адабиётлар.....	101
V боб. ТОВАР ҲАРАКАТИ СТАТИСТИКАСИ.....	102
5.1. Товар ҳаракати ҳақида тушунча.....	102
5.2. Товарайланма кўрсаткичлари тизими.....	103
5.3. Товарайланма динамикасини ўрганиш.....	106
Қисқача хулосалар.....	110
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	111
Асосий адабиётлар.....	111
VI боб. ТОВАР ЗАХИРАСИ СТАТИСТИКАСИ.....	112
6.1. Товар захиралари ҳақида тушунча.....	112
6.2. Товар захиралари кўрсаткичлари тизими.....	113
6.3. Товар захирасининг оптималлигини баҳолаш усуллари...	116
6.4. Товар захираси ўзгаришини таҳлил қилиш.....	119
6.5. Товар айланишини таҳлил қилиш усули.....	121
Қисқача хулосалар.....	126
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	127
Асосий адабиётлар.....	127
VII боб. БОЗОР ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК СТАТИСТИКАСИ.....	128
7.1. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ҳақида тушунча...	128
7.2. Бозор жараёнларининг самарадорлик кўрсаткичлар тизими.....	128
7.3. Муомала харажатлари статистикаси.....	131
Қисқача хулосалар.....	137
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	138
Асосий адабиётлар.....	138
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	139
	141

## CONTENTS

INTRODUCTION.....	5
PART-I. SUBJECT, TASKS AND SYSTEM OF THE COURSE OF STATISTICS OF GOODS AND SERVICES .....	8
1.1. Subject of the course of "Statistics of goods and services market"	
1.2. Concept of market partners.....	8
1.3. Tasks of market statistics.....	11
1.4. Statistical indicators of market of national accounting system.....	11
Brief conclusions.....	16
Questions for discussion and control.....	17
Main literature.....	17
PART-II. STATISTICS OF MARKET CONDITIONS.....	18
2.1. Meaning of market condition and its essence.....	18
2.2. Tasks of the statistics of market condition .....	21
2.3. Indicators system of market condition .....	22
2.4. Evaluation of market condition .....	33
2.5. Statistical methods of the elasticity of demand and supply... ..	38
Brief conclusions.....	46
Questions for discussion and control.....	47
Main literature.....	47
PART-III. STATISTICAL WAYS OF MARKETING RESEARCHES.....	48
3.1. Marketing and concept of marketing researches and their essence.....	48
3.2. Basis of the methodology of marketing researches.....	53
3.3. Organization of marketing researches and the sources of marketing information.....	54
3.4. Statistical modellization of the laws of consumption market in marketing.....	68
3.5. Advertisement statistics.....	77
Brief conclusions.....	84
Questions for discussion and control.....	85
Main literature.....	85
PART-IV. STATISTICS OF PRICE.....	86

4.1. Conception of price and its essence .....	86
4.2. Recording ways of price .....	90
4.3. Average price and ways of its structure calculation.....	92
4.4. Study of price dynamic.....	93
4.5. Bankruptcy stage and evaluation of its dynamics.....	97
Brief conclusions.....	100
Questions for discussion and control.....	101
Main literature.....	101
<b>PART-V. STATISTICS OF GOODS MOVEMENT.....</b>	<b>102</b>
5.1. About goods movement.....	102
5.2. Indicators system of goods turnover.....	103
5.3. Study of the dynamics of goods turnover.....	106
Brief conclusions.....	110
Questions for discussion and control.....	111
Main literature.....	111
<b>PART-VI. STATISTICS OF GOODS RESERVES.....</b>	<b>112</b>
6.1. Concept of goods reserves.....	112
6.2. Indicators system of goods reserves.....	113
6.3. Evaluation ways for optimal level of goods reserves.....	116
6.4. Analysis of the changes of goods reserves.....	119
6.5. Analyzing methods of goods turnover.....	121
Brief conclusions.....	126
Questions for discussion and control.....	127
Main literature.....	127
<b>PART-VII. SOCIAL-ECONOMIC EFFICIENCY STATISTICS IN MARKET CONDITIONS.....</b>	<b>128</b>
7.1. Meaning of social-economic efficiency .....	128
7.2. Indicators system of efficiency of market system.....	128
7.3. Statistics expenditures.....	131
Brief conclusions.....	137
Questions for discussion and control.....	138
Main literature.....	138
<b>LIST OF BIBLIOGRAPHY.....</b>	<b>139</b>

**АКБАРОВА ЗАРИФА РАХИМОВНА**

**ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ  
СТАТИСТИКАСИ**

**Ўқув қўлланма**

**Нашр учун маъсул:**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюнимаси

Адабиёт жамғармаси директори

Қурбонмурод Жумасев

**Мусаввир:**

Акбарали Мамасолиев.

Муҳаррир – Д.Икрамова

Техник муҳаррир – Ш.Тожиев;

Мусаҳих – Ж.Йўлдошев;

Компьютерда саҳифаловчи – Д.Инамов

**Интернетдаги расмий сайтимиз: [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)**

**Электрон почта манзили: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)**

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босинга рухсат этилди 20.01.2004 й.

Қоғоз формати 60x84  $\frac{1}{32}$ . Оффсет босма усулида босилди.

Нашр босма тобоги 9. Нусхаси 500.

Буюртма № 168

Ўзбекистон Ёзувчилар уюнимаси Адабиёт Жамғармаси паприёти.  
700000, Тошкент, Ж.-Неру, 1.

«Taraqqiyot PSC» фирмаси матбаа бўлимида чой этилди.

Тошкент шаҳри, Белгена мавзаси, 18-6.

**АКБАРОВА Зарифа Рахимовна** —  
«Статистика» кафедраси доценти, иқтисод  
факлары номзоди. У 4 та ўқыв құлланма ва 20  
тадан ортиқ ғалым жаңалықтар мүаллифи.

**Иімій ишларининг асосий мағзуси** —  
«Ишчи күчи ва унинг бандыгынын статистик  
үрганиш».

